

НОСИР МУҲАММАД

**ТУРОН ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУКМДОРЛАРИ
ЙИЛНОМАСИ**

**(Милоддан аввалги III асрдан милодий
XX аср бошларига қадар)**

Тўлдирилган иккинчи нашри

ТОШКЕНТ - 2011

**84(5Ў)6
М96**

Мұхаммад, Носир.

“Турон давлатлари йилномаси”/ Н.Мұхаммад.- Тошкент:
нашиёти, 2011 й. - 85 б.
ISBN 978-9943-334-16-8: Б.ц.

ББК

84(5Ў)6

Масъул мұхаррир:

Тақризчилар:

Хайдарбек Бобеков, тарих фанлари доктори
Қамариддин Усмонов, тарих фанлари доктори

Ушбу китобда муаллиф 2,5 минг йилдан ортиқроқ вакт мобайнида минтақамизда вужудга келган қадимги давлатлар ва хукмдор сулолалар, туркий қабила ва уруғлар ҳақида ҳикоя қиласы. Давлатчилигимиз тарихи, машхур хукмдорлар ҳақидаги маълумотлар, туркий халқлар кечмишининг ранг-баранг саҳифалари мозий ихлосмандларини, энг аввало, ёшларимизни қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

№778-2368/2009

**Носир Мұхаммад,
..... нашиёти,
2011 й.**

УШБУ КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ

Мутахассислигим бўйича тарихчи эмасман. Аммо бўш вақтларимда тарих китобларини ўқишини яхши кўраман. Ўтмишда ўтган машҳур шахслар – давлат арбоблари, саркардалар, шоирлар, солномачилар ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни, қадимги давлатлар тўғрисидаги маълумот ва йилномаларни катта қизиқиш билан ўқийман. Фожеаларга тўла тарихий воқеалар, буюк шахсларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти мен учун сабоқ ва ибрат мактаби бўлиб туюлади.

Бундан 30 йилча муқаддам қўлимга инглиз олими К.Э.Босвортнинг рус тилига таржима қилинган “Мусулмон сулолалари” номли китоби тушиб қолган эди. Бу асар ёрдамида тарихда ўтган мусулмон давлатлари, хусусан, Марказий Осиёда вужудга келган давлатлар ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. У мен учун севимли қўлланма бўлиб қолди. Аслида Шўролар даврида тарихимиз ҳақидаги кўп нарсалар ёритилмас, Амир Темур, Бобур сингари буюк давлатлар қурган шахсларга эса “истилочи” тамғаси урилганди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида шундай ёзадилар: “Эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган мاشаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. **Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.** Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”.

Мустақиллик шарофати билан тарихимизнинг ҳозиргacha номаълум бўлиб келаётган кўплаб сахифалари ойдинлатилди. Ўнлаб машҳур шахсларнинг табаррук номлари тикланди. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек сингари улуғларимизнинг мақбаралари табаррук зиёратгоҳларга айланди. Тарихимиз ҳақидаги неча-нечча нодир китоблар ўқувчиларга тухфа этилди.

Марказий Осиёда тарих давомида шаклланган давлатлар ва уларнинг хукмдорлари ҳақида кичик бир қўлланма ёзиш фикри менда ўн йиллар олдин туғилган эди. Шундан кейин рус, ўзбек, турк, қозоқ, қирғиз, озарбайжон тилларида тарихий солномалар ва адабиётларни ўргандим. Интернетда ҳам туркий халқлар тарихига оид қизиқарли маълумотлар пайдо бўлди. Ана шу материаллар асосида қўлингиздаги китобча дунёга келди.

“ТУРОН” АТАМАСИ ҲАҚИДА БИР НЕЧА СҮЗ

Қадимги даврларда туркий қабилалар Сибирдан Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудда, баъзилари ўтроқ, баъзилари кўчманчи ҳолда яшаганлар. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т турк” (XI аср) асарида шундай ёзади: “Ғарбда Рум чегарасидан Шарқда Чин ичигача бўлган ҳудудда турк уруғ ва қабилалари шу тартибда жойлашган: печенег, қипчоқ, ўғуз, йемек, бошқирд, басмил, қайи, ябаку, татар, қирғиз, чигил, тўҳси, яғмо, уғроқ, чаруқ, чўмул, уйғур, тангут, хитай”. Кейинги саҳифаларда у Ғарбдаги булғор ва сувар қабилаларини ҳам тилга олади. Мазкур ҳудудларда топилган қадимий қабрлар ва тошларга битилган ёзувлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди.

Туркий халқлар Шарқий ва ҳатто Ғарбий Европада, Кичик Осиё, Марказий Осиё ва Ғарбий Сибирда турли номлар билан бир неча минг йилдан буён яшаб келади. Уларнинг этник таркиби асосан ўзгармаган бўлса-да, турли даврларда турли туркий халқлар ва қабилаларнинг ҳукмрон мавқега эришуви натижасида умумий номлари ўзгариб турган. Шарқий Европа ва Кичик Осиё туркий халқлари тарихини ўрганган даниялик олим П.Ф.Сум XIX асрдаёқ шу фикрга келган эди. У шундай деб ёзади: “Туркларнинг умумий номи бир қабиланинг иккинчиси устидан ғолиб чиқишига боғлик равишда тез-тез ўзгариб турган. Скифлар, Сарматлар, Аланлар, Хунлар, Хазарлар, Узлар ёки Команлар, Татарлар – моҳиятан бир-бирининг ортидан келган умумий номлардир”.

Европа ва рус тарихчилари мўғуллар ва туркларни умумий ном билан “татарлар” деб атайдилар. Инглиз тарихчиси ва таржимони Уильям Эрскин “Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи” (1854 й.) асарида бу атамани шундай изоҳлайди:

“Биз татар деб атаган қабилалар тарихан учта катта ирқка бўлинади ва улар бир-биридан урф-одатлари, тили ва турмуш тарзи билан фарқланадилар:

1. *Тунгуслар ёки манчжурлар.* Осиё шарқида, Шимолий Хитойда яшаганлар.

2. *Мўгуллар.* Шимолий Тибет марказида, Ғарбда Турфон ва Ёйик (Урал) дарёси оралиғида яшаганлар.

3. *Турклар.* Улар кўп асрлар давомида Гоби чўллари ва Ғарбий Мўгулистан, жанубда Қашқар ва Помир тоғларигача, Хуросон, Каспий ва Қора денгизларигача, гарбда эса Дон ва Волга бўйларигача, шимолда эса Сибиргача улкан ҳудудни эгаллаб яшаган.

Бу учала қавм ичидаги турклар сон жихатидан энг кўп уруғ бўлиб, жуда улкан терриорияга тарқалиб кетган.”

Алп Эр Тўнга (Афросиёб) номи кўпчиликка яхши маълум. У милоддан аввалги VII асрдан милоднинг II асригача Ўрта Осиёдан Қора денгизгача бўлган ҳудудда ҳукм сурган Сак империясининг

машхур ҳоқони эди. Эронликлар бу империяни Турун деб атаганлар. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида “Турун ҳоқони Афросиёб” ҳақида бир қатор ривоятлар қаламга олинган. Кейинчалик бу давлатга Омурғ, Малика Тумар (Тумарис), Шу исмли хонлар бошчилик қилганлар.

Үйғур тарихчиси Турғун Олмос бу ҳақда шундай ёзади: “Саклар аслида қадимги даврларда Ғарбий Сибирда яшаган. Улар милоддан 10 аср олдин ўзларининг Шарқда яшайдиган қариндошлари - сарматларнинг ҳужумига учрайди. Шу сабабли саклар Жанубга күчиб, Қора денгизнинг шимолига ерлашган. Сакларнинг бир қисми Эрон наслли халқлар таъсирига учраб, форс тили ва маданиятини қабул қилган. Аммо туркий ирққа хос хусусиятларини асосан сақлаб қолган. Ёқутлар ҳозир ҳам ўзларини “сак” деб атайдилар. Сакларнинг диний эътиқоди ва урф-одатлари хунлар ва туркларники билан бир хилdir. Улар шаманизмга ва Кўк тангрига эътиқод қилишган. Қуёш ва Ойга сифинишган. Шу сабабли турклар ўз исмларига кун, ой сўзини қўшиб аташни яхши кўрганлар”.

Машхур қозоқ шоири Ўлжас Сулейменов “Аз и Я” асарининг “Шумернома” бобида турк тили билан шумер тилини қиёслайди ва кўпгина ўхшашликларни топади. Маълумки, шумерлар эрамиздан 3 минг йил олдин Месопотамияда инсоният тарихида илк бор давлат-шаҳарлар курган. Уларнинг тили турк тили билан қариндош эканлиги ҳақида бир қатор жаҳон олимлари фикр билдиришган.

“Аз и Я” китобида ёзилишича, эрамиздан олдинги VII асрда Ашшурий солномаларда Каспий денгизи шимолидаги чўллардан Месопотамияга кўчманчилар босқини рўй берганлиги, бу қабилалар номи “ишгуз”, етакчилари эса Испака эканлиги қайд этилган. Муаллиф улар аслида туркий ич-ўғуз қабилалари эканлигини аниқ далиллар асосида исботлаган.

Туркий халқлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар юонон тарихчилари ва адиллари Гекатей, Гесиод, Геродот, Страбон, Плиний, Помпоний Мела, Птолемей, арман тарихчилари Мовсес Хоренаци, Ананий Ширакаци, араб ва форс солномачилари Ибн ал-Асир, Рашидиддин, Хордадбех, Абул-Фида, Ибн Хавкал ва бошқаларнинг асарларида келтирилган. Аммо туркий халқлар тарихи ҳақидаги илк илмий тадқиқотлардан бири швед офицери Ф. И. Табберт-Страленберг қаламига мансуб. У 1713-1722 йилларда Сибирда ҳарбий хизматда бўлган ва бу ердаги қадимий қўрғонларни ўрганиб, туркий халқларнинг илк ватани - Олтой деган фикрга келган. Лекин кейинчалик академик Э.И.Эйхвальд туркий қабилалар эрамиздан олдин ҳам Европада яшаган, деган қарашни илгари сурди ва бу фикрни юонон тарихчилари асарларида келтирилган мисоллар билан исботлади.

Туркий халқлар қадимдан яшаган яна бир ҳудуд Амударё ва Сирдарё бўйларидир. Тарихдан маълумки, энг қадимий маданиятлар

улкан дарёлар соҳиларида пайдо бўлган. Масалан, Шумер, Аккад ва Бобил маданиятлари Тигр ва Евфрат дарёлари ҳавзасида шаклланган. Амударё ва Сирдарё соҳиларида ҳам минг йиллар давомида ўнлаб давлатлар ва маданиятлар вужудга келган. Табиийки, бу ҳудуд ўзининг табиий гўзаллиги ва бойликлари билан ҳамиша босқинчиларнинг иштаҳасини қўзғаган. Шу сабабли аждодларимиз кўпинча қўлда қурол билан ўз эркинликларини ҳимоя қилишга мажбур бўлганлар. Баъзи даврларда эса кучли душманлар асорати остида яшаганлар. Юнонлар, Эрон Ахамонийлари, араблар истилолари бунга мисол бўла олади.

Милодий VI асрнинг 60-йилларида Нахшаб шаҳри яқинида Турк ҳоқонлиги аскарлари билан Эфталийларнинг қўшинлари тўқнашади. Бу жангда Истами ябѓу бошчилигидаги турк аскарлари ғолиб чиқадилар. Суѓд, Хоразм, Усрушона, Фарғона ва Шош воҳалари ҳоқонлик таркибиға киради. 567 йилда Истами ябѓу сосонийларга қарши ҳужумни давом эттириб, Тоҳаристонни ҳам кўлга киритади. Турк ҳоқонлигининг бу ердаги ҳокимияти қарийб VIII асрнинг биринчи чорагигача давом этган.

Тарихий манбаларда “Турон” атамаси икки маънода қўлланган:

1. Кенг маънода - туркий қабилалар яшайдиган худудлар.
2. Тор маънода - Амударё ҳавзаси ва ундан Шарқда жойлашган ҳамда асосан туркий қабилалар яшайдиган худуд.

Кўпгина манбаларда бу жойлар Турон деб аталган. Жумладан, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да ва Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида бу ҳақда маълумотлар мавжуд.

Таниқли форс шоири Асади Тусийнинг қадимги афсоналар асосида ёзилган “Гершосбнома” достонида(милодий 1066 й.) шундай мисра бор:

Ҳама Мовароуннахр то марзи Чин
Шумурданд онгоҳ Туронзамин.

Яъни, Мовароуннахр худудидан то Хитой ерларигача у пайтда (қадимги даврларда) Туронзамин деб ҳисобланарди.

Биз мазкур китобда атаманинг худди шу маъносига асосан Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудлардаги давлатлар ҳақида ҳикоя қилдик.

“Девону луғоти-т турк” асари ёзилганидан буён 1000 йил вақт ўтди. Аммо туркий халқлар ҳозир ҳам айнан ушбу асарда қайд этилган ҳудудларда яшамоқдалар (Китобга илова қилинган суратларга қаранг). Энди уларнинг кўпчилиги номлари ўзгарган. Қадимги номлардан фақатгина татар, бошқирд, қирғиз, уйғур ва булғор атамаларигина сақланиб қолган. Кўпгина қабила ва уруғлар ҳозирги турк, озарбайжон, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқлар таркибиға кирган. Жумладан, ўзбеклар

дастлаб 92 уруғдан ташкил топган бўлса, кейинчалик унга яна ўнлаб қабила ва уруғлар қўшилган.

Ушбу китобда 2,5 минг йилдан ортикроқ вақт мобайнида минтақамизда хукм сурган қадимги давлатлар ва хукмдор сулолалар, туркий қабила ва уруғлар ҳақида қисқача тушунча беришга интилдик. Давлатчилигимиз тарихи, машхур хукмдорлар, туркий халқлар кечмишининг номаълум саҳифалари ҳақидаги маълумотлар тарих ихлосмандларини, энг аввало, ёшларимизни қизиқтириши шубҳасиз.

Табиийки, маълумотлар турли манбалардан олингани учун исмларда ва саналарда айрим хатолар бўлиши мумкин. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида улар кейинги нашрларда албатта тузатилади.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТИ

Хоразм Ўрта Осиё ҳудудидаги энг қадимий давлатлардан бири бўлиб, аҳолиси ўтроқ ва кўчманчи қабилалардан иборат бўлган. Унинг ҳудуди Амударёнинг қуий қисмидан жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. У ҳақдаги илк маълумотлар “Авесто”, биринчи Доронинг Биҳистун тош битиклари, қадимги юонон муаллифлари, араб географларининг асарларида учрайди. “Авесто”нинг “Яшт” қисмida Хоразм “Минг ирмоқли дарё”, “Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка” сифатида мадҳ этилади.

Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида шундай ёзади: “Хоразмликлар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар. Бу Искандардан 980 йил илгари бўлган эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмга подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари (устидан) хукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан 92 йил кейин бўлди”.

Демак, 3 минг йил олдин ҳам Хоразмда туркий қабилалар яшаган ва давлат тизими бўлган. Милоддан аввалги минг йиллик бошларига алоқадор “Амиробод маданияти”, қуий Амударё ҳавзасидаги сунъий суғориш иншоотлари тизими (Геродот қадимда Окс (Аму) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий суғориш иншоотлари барпо этилганлигини ёзади) ҳамда дастлабки шаҳарсозлик тимсоли бўлган шаҳар-қалъалар – Қалъалиқир, Кўзалиқир, Жонбосқалъа ва бошқалар Хоразм воҳасидаги қадимий давлатчилик белгилариdir.

Хоразм тарихини чукур ўрганган машхур рус олими С.П.Толстов “Қадимги Хоразм” китобида антик Хоразм тарихини тўрт даврга бўлади:

1. Уй-жой деворлари бўлган шаҳристон маданияти (милоддан аввалги VI-IV асрлар)

2. Қанқа (Қанг) маданияти (милоддан аввалги IV аср – милодий I аср)

3. Кушонлар маданияти (милодий II-III асрлар)

4. Кушон-Африғ ўтиш маданияти (милодий III-V асрлар)

Бу даврларга оид Амударёнинг ўнг соҳилида 250 дан зиёд, сўл соҳилида 60 та қадимиш шаҳар ва қишлоқлар ўрни топилган. Қанқақалъа, Қўшқалъа, Тупроққалъа, Жингилжа, Тошхирмон сингари қалъа ва истеҳкомлар ўрни бунга мисол бўла олади.

Хитойнинг Тан сулоласи даврида (милодий VII-X асрлар) Хоразмда асосан туркий қабилалар яшаган. Таншу солномасида шундай дейилади: “Барча турк элатлари ичидан хўкиз қўшилган арава фақат шу ерда (Хоразм) учрайди. Бу араваларда савдогарлар турли вилоят ва элатларни айланиб, савдо қилиб юрадилар.” Бу ўринда гап Хоразмнинг савдо-сотик билан кун кечирувчи ўтрок аҳолиси устида кетяпти. Шу билан бирга Хоразм воҳасига яқин чўл ва даштларда қўчманчи ва ярим қўчманчи чорвадор туркий қабилалар яшаган.

Эрон Ахоманийлари шохи Кайхусрав (Кир, Куруш) (милоддан аввалги 558-530 й.) Хоразм ва унга туташ ҳудудларни босиб олган. Хоразм милоддан аввалги 6-5 асрларда Ахоманийлар давлатининг 16-сатраплиги (вилояти) таркибиға кирган. Лекин қўчманчи Сак (Массагетлар) қабиласи устига хужум қилганида Кайхусрав малика Тўмарисдан енгилиб, ҳалок бўлган. Хоразм ўз мустақиллигини тиклаган. Милоддан аввалги III асрда эса у Қанг давлати таркибида бўлган.

Хоразм тарихининг то афригийлар сулоласи асосчиси Африғгача (305 й.) бўлган даври ҳақида маълумотлар кам. Фақат қадимда Кайхусрав (мил.ав. 1200-1140 й.), Саксафар (мил.ав. 519-517 й.), Фарасман (мил.ав. 329-320 й.), Хусрав (мил.ав. 320 й.) сингари хоразмшоҳлар бўлганлиги, Фарасман милоддан аввалги 328 йилнинг баҳорида Ўрта Осиёга бостириб кирган македонияли Александр (Искандар) хузурига музокара учун совға-саломлар билан келганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Абу Райҳон Беруний афригийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳлардан 22 тасининг номини келтирган. Хоразм давлатининг пойтахти дастлаб Тупроққалъа, 305 йилдан кейин эса Кот (Кос) шаҳри бўлган. Милоддан аввалги 4-3 асрларда Хоразм иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиб, йирик сугориш каналлари, янги шаҳар ва қалъалар барпо этилган. Ҳунармандчилик, санъат, ички ва ташқи савдо кенг ривож топган. Милодий IV-VIII асрларда Хоразм янги юксалишни бошдан

кечирди. Бургутқалъа, Уйқалъа, Қумбосганқалъа каби иншоотлар ана шу даврларда қурилган.

Хоразмнинг Этил (Волга) бўйидан Марказий Осиё орқали Мўғулистон ва Хитойга ҳамда Эронга бориладиган савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги унинг иқтисодий ва маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этган.

712 йили Хоразмни араблар босиб олган. Халифаликнинг Хуросондаги ноиби Қутайба ибн Муслим хоразмликларнинг тарихий адабиёти ва маданий меросини сақлаб келган олимларни қирғин қилган ва қувиб юборган. Шу сабабли араблар истилосигача бўлган даврдаги ёзма тарихий манбалар деярли учрамайди.

Африғийлар сулоласи вакиллари (Милодий 305-995 й.)

- 1. Африғ**
- 2. Бағра**
- 3. Саххасан**
- 4. Азҳажамуқ**
- 5. Азқажавар I**
- 6. Саҳр I**
- 7. Товуш**
- 8. Хамгари**
- 9. Бўзгар**
- 10. Арсамух**
- 11. Саҳр II**
- 12. Сабри**
- 13. Азқажавар II**
- 14. Азҳажамуқ II**
- 15. Шовшафар**
- 16. Турксабоса**
- 17. Абдуллоҳ**
- 18. Мансур ибн Абдуллоҳ**
- 19. Ироқ ибн Мансур**
- 20. Муҳаммад**
- 21. Аҳмад ибн Ироқ**
- 22. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад**

СУҒД (СУҒДИЁНА) ДАВЛАТИ

Суғд (Суғдиёна) давлати (пойтахти – дастлаб Кеш, сўнгра Самарқанд) уч тарихий-географик ҳудудни бирлаштирган. Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди ва Кеш-Наҳшаб Суғди. Ҳар уч

қисм ўзаро табиий чегарага ҳам эга эди. Зарафшон тоғ тизмалари Самарқанд ва Кеш-Нахшаб ўртасини, Карманадан кейин Малик чўли Бухоро ва Самарқанд Суғдини ажратиб турган.

Суғд милоддан аввалги VI-IV асрларда Эрон Ахамонийлари империяси таркибида бўлган. Парфия ва Хоразм билан бирга империянинг 11-сатрапиясини (вилоятини) ташкил этган. Сўғд аҳолиси кумуш билан анчагина солиқ, қимматбаҳо тошлар етказиб берган, Форс подшоҳларини йирик ҳарбий қисмлар билан таъминлаб турган.

Милоддан аввалги 329-328 йилларда Сўғд аҳолиси Спитамен бошчилигига македонияли Искандар (Александр) қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Искандар вафотидан кейин (м.а. 323 й.) Салавкийлар давлатига ва милоддан олдинги 3 асрда Юнон-Бақтрияга тобе бўлган. Милоддан аввалги II-I асрлардан бошлаб Суғд ўз мустақиллигини тиклашга киришган. Унинг марказий ва маҳаллий тангалари зарб қилина бошлаган. Суғд аста-секин ҳар уч қисмни ўз атрофига тўплаган конфедератив давлат уюшмасига айланиб борган.

Милодий 1-минг йилликнинг биринчи ярмида Суғд күшонлар, хионийлар, абдаллар, қиданлар таъсирида бўла туриб, ўз нисбий мустақиллигини сақлаб келди. VI-VIII асрларда у Турк ҳоқонлиги таркибида бўлган. Араб истилосининг бошланғич давридан (VIII асрнинг 1- чораги) то Суғд подшоси Турғар даври охиригача (738-759 йиллар) Суғд ўзининг конфедератив хусусиятини сақлашга ҳаракат қилган. Турғардан кейин Суғдда ихшидлик сиёсий ҳокимияти тугаб, мамлакат халифалик таркибиға киритилган.

Буюк Ипак йўлининг марказий тармоқлари Суғд худуди орқали ўтган. Шу сабабли Суғд халқаро савдо муносабатларида мухим ўрин тутган. Хитойдан Farb давлатлариға олиб бориладиган ипак матолар савдоси асосан суғдликлар қўлида бўлган. Буюк Ипак йўли бўйлаб Суғд савдогарларининг қишлоқлари, шаҳарларида эса уларнинг маҳаллалари пайдо бўлган. Баъзи олимларнинг ёзишича, Крим ярим оролидаги Судак шаҳри “Суғдак”, яъни кичик Суғд деган маънени англашар экан.

Суғдда маданият ва санъат юксак даражада ривож топган. Археологик қазилмалар пайтида Афросиёб, Панжикент, Варахша, Қалъаи Муғдан топилган ноёб ёдгорликлар ана шундан далолат беради. Милоддан аввалги I-IX асрларда бу худудда суғд ёзуви амалда бўлган. Бу ёзувда битилган қадимий хужжатлар қисман сақланиб қолган. Эроний тилларнинг шимоли-шарқий гуруҳига мансуб суғд тили араблар истилосидан сўнг аста-секин истеъмолдан чиқиб кетган. Бу тилдан кирган сўзлар ҳозирги ўзбек ва тожик тилларида ҳанузгача сақланиб қолган.

Самарқанд Суғди ҳукмдорлари (Хитой манбаларига асосан)

Ши-фу-би (Тай-ше-би) (милодий VI асрнинг сўнгги чораги)
Кюи-му-чжи (600-620)
Тўнга (645)
Фу-ху-ман (Авархуман) (650-670)
Ду-со-бо-ти (Тукаспадак) (690 - ...)
Ни-Ний-ши-ши (698-700)
Ту-хун (Тархун) (700-710)
У-лэ-га (Ғурак) (710-738)
До-гэ (Турғар) (738-750)

Кеш Суғди ҳукмдорлари

Ди-чже (600-640)
Ша-ше-би (Шишпир) (640-660)
Ал-Ашканд (VIII аср бошлари)

ҚАНҒ ДАВЛАТИ (Қанхҳа, Қангюй)

Қадимда Сирдарёning ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган давлат (милоддан аввалги III ва милоднинг V асири ўрталари). Айrim адабиётларда ушбу давлат аҳолиси ҳам шундай ном билан аталади.

Атоқли олим К. Шониёзовнинг фикрича, Қанғ давлати шарқда Фарғона (Даван, Дайюан), шимоли-шарқда Усун(Уйшун) давлатлари, шимоли-гарбда Сирдарёning қуи оқими билан чегараланган. Хитой манбаларига кўра, Қанғ давлати ҳудудига Тошкент воҳаси, Талас ва Чу дарёлари водийси кирган. Айrim даврларда ҳозирги Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Каттакўрғон, Урганч шаҳри ва атрофлари ҳам қараган бўлиб, чегараси Амударёгача борган. Аҳолиси эса таҳминан 120 минг оила ёки 600 минг кишидан иборат бўлган.

Баъзи манбаларда у Кенгарас давлати ҳам деб қайд этилган. Аммо олимлар бу сўз “Қанғар-ас”, яъни Қанғ давлати аҳли деган маънени билдиради, дейдилар. Ўзбек уруғлари ичидаги “кенагас”лар номи ўша қабила номи билан боғлиқ, деган таҳминлар бор. Кўк тангрига эътиқод қилган бу давлат аҳолисини асосан қангли, кенгарас, қипчоқ, бажноқ уруғлари ташкил этган. Шунингдек, бу ҳудудда қарлук ва ўғуз қабилалари ҳам яшаган. Туркий ёзув амалда бўлган.

Кушон подшолиги ташкил топиши ва унинг ҳудуди кенгайиши муносабати билан Қанғ давлатининг жанубий чегаралари ўзгарган. Унинг қишики пойтахт шаҳарлари Хитой солномаларида Битян ва Сушие деб кўрсатилган. К.Шониёзовнинг фикрича, Битян қадимги шарқ манбаларида учрайдиган Қанха шаҳри бўлиб, у Сирдарёning ўнг ирмоқларидан бири – Оҳангарон(ҳозирги Ангрен) дарёсининг қуи оқимида жойлашган. Мўғуллар давридаги

манбаларда бу дарё Илек деб аталган. Сушие эса ҳозирги Паркент туманидаги Сўқоқ (Сукеэке) ўрнида бўлган деган тахминлар бор. Давлатнинг ёзги қароргоҳлари Иссиқкўл соҳилида, ҳозирги Қорақўл (Пржевальск) ёнида бўлган.

Қанғ давлатининг қўшини 80-90 минг жангидан иборат бўлган. Бу давлат аҳолисининг урф-одатлари ҳунларникига ўхшаш бўлган. Қанғ давлати ҳукмдори ва Ҳун ҳоқонлиги тангриқути ўртасида қудачилик муносабатлари ўрнатилган. Шу туфайли хитойлар ҳунлар устидан ғолиб чиқиб, уларни ўз жойидан сиқиб чиқарганида, ҳун ҳоқони ўз авлоди билан Қанғ давлатига кўчиб келган.

Қанғ давлатининг кўчманчи аҳолиси чорвачилик, шаҳарлар ва уларнинг атрофида яшаган ўтроқ аҳоли эса дехқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган.

Милодий V асрнинг 2-ярмида Қанғ давлати парчаланиб, унинг худудида Шош (Хитой манбаларида Ши), Самарқанд (Кан), Маймурғ (Ми), Шаҳрисабз (Ши), Каттақўрғон (Хе), Усрушона (Цао) каби кичик давлатлар ташкил топган. Бу худуд аста-секин Эфталийлар давлати таркибиغا қўшиб олинган.

VIII ва IX аср бошларида қарлук, ўғузлар тазиқи ва араб истилоси натижасида қанғли қабила иттифоқи батамом емирилиб, бир неча қисмга бўлиниб кетади. Бир қисми шимоли шарққа – Талас ва Чу дарёлари оралиғига келиб жойлашади. Иккинчи қисми Каспий денгизининг шимолидаги Ёйик (Урал) дарёси атрофидаги яйловлардан макон топади. Учинчи қисми эса Орол денгизининг жануби шарқий соҳилларида, Сирдарёning қуи оқимларида қолиб, ўғузларга тобе бўладилар.

XII – XIII асрларда қанғлилар Хоразмнинг сиёсий ҳаётида мухим роль ўйнаганлар. Шу даврда Талас ва Чу водийларида яшовчи қанғлилардан 60 минг киши Хоразмга кўчиб келади. Мўғуллар босқини арафасида Хоразмда қанғлилардан тузилган қўшиннинг сони 90 мингга етган. Хоразмшоҳ Текеш қанғли бекларидан бирининг қизи – Туркон хотунга уйланади. Кейинчалик бу аёлнинг мамлакат сиёсий ҳаётига аралашуви, калтабинлиги мўғул босқинига қарши курашда кучларни бирлаштиришга тўсқинлик қилган.

Қанғлиларнинг бир груҳи XII – XIII асрларда Сибирь ерларига бориб ўрнашади ҳамда бу ердаги Олтой, Енисей турклари ва ёқутларга аралашиб кетади. Иккинчи бир қисми Зарафшон водийсига кўчиб келади. Мўғуллар хужуми арафасида Самарқандда 30 минг қанғли бўлган.

Кейинги асрларда қанғлилар ўзбек, қозоқ ва қорақалпок халқлари таркибиға кирган. Хоразм, Қорақалпоғистон, Тошкент, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардаги “қанғли” сўзи билан боғлик этнотопонимлар бу фикрни тасдиқлайди.

Қанғ давлати даврига оид ёдгорликлар Хоразм воҳасидаги Жонбосқалъа, Қўйқирилган қалъа, Кичик Қирққиз, Қўнарли қалъа, Оқ тепа ва бошқа қалъалар қазилмаларидан топилган.

УСУНЛАР ДАВЛАТИ

Усунлар(уйшунлар) Марказий ва Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилалардан бири бўлган. Хитой манбаларига кўра, улар милоддан аввалги III асрда юэчжилар билан бирга Дунъхуан (Дўнгхуанг) билан Тангритоғнинг шарқи, Қоронғу тоғ (Кунлун)нинг шимолидаги Чилан тоғи яқинида яшаган. Усун хонлиги ҳудудига Иссиқкўлнинг шимоли, Балхаш кўлининг жанубидаги ерлар кирган.

Милоддан аввалги 177 йили улар юэйчжиларнинг тазиқи натижасида шарққа силжиб, ҳунлар орасига (ҳозирги Гансу ўлкасининг шимолий-шарқидаги Эрсин яйлови) бориб жойлашган. Жанглардан бирида усунлар ҳукмдори (кунбейи, хони) Нандубей (Нандуми) ўлдирилган. Милоддан аввалги 160 йили унинг ўғли Лие-Жиаобек (Роғуми) ҳунлар ёрдамида юэчжиларни мағлуб этиб, уларнинг ҳудудини эгаллаган ва ғарбга силжиган. Натижада Еттисувда кучли давлат ташкил топган. Унинг маркази хитой манбаларида Или дарёсининг жанубидаги Чигу (Қирғизистондаги қадимий Қизил қўргон шахри) деб қайд этилган.

Хитой сайёхларидан бири ўз императорига шундай деб ёзган эди: “Катта Усун гунмосининг (хоқонининг) қароргоҳи Чанъандан 8900 ли узоқликдаги Чигу шаҳридадир. 120 минг ўтов, 630 минг одам, 188 минг 800 аскари бор...Ери текис ва ўтзор, оби ҳавоси жуда серёмғир ва совуқ. Тоғларида игнабаргли ўрмон кўп. Усунлар миришкорлик, боғбончилик билан шуғулланмай, эмин-эркинликда, сув ва ўтнинг сероблигига қараб, моллари билан кўчиб юрадилар. Феъл-атворлари ҳунларникига ўхшаш. Мамлакатларида от жуда кўп. Бойларининг 4000дан 5000гача оти бор...Усун энг қудратли эллардан ҳисобланади. Илгари ҳунларга қарам бўлган. Кейин кучайиб, бошқа ерларни ўзига бўйсундириб, ҳунларнинг Ўрдасига (совға-салом билан) қатнашдан бош тортган. Мамлакати – шарқда ҳунлар, шимоли-ғарбда Кангуй, ғарбда Даван билан, жанубда ўтроқ юртлар билан чегарадош.”

Усуннинг Хитой билан иттифоқ тузиб, ҳунларга қарши узоқ муддат кураши бу давлатнинг парчаланишига сабаб бўлган. Натижада Усунлар авар (жужан) лардан енгилиб, милодий 404-410 йилларда Помир тоғлари атрофига бориб жойлашган. 938 йилда мазкур хонлик қорахитойлар хонига бож-хирож тўлаганлиги хақида хитой манбаларида маълумот берилган.

Усунлар чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланишган, уларнинг давлат тузилиши, урф-одатлари хунлар билан ўхшаш бўлган.

XIX асрда ва XX аср бошларида усунлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд, нўғай халқлари таркибига “йишун” номи билан кирган. Жумладан, улар Ўзбекистоннинг Самарқанд, Хоразм ва Бухоро вилоятлари ҳудудида яшаган. XX аср бошларида Ўзбекистондаги уйшунларнинг умумий сони 3 минг кишига яқин бўлган.

Ҳозирги пайтда Самарқанд, Андижон, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида Уйшун номли қишлоқлар бор.

Нандуми (Милоддан аввалги 197 - 160)

Роғуми (160 – 104)

Қуншуми (104 – 93)

Унғуми (93-60)

Ними (60-53)

Ўйғут (53-33)

Ёнғуми (Хитой маликасидан туғилган) (53-51)

Шин ми (51-33)

Жасуми (33-16)

Элқуми (милодий 10-16)

ОСИЁ ҲУН САЛТАНАТИ

Ҳунлар, ҳуннулар — қадимда Марказий Осиёда шаклланган туркий тилли кўчманчи халқ. Ҳунлар бундан 4 минг йил муқаддам мавжуд бўлган Дилар (Хитой манбаларида туркий қабилалар номи) таркибига кирган. Хитой манбаларида ҳунлар турли даврларда 32 хил номда (квей, қуй, қуйфан, қуйрунг, хуний, ҳу, шюнюн, сюнну ва б.) келтирилган. Баъзан улар бэйди (шимолий турк) деб ҳам аталган. Олимлар ўртасида ҳунлар этноними кун (куёш) сўзидан келиб чиқсан, деган фикр мавжуд. Япония олимларининг фикрича, «шюнну» — «кун» сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у тангри фарзанди, кунга (куёшга) топинган одам, халқ каби маъноларга эга бўлган.

Туркий халқларнинг қадимги аждодлари бўлган ҳунлар Хитойнинг шимолий қисмидан то Марказий Осиё, Каспий денгизи бўйлари ва Шимолий Кавказгача бўлган ҳудудда яшаган.

Милоддан аввалги III асрда вужудга келган Ҳун ҳоқонлигининг олий ҳукмдори «Тангри-күт» (Хитой манбаларида таний, шангюй, шаньюй) деб аталган бўлиб, у «Тангри фарзанди» деган маънони англатган. Ундан кейинги ўринда сўл қўл хони ва ўнг қўл хони

каби кичик хонлар лавозими жорий этилган. Ҳарбий ишлар бўйича сўл қўл қўмондон ва ўнг қўл қўмондон каби 2 бош қўмондонлик лавозимлари таъсис этилган. Хун ҳоқонигига тобе ўлкаларни Марказий ҳокимият томонидан қўйилган 14 та кичик хон бошқарган. Мамлакат ҳудуди ҳар бири 10 минг оиласдан иборат туманларга бўлинган. Туман бошлиқлари кичик хонлар назоратида бўлган.

Милоддан аввалги III аср охирида ҳунлар Модэ ҳоқон (Ўғузхон) бошчилигига дунху, юечжи, гяньгун (қирғиз), усунларни тор-мор қилиб, Хитойга бостириб кирганлар ва император Лю Банни ўлпон тўлашга мажбур қилганлар. 73 йил ҳукмронлик қилган Модэ ҳоқон даврида бутун Турон ҳудуди ягона давлатга бирлаширилган.

Милоддан аввалги I асрда Ҳунлар орасидаги ўзаро низолар туфайли тобе эттирилган барча қабилалар улардан ажраб чиқкан ва Хуханийи тангриқут Хитойга номига вассал бўлиб қолган (мил. ав. 51 йил). Милодий I аср бошида Хитойнинг заифлашуви Ҳунларга мустақилликни қайтариб олиш имконини берган.

Олимлар фикрича, ҳунлар баланд бўйли, оқ юзли кишилар бўлишган. Уйғур олими Турғун Олмос “Уйғурлар” номли китобида шундай мисолни келтиради: милоддан олдинги 121 йили Ҳун-Хитой урушида ҳунлар енгилади. Хитойнинг Хан сулоласи подшоси Вуди қароргоҳига ҳун шаҳзодаларидан бирини олиб келадилар. Унинг бўйини ўлчаганларида 2 метр 10 сантиметр чиқади. Олтой тоғларидаги ҳун қабрларидан топилган гавда суюклари ҳам буни тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, ҳунларнинг урф-одатлари туркий халқларники билан бир хил бўлган. Улар терига хат ёзиб китоб қилишган. Ҳунларнинг урф-одатларига кўра, бир уруғ доирасида қиз олиш ва қиз бериш қатъян ман этилган. Узатилган қиз келин қилган уруғнинг аъзоси ҳисобланиши билан бирга, у меросхўрлик хуқуқига ҳам эга бўлган. Шунинг учун мабодо келин бева қолса, у қайнота ва қайнона уруғи доирасидан чиқиб, бошқа урукка келин бўла олмаган. Мерос бўлиб қолган мулкни уруғ доирасида сақлаб қолиш мақсадида бундай бевалар марҳум эрнинг ака-укаларига хотин бўлиши одатга кирган. Одатда улар ўзаро ва ўзгалар билан бўлган келишувларни оғзаки битим қилишган ва берилган ваъдага хиёнат қилишмаган. Қасдан одам ўлдирганларга ўлим жазоси беришган, майда ўғирлик қилганларнинг қўлини кесишган, катта ўғирлик қилганларни ўлимга маҳкум этишган.

Ҳунлар тангричиликка эътиқод қилганлар. Тангрининг неъмати сифатида қуёш ва ойга сажда қилганлар. Ҳунлар қўшиқ айтиш ва ўйинга тушишни яхши кўришган. Чолғу асбоблари ичida най, сурнай, қўбуз, пипа (гитарага ўхшаган), чанг қабилар бўлган. Рассомчилик ва ҳайкалтарошлик санъати ҳам ҳунларда яхши ривожланган. Нефрит, олтин, темир ва мисдан ҳайвонларнинг ҳайкалларини ҳамда турли идиш-товоқлар ясаш

санъати кенг ривожланган. Эгар-жабдуқ ясаш ва уларга нақш бериш санъати юксак даражада бўлган. Пўлатдан ясалган қилич ва ханжарлар Хитойга элтиб сотилган. Ҳунлар ҳаётида чорвачилик билан бирга дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдогарлик муҳим ўрин эгаллайди. Ҳунармандчилик соҳасида темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кўнчилик, кулолчилик, дурадгорлик, тўқимачилик, айниқса, гилам тўқиши умумий ишлаб чиқаришнинг муҳим йўналишлари бўлган.

Қадимги солномаларда ҳунлар таркибида тукю(турк), теле(телес), уйғур, қипчоқ, қимак, қарлук, агач-эри, аз, ўн-ўқ, табғач, ёвмут, тухси, қуён, геклан, уйсун(уйшун), сари(сарик), черик, чик, арги, тардущ, буғу, айғир, алақчин(олчин), эдиз сингари қабила ва уруғлар борлиги қайд этилган. XIX асртагача ўзбек халқи таркибида бу қабилалардан 15 таси, яъни турк, уйғур, қипчоқ, қимак, қарлук, аз, тухси, қуён, уйшун, сариқ, черик, чик, аргин, айғир, олчин номлари саналганлиги ҳунлар бизга бегона эмаслигидан далолат беради.

Ҳун империяси Осиёдаги энг қудратли давлат сифатида доимо Хитойга хавф солиб турган. Милоддан аввалги 200-йили хитойликлар 320 минг қўшин билан ҳунларга қарши ҳужум қиласди. Аммо уларнинг 400 минг кишилик қўшини қуршовида қолиб, зўрға қочиб қутулади. Натижада Хитой хирож тўлаб туришга мажбур бўлади. Ўзаро муносабатларни яхшилаш учун Хитой маликаларидан бири Тангриқутга турмушга берилади. Ҳар йили кимхоб, ипак матолар, шароб, гуруч ва бошқа маҳсулотлар юбориб турилади. Ўртадаги қуда-андачилик алоқалари вақти-вақти билан бузилиб турган. Бунга хирожнинг вақтида тўланмаганлиги ва бошқа воқеалар сабаб бўлган. Ҳунлар ўзаро келишув бузилганлиги учун Хитойнинг чегара ўлкаларига босқинлар уюштирганлар. Хитойликлар ҳунларнинг ҳужумларидан қутулиш учун Буюк Хитой деворини куришга киришганлар.

Ғарб билан Хитойни боғлаб турувчи барча савдо йўллари Ҳун ҳоқонлиги назоратида бўлган. Хитой хукмдорлари Ҳун ҳоқонлиги билан қуда-андачилик қилиш ва уларга ўлпон тариқасида совға-саломлар юбориб туриш эвазига ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишган. Хитойлик солномачи Си Мачян ўзининг “Тарихий хотиралар” китобига кирган “Фарғона тазкираси”да шундай деб ёзган эди: “Усуннинг (Уйшун) ғарбидан Аршаккача (Парфия) бўлган давлатлар ҳунларга яқин эди. Бундан ташқари, юэжилар(тоҳарлар) ҳунлардан таъзирини еб, ҳалигача юраги ўрнига тушмаган эди. Кўлларида (Ҳун) тангриқутининг бир парча хати бор ҳун элчиларига ҳамма давлатлар озиқ-овқат етказиб берарди. Ҳеч қачон хурматсизлик қилмасди. Лекин Ҳан (Хитой) элчилари пул сарфламаса, молбойликларини чиқармаса, оч қолар эди. Улов сотиб олмаса, яёв юрарди”.

Мазкур сўзлар ҳунларнинг Турон худудида катта нуфузга эга бўлганлигини тасдиқлайди. Ҳун ҳукмдори Ботур тангрикут Хитой ҳоқонига хат ёзиб, Ғарбда круронниклар, усунлар, ўғузлар ва бошқа 26 (баъзи манбаларда 36) давлатни ўзига бўйсундурганлигини маълум қиласди. Орадан 30-40 йил ўтгач, Хитой сайёхи Чжан Цзян ўз хабарномасида Турон худудидаги кўп мамлакатлар мустақил сиёsat олиб борса ҳам ҳунларнинг назорати остида эканлигини ёзади. Ҳунлар тобе мамлакатларда давлатни идора қилиш усулини сақлаб қолганлар. Шу туфайли тадқиқотчилар Ҳун ҳоқонлигини конфедерация тузуми деб баҳолайдилар.

Хитойда Хан сулоласи вакили У-Ди тахтга чиққанидан кейин вазият ўзгарган. У милоддан аввалги 127-119-йиллари ҳунларга қарши юриш қилиб, уларга жиддий талафот етказган. Ҳун ҳукмдорларининг тез-тез алмашинуви ҳам кучларни бирлаштиришга тўсқинлик қилган.

Милоддан аввалги 104-101-йиллари У-Ди фармойиши билан ҳунлар билан яқин муносабатда бўлган Фаргона(Даван) давлати устига икки марта ҳарбий юриш қилинади. Бу эса Ҳун-Хитой муносабатларини яна кесинлаштириб юборади. Тўқнашувларда кўпинча ҳунларнинг қўли баланд келган. У-Дининг милоддан аввалги 97 ва 90-йилларда ҳунларга қарши юборган катта кўшинлари тамомила тор-мор этилади, лашқарбоши Ли Гуангли ҳалок бўлади.

Аммо милоддан аввалги 73-48-йилларда 5 та ҳун ёбғуси (ҳокими) ўртасида бошланган уруш ҳунларни заифлаштирган. Ички тож-тахт курашлари ва Хитойнинг доимий тазики натижасида эрамизнинг 48-йили Ҳун империяси иккига бўлиниб кетади. Шимолий (Ғарбий) ва Жанубий (Шарқий) Ҳун империялари вужудга келади.

Тангрикут(исми номаълум) (милоддан аввалги 270-240)

Туман Тангрикут (240-210)

Ботур Тангрикут (Модэ, Ўғузхон) (210-174)

Кўқхон (174-161)

Кунхон (161-126)

Элчиши (126-114)

Ўви (114-105)

Ўйшилар (105-102)

Қулиғу(102-101)

Қутиғу(101-96)

Ғулиқу(96-85)

Ғуёнди (85-68)

Шулуй Қанқуй (68-60)

Уёнқути (60-58)

Қуғушар (58-31)

Қутиюш (31-20)
Шужунути (20-12)
Қиёнути (12-8)
Ужилунути (8-1, милодий – 13)
Улунути (13-18)
Ғудуарши Давганути (милодий 18-46)
Удатғу(46-48).

ШИМОЛИЙ (ФАРБИЙ) ҲУН ДАВЛАТИ

Шимолий (ғарбий) Ҳун давлати Осиё Ҳун империясининг парчаланиши туфайли 48-156 йилларда Ўрхун дарёси бўйлари, Талас водийси ва Ғарбий Туркистон ҳудудида вужудга келган.

Хитойларнинг Шарқий Ханъ давлати Жанубий ҳунлар билан ярашув битими тузиб, Шимолий ҳунларга қарши курашни давом эттирган. Шимолий Ҳунлар 87-93 йилларда хитойлар, сяньбилар ва динлинлар иттифоқидан мағлубиятга учраган. Тарим воҳасидаги асосий шаҳарлар ҳунлардан тортиб олинган. Ҳунлар Қанг давлати ҳудудига чекиниб, 2 асрга яқин мазкур давлат ерларида яшаганлар, уларнинг бир қисми Мўғулистон чўлларида кўчманчилик қилиб юрган. Шимолий Ҳунларнинг яна бир қисми Еттисув ва Тарбағатайда Юебань (Яйпан) номи билан янги давлат ташкил қилган. 5-асрнинг бошида вужудга келган бу давлат Или водийси ва унинг жанубидаги ерларни ўз назорати остига олган эди. Аммо V аср охирида ушбу давлат теле қабилалари томонидан тутатилди.

Бу давлат хукмдорлари сулоласидан қуидагиларнинг номи маълум:

Пану(48-83)
Санмулу Утзи (83-84)
Улуг(84-89)
Шимолий Тангриқут (89-91)
Элтекин (91-93)
Панғу (93-118)

ЖАНУБИЙ (ШАРҚИЙ) ҲУН ДАВЛАТИ

Жанубий(шарқий) Ҳун давлати 48-216 йилларда шимоли ғарбий Хитой, Орол денгизи бўйлари, Амударё ҳавзаси, Сибирь, Тангритоғ минтақаси ва Тибет пасттекслигини ўз ичига олган. Аҳолиси Кўк тангрига эътиқод қилган. Ёзувда Ўрхун алифбосидан фойдаланишган.

Жанубий хунлар хитойликлар билан келишиб, ўзаро муросада яшашга интилганлар. Хитойларнинг Шарқий Ханъ давлати имкониятдан фойдаланиб, Шимолий хунларга қарши курашни кучайтирган.

Бай (Хуханийи) (48-56)
Чупунути (56-57)
Илға Улути (57-59)
Шитунгси Суйғути (59-63)
Қучи Қаланди (63...)
Гуши Шису Қути (63-85)
Элту Улути (85-88)
Шулан Шису Қути (88-93)
Арқу (93-94)
Тинду Шису Қути (94-98)
Ванчи Шису Қути (98-124)
Ужқу Шису Қути (124-128)
Қутину Шису Қути (128-140)
140-143 йилларда тангриқут тайинланмаган.
Ғуронну Шису Қути (143-147)
Иллин Шису Қути (147- 172)
Утину Шису Қути (172-178)
Ғужин (178- 179)
Қанқуй (179-188)
Қизи Шису Қути (188-195)
Гучуқон (195-216)

ГАРБИЙ ЕВРОПА ҲУН САЛТАНАТИ

Шимолий хунларнинг бир қисми хитойлар тазиқидан Гарбга томон кўчиб, милодий 155-158 йиллари Волга ва қуи Дон соҳилларига ўрнашган. Уларнинг кейинги 200 йиллик тарихи ҳақида маълумотлар кам. Бу даврда улар маҳаллий халқлар билан аралашиб, Европада “гунн”лар номи билан танилган.

360 йилда хун-алан уруши бошланади ва 370 йили хунларнинг ғалабаси билан яқунланади. Уралдан Карпат тоғларига қадар ҳудудда хукмрон бўлиб олган ҳунлар аста-секин Гарбга томон силжий бошлайдилар. Ўз йўлбошлилари Баламир бошчилигига Карпат тоғидан ошиб, Венгер пасттекислигини Дунай дарёсининг ўнг қирғогига қадар эгалладилар.

430 йилда хунлар Рейн дарёсига етиб бордилар ва Рим билан дипломатик муносабатлар ўрнатдилар. Натижада Шарқий Русь, Руминия, Болқон давлатлари, Можористон, Австрия, Чехия,

Словакия, шарқий ва ўрта Олмония худудида янги империя вужудга келди.

434 йили қобилиятли саркарда Аттила ҳокимиятни ўз қўлига олди. Бизнинг тахминимизча, унинг номи “Атли” деган сўздан олинган (Хоразмшоҳ Отсизни эсланг). От ҳунлар ҳаётида қандай катта аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. Шу сабабли унинг номи ҳам “от” сўзи билан боғлиқ бўлса керак. Волга дарёсининг олдинги номи – Итил ҳам унинг исмидан олинган, деган тахминлар бор.

Аттиланинг қароргоҳи ҳозирги Венгрия худудида жойлашган эди. Империя чегаралари унинг даврида шарқда Кавказ тоғларига қадар, ғарбда Рейн дарёсигача, шимолда Дания ороллари ва жанубда Дунайнинг ўнг қирғоғигача чўзилган эди. Аммо Аттила ўша пайтда энг кучли бўлган Рим империяси ва вестготлар устидан ғалаба қилишни режалаштирганди. 451 йили Галлияга бостириб кирган ҳунлар римликлар, вестготлар ва франкларнинг қаттиқ қаршилигига учраб, ортга қайтдилар.

453 йили Аттиланинг сирли ўлими ворислар ўртасида ҳокимият учун курашни кучайтириб юборди. Забт этилган худудлардаги ҳалқлар бош кўтардилар. 455 йили Паннонияда бўлган жангда енгилган ҳунлар яна Қора денгиз бўйларига қайтишга мажбур бўлдилар. 469 йили уларнинг Болқон яrim оролига ёриб киришга уриниши ҳам натижасиз тугади. Аста-секин ҳунлар тарих саҳнасидан тушиб, Европа ва Осиёдаги бир қатор ҳалқлар таркибиға сингиб кетдилар.

Ҳун империяси таркибидаги туркий қабилалар Кўк тангрига эътиқод қилган. Сўзлашув ва ёзувда турк, гот, лотин ва юонон тилларидан фойдаланилган.

Баламир (374-400)
Улдиз (400-410)
Қоратун (410-415)
Бунчук (415-422)
Руя (422-434)
Ойбарс, Уктар (434)
Аттила (434-453)
Тилик (453-454)
Дангизбағ (454-469)

ФАРГОНА (ДАВАН) ДАВЛАТИ

Милоддан аввалги II-I асрлардаги Хитой манбаларида бу обод ва бой мамлакат ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Фарғона шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди. Улуг ҳукмдор қароргоҳи дастлаб Эрши шаҳрида, кейинчалик

Гуйшан шахрида (ҳозирги Ўзган, Кўқон ёки Косонсой шаҳарларидан бири деб тахмин этилади) бўлган.

Хитой манбаларида бу давлат “Даван” ёки “Дайюан” деб аталган. “Катта бўстонлик” маъносини англатган бу сўз суғд тилидаги “Парғана” – тоғ оралигидаги водий атамасининг таржимаси бўлса керак. Даван атамаси тарихий адабиётларда милодий III асрдаги учрайди. Сўнгра Даван ўрнига “Бохань” ва “Полона” (мил.V а.) атамалари ишлатилган.

Милоддан аввалги II асрда Хитой элчиси Жанг Чян ўз ҳоқонига берган ахборотида шундай деб ёзган эди: “Фарғона Хан (давлати)дан ўн минг ли(тахминан 5 минг км.) олиса бўлиб, Ҳунларнинг ғарби жанубига, Хан (давлати)нинг айнан ғарбига тўғри келади. Фарғоналиклар авлоддан-авлодга ўтроқ ҳаёт кечириб келган экан. Дехқончилик билан шуғулланиб, шоли, буғдой экар экан. Узум шароби чиқарап экан. Фарғонада асл отлар кўп бўлиб, мазкур отларнинг ҳаммаси тулпор отлардан экан. Баданидан қизил тер томчилари чиқиб турагар экан. (Фарғонада) шаҳар, қалъа, уйиморатлари кўп, унга каттаю кичик 70 дан ортиқ шаҳар қарап экан. Бир неча юз минг аҳолиси бор экан. Бу давлат аскарлари ўқ-ёй, найза ишлатар ва улар отга минишга, ўқ-ёйдан фойдаланишга моҳир бўлар экан...”

Яна бир Хитой манбаси – “Ханнома”да Фарғона давлатининг ери, иқлими, бойлиги, урф-одатлари Улугюэжилар (Тоҳаристон) ва Аршак (Парфия) билан ўхшаш эканлиги таъкидланган. Бу эса мазкур давлатлар ҳудудида ҳам қариндош халқ ва қабилалар яшаганлигини кўрсатади.

Милоддан аввалги II аср охиридаги маълумотларга кўра, Фарғона аҳолиси 300 минг кишини ташкил қилган. Улар савдо-сотик ишларида моҳирликлари билан ном чиқаришган. Жумладан, Хитой билан кенг кўламда савдо қилинган. Чунки Буюк Ипак йўлининг асосий тармоғи шу ҳудуддан ўтган.

Фарғонада хотин-қизлар иззат-икром қилинган. Бу мамлакатда етиширилган “самовий тулпорлар” - арғумоқлар Шарқда машҳур бўлган. Мамлакат подшоси ҳокимияти қабила зодагонларидан иборат оқсоқоллар кенгаши томонидан чеклаб қўйилган. Олий кенгаш ҳукмдорни подшоликдан тушириши, ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган.

Милоддан аввалги 104-101-йилларда Хитой аскарлари Фарғонага икки бор ҳужум қилганлар. Уларнинг биринчи юриши милоддан аввалги 104 йили бошланган. 40-50 минг кишилик қўшинга бош қўмондон қилиб Ли Гуангли тайинланади. Бу урушнинг бошланишига Фарғона подшоси Хитой императори У-Ди учун арғумоқларни бермаганлиги баҳона бўлган. Хитой истилочилари подшо қароргоҳи жойлашган Эрши шаҳрига етмасданоқ қўшинларининг анчасидан айрилган. Йўлда чарчаган, оч қўшин Ўзган шахридаги ҳужумда катта талофат қўрган. Ли Гуангли

қолган кучлари билан Дунгхуанга қайтиб келган. У-Дининг фармонига биноан зудлик билан қайтадан уруш тайёргарлиги кўрилиб, 60 минг кишилик катта қўшин иккинчи марта Эрши шаҳрини қамал қилган. Қамал 40 кундан ортиқ давом этган. Фарғоналиклар шаҳарни мардонавор ҳимоя қилишган ва душманга катта талафот етказишган. Хитой қўшини Фарғонага Қанғ давлати қўшини ёрдамга келиб қолишидан хавотирланиб, фарғоналиклардан 3 мингта от (уларнинг оз қисмигина асл зотли) ва оч қолган Хитой қўшини учун ғалла, озиқ-овқат олиб Хитойга қайтган. Бу юриш ҳам 2 йил давом этиб, милоддан аввалги 101 йили тугаган. Бу урушда хитойликлар катта талафот кўрганлар, юришда қатнашган жангчиларнинг ўндан биригина эсон-омон юритига қайтган.

Хитой қўшинининг Фарғонага юриши Ҳун-Хитой муносабатларини янада кескинлаштириб юборган. Чунки Ҳун давлати Фарғона билан иттифоқчи эди. Унинг қўшинлари баъзи ички ва ташқи сабабларга кўра ўз вақтида ёрдамга этиб кела олмаган. Кечроқ ҳаракат қилган ҳунлар Фарғонадан қайтаётган Хитой қўшинининг ортидан ҳужум қилиб, унга қисман талафот етказишган. Фарғона юришидан кейин бошланган Ҳун-Хитой уруши 10 йил давом этган. Бу урушларда кўпинча ҳунларнинг қўли баланд келган. Милоддан аввалги 90-йилда Ли Гуангли бошчилигига жўнатилган Хитой қўшини ҳам тор-мор этилиб, ўзи асир олинган ва бир йилдан кейин қатл этилган.

САЛАВКИЙЛАР ДАВЛАТИ (милоддан аввалги 312-64 йиллар)

Македонияли Александр эрамиздан олдинги 330-327 йилларда Ўрта Осиё ҳудудини забт этгач, э.о. 323 йили Бобилда вафот этади. У тузган салтанат таназзулга учрайди. Маҳаллий ҳокимлар ва лашкарбошилар ҳокимият учун кураш бошлайдилар. Э.о. 312 йили истеъодли лашкарбоши Салавк I Никатор(“Ғолиб”) Бобилни забт этиб, Салавкийлар империясига асос солди. Империя пойтахти - Дажла дарёси бўйидаги Салавкия (300-йилгача), 300-йилдан кейин Оронт дарёси бўйидаги Антиохия шаҳри бўлган. Давлатнинг номи хукмронлик қилган сулола номидан олинган. Баъзан, асосий ҳудуднинг номи билан Сурия подшолиги деб ҳам юритилган.

Э.о. 305 йили ўзини подшо деб эълон қилган Салавк 306 йилда Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Парфияни бўйсундирди. Э.о. 301 йили Месопотамия ва Сурия, 281 йили Кичик Осиё ҳам Салавкийлар давлатига қўшиб олинади.

Мазкур давлат ҳудудидан ўтган савдо йўллари ички ва ташқи савдонинг кучайиши ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига сабаб бўлди. Салавк I милоддан аввалги 293 йили ўғли Антиох I ни Ўрта

Осиё ерларига ҳоким этиб тайинлади. Ўрта Осиёning бир қанча сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалари Салавк I, айниқса, Антиох I хукмронлиги билан боғлиқ. Бу даврда Бақтрия ҳаётида дастлабки тангалар - олтин, кумуш, мис драхма ва тетрадрахмалар зарб қилина бошланди. Салавкийлар даврига оид тангалар Термиз, Тахти Сангин, Денов, Кампиртепа, Афросиёбдан топилган.

Салавкийлар давлати марказидан узоқда бўлишига қарамай, Ўрта Осиё ушбу давлатнинг энг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Ўрта Осиё бўйлаб ўтган савдо йўллари бўйида шаҳарлар ва қишлоқлар қурдирилгани бежиз эмас. Маъмурий бошқарув жиҳатидан давлат сатрапияларга (20-30 тадан 72 тагача сатрапия бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд) ва нисбатан кичик ҳудудий бирлашмалар - эпархия, гипархия, тонархияларга бўлинган. Юонон ҳокимлари ва улар атрофида тўпланган юонон зодагонлар билан бирга маҳаллий зодагонлар ҳам ҳокимлик қиласар эдилар. Салавкийлар ҳокимияти Ўрта Осиёдаги ҳарбий манзилгоҳларда жойлашган ҳарбий кучларга таянар эди.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келиб Салавкийлар давлатида ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олиб кетади. Бу эса Ўрта Осиёда салавкийлар ҳокимиятининг барҳам топишига олиб келди ва милоддан аввалги 250 йилда Салавкийлар давлатидан дастлаб Парфия, кейин эса Юонон-Бақтрия подшолиги ажralиб чиқди. Мил. ав. 163 йилдан 64 йилгача 19 подшо алмашди. Бутун давлат инқизозга юз тутиб, милоддан аввалги 64 йили фақат ҳозирги Сурия ҳудудидан иборат бўлиб қолди ва ўша йили Рим провинциясига айлантирилди.

Ўрта Осиёning Салавкийлар давлати таркибига кирган даври юонон-македон юришлари пайтида вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг тикланиши ҳамда бақтрияликлар, суғдийлар, парфияликларнинг босқинчиларга қарши бирлашув даври бўлиб қолди.

САЛАВКИЙЛАР СУЛОЛАСИ

- Салавк I Никатор (мил.ав. 312-280)**
- Антиох I Сотир (280-261)**
- Антиох II Теос (261-246)**
- Салавк II Каллиник (246-226)**
- Салавк III Сотир (226-223)**
- Антиох III Буюк (223-187)**
- Салавк IV Филопатор (187-175)**
- Антиох IV Эпифан (175-164)**
- Антиох V Эвпатор (164-162)**
- Деметрий I Сотир (162-150)**
- Александр Балас (152-145)**
- Деметрий II Никатор (145-139, 130-125)**

Антиох VI Дионис Эпифан (145-142)

Диодот Трифон (142-138)

Антиох VII Эвергет (138-129)

Александр Забина (128-123)

.....

ПАРФИЯ (ПАРФИЁНА)

(Милоддан аввалги 250 - милодий 254 йиллар)

Парфия подшолиги Каспий денгизининг жануби ва жанубишарқий томонида вужудга келган давлат. Милоддан аввалги I аср ўрталарида Месопотамиядан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни ўзига бўйсундирган. Милоддан аввалги тахминан 247 йилда сакларнинг кўчманчи парнлар (дахлар)қабиласи Аршак (аршакийлар сулоласи асосчиси) бошчилигига Салавкийлар давлатидан ажраб чиқсан Парфиёна ва ёки Парфия сатрапиясига бостириб кирган ва унинг ҳудудини, сўнгра қўшни Гиркания вилоятини ишғол этган. Салавк II ўз ҳокимиятини қайта тиклаш мақсадида олиб борган бир неча муваффақиятсиз уринишлардан (мил.ав.230-227й.) сўнг Парфияда аршакийлар ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлган.

Юнон тарихчиси Помпей Трог шундай деб ёзади: “Ҳозирги кунда бутун Шарқни эгаллаган парпилар бир замонлари скифларнинг қувгинди қилинган бир парчаси бўлганлар. Айтишларича, номлари ҳам скиф тилида қувгинди деган маънени билдирап экан. Оссурия, Бобил, Мидия даврида номи энг кам танилган эл бўлганлар. Шарқда ҳокимият форсларнинг қўлига ўтганда, ном-нишонсиз бир оломондек ғолибнинг ўлжасига айланганлар. Кейин худди шу аҳволда македонлар қўли остига кирганлар. Бундай элнинг фақат ўз жасоратига суюниб, шундай иқболи барқ урганлиги, ўзини қул қилган кўп халқларни ҳозирда ўзининг қулига айлантирганлиги одамларни лол қолдиради.”

209 йили Парфияни Салавкийлар подшохи Антиох III босиб олди. Бироқ Салавкийлар давлатининг заифлашганидан фойдаланиб, Парфия тезда ўз мустақиллигини тиклади. Парнлар маҳаллий парфияликлар билан аралашиб, уларнинг маданияти, тили ва маҳаллий диний эътиқодларини қабул қилишди.

Парфияда ягона давлат дини бўлмаган. Шарқий вилоятларда зардуштийлик, Марғиёнада буддавийлик, Ғарбда юнон ва қадимиј Бобил асотирлари ҳукмрон бўлган. Подшоликнинг сўнгги йилларида масиҳийлик ёйила бошлаган.

Милоддан аввалги тахминан 170-138 йилларда Парфия подшохи Митридат I салавкийларнинг шарқий сатрапиялари ва Юнон-Бақтрия подшолигининг бир қисмини (мил.ав.тахм.136 й.) босиб олди. Парфиянинг кучайиб бориши атрофдаги давлатларни

ваҳимага солиб қўйди. Милоддан аввалги 139 йилда Деметрий Никатор бактрияликлар билан иттифоқда Парфияга юриш қилди. Аммо жангда енгилиб, асир тушди. 129 йили унинг укаси Антиох VII уюштирган ҳужум ҳам натижা бермади. Салавкийларнинг Ўрта Осиё ва Месопотамиядаги ҳукмронлиги тугатилди. Парфия подшоҳлари уларнинг сўнгги қароргоҳи – Сурияга ҳам тез-тез ҳужум қилиб турдилар.

Милоддан аввалги I аср бошида Парфиянинг қудрати янада ортиб, Рим империясининг хавфли рақибига айланди. Милоддан аввалги 92 йили ўзаро келишувга асосан Рим империяси билан Парфия чегараси Евфрат дарёси деб белгиланди. М.ав. 53 йили Парфия Рим билан тўқнашиб, Карри жангиди Красс қўмондонлиги остидаги Рим қўшинини буткул тор-мор этди. Милоддан аввалги 40-йилда Парфия Кичик Осиёнинг деярли бутун худудини, Сурия ва Фаластинни зabit этди. Бу Римнинг Шарқдаги ҳукмронлигига таҳдид солмоқда эди. Милоддан аввалги 39-37 йилларда римликлар бу вилоятлар устидан ўз ҳукмронликларини тиклашди. Аммо Антонийнинг эрамиздан олдинги 36-йили Мидиядаги мағлубияти римликларнинг зафарли юришини тўхтатиб қўйди.

Парфияда вилоятлар подшоҳликлар деб, Аршакийлар шаҳаншоҳ, яъни шоҳлар шоҳи деб аталган. Рим тарихчиси Плиний шундай деб ёзган эди: “Бари Парпия подшоҳликлари ўн саккизтадир. Жанубдаги чегараси Қизил денгиз, шимолдагиси Гиркан (Каспий) денгизидир. Подшоҳликлар ўн биттаси Армания ва Каспий денгизи ҳудудларидан бошланиб, скифларгача етиб боради. Парпиларга скифларгина бас кела олади. Қолган еттитаси қуий подшоҳликлар деб аталади. Шарқда Парпия арийлар билан, жанубда Кармания ва арианлар билан, қарбда пратит мидияликлари билан, шимолда гирканлар билан чегарадош бўлиб, гир атрофи чўлу саҳролар билан ўралган...”

Милодий I аср бошларида Парфия ички низолар ва кўчманчи алланларнинг ҳужумлари натижасида таназзулга учрай бошлади. Бундан фойдаланган римликлар Парфиянинг ғарбий вилоятларини қаттиқ талон-тарож қилдилар. Парфияликлар вақти-вақти билан римликлар устидан ғалаба қозониб турган бўлсалар-да, давлатни сиёсий тушкунликдан қутқариб қололмадилар. Марғиёна, Сакистон, Гиркания, Элимаида, Форс, Харакена вилоятлари ва Хатра шаҳри амалда мустақил эдилар. Ташқи ва ички низолар мамлакатни ҳолдан тойдирди. 224 йили вассал Форс (Персида) вилояти ҳокими Ардашир ҳал қилувчи жангда Артабон V ни Ормуздагон текислигига мағлуб этиб, Парфия давлатини тугатди ва ўзи асос солган Сосонийлар давлатига қўшиб юборди.

Қуйида Аршакийлар сулоласи вакилларидан баъзиларининг номлари келтирилмоқда. Римда ҳукмдорлар Цезар Август дейилганидек, уларда барча подшоҳлар Аршак деб номланган.

Аршак (милоддан ав. 247 й.)
Тиридат I (Аршак II)
Приаспатий (Аршак III)
Фраат (Аршак IV)
Митридат (Аршак V)
Митридат I (Аршак VI) (мил.ав.170-138)
Фраат II (Аршак VII) (138-128)
Артабан II (Аршак VIII) (128-124)
Митридат II (Аршак IX) (124-88)
Синатрук(77 -70)
Фраат III (70-58)
Ород II (58-38)
Фраат IV (38-3)
Фраат V (3-милодий 3)
.....
Артабан III (12-33)
.....
Готарз II (43-50)
Вологез I (52-80)
.....
Артабон V (...- 224)

ЮНОН-БАҚТРИЯ ПОДШОЛИГИ **(милоддан аввалги 256-248 йиллар ораси – милоддан аввалги** **140-135 йиллар)**

Салавкийларнинг Бақтриядаги сатрапи Диодот ушбу давлат асосчиси ҳисобланади. Милоддан аввалги 250 йилда у ўзини Бақтрияниң мустақил ҳукмдори деб эълон қиласди. Давлат таркибига ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жануби ва Афғонистон худуди кирган. Юнон-Бақтрия подшолиги қучайган пайтларда унга Покистон, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ҳамда Суғдиёна ҳам бўйсунганд. Пойтахти Бақтра (ўрта асрлардаги Балх) шаҳри бўлиб, унинг харобалари Шимолий Афғонистонда, Мозори Шариф шаҳри яқинида жойлашган.

Давлат бир қанча сатрапликлар (вилоятлар)га бўлиниб бошқарилган. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар натижалари иқтисодий ҳаёт, бадиий ҳунармандчилик, ҳайкалтарошлиқ, маданият, шаҳарсозлик юнон анъаналари асосида юксак ривожланганидан дарак беради. Юнон-Бақтрия даврига мансуб энг машҳур ёдгорлик Шимолий Афғонистондаги Ойхонум ва Жанубий Тожикистондаги Тахти Сангин ёдгорликлари ҳисобланади. Амударёning ўнг қирғозида, Вахш ва Панж дарёлари қуйилишида жойлашган Тахти Сангиндаги ибодатхона тузилиши ва топилмалари

эллинизм дунёсига хос диний эътиқодлар кенг тарқалғанлигини күрсатиб турибди.

Юнон-Бақтрия подшолиги Ҳиндистон ва Ўрта Осиё худудларини ўзаро боғловчи ҳамда Хитойдан Бадахшон орқали Форс кўрфазига олиб чиқувчи савдо йўлларини назорат қилиб, ҳалқаро иқтисодий-савдо алоқаларида фаол иштирок этган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган кўплаб тангалар товар-пул муносабатлари ривожланганлигини кўрсатади. Тангалар юонон стандартлари асосида кумуш ва жездан қўйилган. Тангаларда (тетрадрахма, драхма, оболь ва б.) ҳукмдорлар қиёфаси юксак дид ва аниқлик билан тасвиранган.

Милоддан аввалги III асрнинг охири – II асрнинг биринчи ярми давлатнинг энг ривожланган даври ҳисобланади. Милоддан аввалги II аср ўрталаридан бошлаб ички низолар кучайиб, инқироз даври бошланди. Мамлакат алоҳида вилоятларга бўлиниб, маҳаллий ҳокимлар (Антимах, Менандр, Апполодот ва б.) ўз номидан тангалар зарб қилишган.

Юнон-Бақтрия подшолиги милоддан аввалги 140-135 йилларда Ўрта Осиё ҳалқларининг озодлик ҳаракати ва кўчманчи сак (оқ ҳунлар), юэчжи (тоҳар) қабилаларининг ҳужуми натижасида бутунлай тугатилди. Шу билан юнонларнинг ҳукмронлиги барҳам топди. Кейинчалик унинг ўрнида Кушон подшолиги вужудга келди.

Диодот I (милоддан ав. 256-248)

Диодот II (248-235)

Евтидем I (235-200)

Деметрий I (200-185)

Панталеон (185-175)

Деметрий II (180-165)

Агафокл (180-165)

Евкрадит I (171-155)

Гелиокл I (155-140)

Евкрадит II (140-...)

.....

КУШОН ПОДШОЛИГИ

Милоддан аввалги учинчи асрда оқ ҳунлар ҳозирги Хитойнинг Гансу вилояти худудида яшашган. Яна бир турк қабиласи – усунлар билан ораларида низо чиқиб, жангда уларни енгадилар. Аммо усунлар тарафини олган Осиё Ҳун империяси билан урушишга мажбур бўладилар. Натижада, оқ ҳунлар енгилиб, Ғарб томонга қараб кўчадилар. Улар дастлаб Кошғар водийсига, сўнгра Бақтрияга кўчиб келишади. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларига жойлашиб, Юнон-македон давлати ҳукмронлигига барҳам беришади. Милоддан

аввалги II асрда Улуғ Кушон давлатини тузишади. Сулолага Кунхон асос солган. 120 минг оиладан иборат, ҳар бир оила бир аскар беришга қодир бўлган бу давлат асосини турк ва мўғул қабилалари ташкил этган.

«Кушон» атамаси ё сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, у илк бор мил. ав. I аср охири - милодий I аср бошида хукмронлик қилган подшоҳ Герай - Санаб зарб қилдирган тангаларда қўлланган. Кушонларнинг дастлабки мулклари ҳудудига Шимолий Бақтрия (Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг жануби, Туркманистоннинг жануби-шарқидаги ерлар) кирган. Дастлаб жабғу, кейинчалик подшо унвони билан давлатни идора қилган Кадфиз I Кушон подшолигига асос солган бўлиб, унинг даврида кушонлар ҳозирги Афғонистон билан Покистоннинг кўпчилик қисмини босиб олган. Кадфиз I нинг вориси Вима Кадфиз хукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг аксарият қисми Кушон подшолигига қўшиб олинган. Кушон подшолигининг энг равнақ топган даври Канишқа хукмронлик қилган вақтга тўғри келади. Ўрта Осиёда Кушон мулкларининг шимолий чегараси Ҳисор тизмаси бўйлаб, у ерлардаги тоғ дараларида ғоятда мустаҳкам чегара деворлари қурилган.

Сурхондарё воҳасининг Шеробод тумани ҳудудида қоялар тизими бор. Кушонлар даврида бу қоялар устига хом ғиштдан кенглиги 6,5 метр, узунлиги 2 километрга яқин девор тикланган. Деворнинг жанубий қисмida эса кучли қалъа барпо этилган. Бу девор Кушон подшолигини Қанг (Кангюй) давлатидан ажратиб турувчи чегара бўлган.

Кушон подшолиги даврида урушларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида мамлакатда ҳарбий асир-қуллар миқдори ошиб борган. Хитой ва Парфия билан кураш олиб бораётган Кушон подшолиги Яқин Шарқда хукмрон бўлиш учун Парфия билан урушаётган Римнинг иттифоқчиси эди. Савдо манфаатлари бу давлатларни ўзаро яқинлаштирган. «Буюк ипак йўли» бўйлаб халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароит яратилган. Шарқ томонда Шарқий Туркистоннинг қўшиб олинган шаҳарлари орқали Хитой билан, жанубда кушонларга тобе Шимолий Ҳиндистон билан, ғарбда денгиз йўли билан, Миср орқали ёки қуруқликдаги йўл билан Эрон орқали Ўрта денгиз ҳавзасидаги Рим империяси шаҳарлари билан, шимолда Хоразм ва Уралбўйи орқали Шарқий Европа билан савдо қилинган. Ёзма манбаларда эрамизнинг 99 йили Римга Кушон элчилари келганлиги қайд этилган.

Жанубий Ўзбекистонда кушонлар даврига оид юздан ошиқ шаҳар ва қишлоқ ҳаробалари аниқланган. Кушон подшолиги сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган давлат бўлиб, унда подшо дунёвий раҳбар бўлиш билан бирга Бош коҳин ҳам эди. Давлат сатрапликларга бўлинган бўлиб, уларнинг

сатраплари айрим эркинликларга эга эди. Кушон подшолари мамлакатда кенг кўламда динлараро муросасозлик сиёсатини юргизган: ахоли, асосан, буддизмнинг маҳаяна мазҳабига эътиқод қилган, шунингдек, мамлакатда Кўк тангри, зардустийлик, хиндуизм каби қўплаб бошқа динлар ҳам бўлган.

Хунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенг тараққий этган. Пул тизимида кўпроқ олтин ва мис тангалар қўлланилган. Дехқончилик, хусусан, суғорма дехқончилик ривожланган, қишлоқ хўжалиги экинларининг кўпчилик тури экилган.

Кушон подшолиги Рим, Парфия ва Хитой билан ҳар жиҳатдан беллаша олган. Қадимги Шарқдаги энг қудратли салтанатлардан бири бўлиб, 2 аср мобайнида осиёликларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига катта таъсир ўтказган. Бир салтанат таркибида бир неча мамлакатлар, ҳалқ ва элатларнинг бирлашуви турли маданиятлар (Қадимги Бақтрия, юонон, сак ва хинд маданиятлари) синтезини вужудга келтирди. Археологлар Кушон маданиятига оид Баграм, Балх, Беган, Сурх-Кўтал (Афғонистон), Косамби (Ҳиндистон), Сирсуқх, Таксила (Покистон), Айритом, Далварзинтепа, Зартепа, Кўхна Вос, Термиз, Хайрободтепа, Холчаён (Ўзбекистон), Кайқубодшоҳ, Кўхнақалья, Шахринав, Мунҷоқтепа (Тожикистон)да қазиш ишлари олиб борди.

Археологик топилма ва кўхна ёзма манбалар асосида кушонлар маданиятига доир қуйидаги муҳим илмий маълумотлар аниқланди: буржли мустаҳкам мудофаа деворига эга бўлган шаҳар қурилиши тараққий этган, бир неча ўнлаб шундай шаҳарлар, қўплаб йирик суғориш иншоотлари қурилган. Шаҳарлар ичida арклар мавжуд бўлиб, уларнинг атрофини турли бинолар мажмуаси қуршаб турган. Кушон подшолигининг шимолий-ғарбий худудларидағи бинолар қурилишида қўпроқ хом ғишт ва пахсадан, жануби-шарқида эса тошдан фойдаланилган. Шаҳарлар, одатда, дарё бўйларида, стратегик жиҳатдан қулай жойларда бунёд этилган. Улар подшо саройи, бой-зодагонлар ва хунармандлар маҳалласи, кўча ва майдонлар, ҳовузлар, турли динларга мансуб иншоотлар ва боғлардан иборат бўлган. Уйлар кўп хонали, ҳашаматли бўлиб, баъзилари икки қаватли қилиб қурилган. Ҳовли саҳни, хоналар поли, зиналар ва биноларда турли ҳажмдаги пишиқ ғиштлар қўлланилган. Айвон ёғоч устунлари остига оҳактошдан йўнилган чиройли тагкурсилар ўрнатилган. Томдан тушадиган сувлар учун маҳсус сопол тарновлар ишлатилган. Бино ва хоналар ҳайкалтарошлиқ, тасвирий санъат асарлари билан безатилган. Ҳайкал ва расмларда, асосан, подшолар, подшо хонадони аъзолари, бой-зодагонлар, созанда ва масхарабозлар тасвиранган (масалан, Холчаёнда).

Будда динига мансуб иншоотларда эса Будда ва унинг сафдошлари, издошлари, коҳинлар ва хизматкорлар ифодаланган (масалан, Айритом, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепада). Ҳайкаллар, асосан, оҳактош, лой ва ганчдан тайёрланган, улар

орасида сиртига тилла суви юритилганлари ҳам бор. Деворий суратларда эса диний ва базм маросимлари, табиат манзараплари, суворийлар тасвирланган. Кулолчилик тараққий этган, топилган сопол идишлар хилма-хиллиги ва ўзининг нозик, жарангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг қуроллари ясаш, мато тўқиши тараққий этган.

Бу даврда қўплаб будда ибодатхоналари қурилган. Милодий VII асрда Хитой сайёхи ва файласуфи Сюань-Цзян Тармита (Термиз)да ўнга яқин буддавий ибодатхона ва мингга яқин монахлар яшашини ёзиб қолдирган. Канишка I буддизм тарихида биринчи бўлиб диний йиғинлар чақириб туришни жорий этган. Дастребаки йиғинда буддизмнинг мазкур янги мазҳаби — маҳаяна расмийлаштирилган. Бу эса буддизмнинг Осиё мамлакатларида кенг тарқалишига, унинг жаҳон динларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Олимлар фикрича, буддизм Хитой, Корея ва Японияга айнан шу ердан тарқалган.

Бу даврда оромий ёзуви асосида сұғд ва хоразмий ёзувлари вужудга келиб, тараққий этди. Ҳинд алифбосига асосланган кҳароштҳи ёзуви намунаси илк бор Термиздан, тери ва тахтага битилган хоразмий ёзуви намунаси эса Тупроққалъадан топилди. Кушон подшолиги ерларидан ўтган Буюк ипак йўли ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Кушон подшолари зарб қилган олтин, кумуш ва мис тангалар Эфиопия, Скандинавия, Италия ва бошқа кўпгина мамлакатларда топилди. Бу эса Кушон подшолиги чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдо ва маданий алоқалар олиб борганлигидан далолат беради. Шарқдан олиб келинган ипакка Farb бозорларидаги моллар алмаштирилган.

Кушон подшолигининг дастребаки пойтахти Ўзбекистоннинг жанубидаги Далварзинтепада бўлган, подшо Канишка даврида эса Пешовар шаҳрига кўчирилган. Айни шу даврда бадиий санъат мактаблари (Гандхара, Матхура, Бақтрия) шаклланди. Канишка адабиёт ва санъат ҳомийси бўлиб, Кашмир вилоятида Канишкапур шаҳрига асос солди. Унинг саройида машҳур буддавий олимлар Парева ва Васумитра, буюк шоир ва файласуфлар Ашвагхоша, Матричета, Нагаржуна ҳамда Чарака яшаб ижод қилган.

Милодий III асрнинг биринчи ярми ёки ўрталарида Кушон подшолиги барҳам топган. Бақтрия - Тоҳаристон маҳсус мулк сифатида Сосонийлар давлати таркибиға кирган. уни Кушоншоҳ унвонли сосонийлар хонадонининг вакиллари идора қилган.

Кушонлар салтанатида турлича йил ҳисоби амалда бўлган. Жумладан, Канишка I давридан бошланган йил ҳисоби ҳам бўлган. Академик Э.Ртвеладзенинг фикрича, Канишка I йил ҳисоби милодий 2-асрнинг биринчи ярмига тўғри келади.

Кужула Кадфиз (милодий 20-80)
Вима Кадфиз (80-103)
Канишқа I (103-125), (Канишқа эрасида 1-23)
Васишқа (125-131), (к.э. 24-28)
Хувишқа (131-162), (к.э.28-60)
Канишқа II (166-200), (к.э. 41 - ...)
Канишқа III (200-222 й.)(к.э. 64-98)
Васудэва II (222-244)

ХИОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Туркий қабилалардан бири бўлган хионийлар баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, дастлаб Олтой тоғлари атрофида яшаган ва IV асрнинг биринчи ярмида жануби ғарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё воҳасига келиб ўрнашган. Хионийларнинг Грумбат исмли подшоси 353 йилда Зарафшон воҳасини эгаллаб, жанубга томон ҳаракатни давом эттирган. Бу пайтда заифлашиб, Сосонийлар Эронига қарам бўлиб қолган Кушон подшолиги худудини эгаллаб, маркази Тохаристон бўлган ва Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросоннинг бир қисмини ўз ичига олган Хионийлар давлатини (IV-V асрлар) барпо қилган.

Бошқа бир гурух тадқиқотчилар эса Хионийларнинг дастлаб Орол денгизи шимолида яшаганлиги ва йирик массагет қабилалар иттифоқига мансуб бўлиб, ҳунлар билан аралашганлигини таъкидлайдилар (Л. Н. Гумилев, С.П. Толстов, К.В. Тревер). Уларнинг фикрича, юонон ва лотин тилидаги асарларда хионийлар “оқ ҳунлар”деб аталган.

IV асрнинг 70-йилларида Хионийлар Сосонийлар Эронига қарши хужум уюштириб, мувафаққиятга эришганлар. Дастребки жанглардаёқ Сосонийлар шохи иккинчи Шопур(309-379) хионийлардан енгилади. Сўнгра икки ўртада сулҳ имзоланиб, иттифоқ тузилади. Аммо бу иттифоқ гоҳо бузилиб, гоҳо яна тикланиб турган. Сосоний подшоҳлар Вараҳран(418-438), иккинчи Яздигард(438-457) даврларида улар Эроннинг энг йирик рақибиға айланганлар.

V асрнинг иккинчи ярмида Хионийлар ва Қиданлар давлати худуди яна бир туркий қабила - Эфталийлар томонидан эгалланди.

Хионийлар давлати 120 йилдан ортиқроқ ҳукм сурган.

ҚИДАНЛАР ДАВЛАТИ

Қиданлар (қитанлар, қтайлар) – мўғул қабилаларидан бирининг номи. Қадимда бу қабила ҳозирги Хитойнинг шимоли ва Мўғулистан худудида кўчиб юрган. Қиданлар номи илк бор IV аср манбаларида учрайди.

Улар Олтой тоғлари ва Шарқий Туркистон худудидан жануби ғарбга силжиб, 420 йилда Боло (Нахшаб) шаҳрини ўзларига қароргоҳ қилишган. Қиданлар давлати ҳудуди Хионийлар давлати билан қўшни бўлиб қолган.

Қиданлар давлати ҳудудида турли тилли қабилалар яшаган. Мўғул қабилалари кўп сонли туркий қабила ва уруғлар таъсирида туркийлашганлар, уларнинг тили ва урф-одатларини қабул қилганлар.

907 йили қабила бошлиғи Ела-Буға ўзини подшо деб эълон қиласди, қўшни турк ва мўғул қабилаларини бўйсундириб, салтанатини ғарб ва шимолга қараб кенгайтиради. 926 йили шарқда Бохой подшолигини (унга шимоли шарқий Манжурия, Шимолий Қурия ва бошқа ҳудудлар кирган) бўйсундирган. 947 йили Қиданлар салтанати Буюк Ляо, 983 йили Қиданларнинг Буюк давлати, 1066 йилдан яна Буюк Ляо деб аталган. У Шарқий Осиёда Япон денгизидан Шарқий Туркистонгача чўзилган қудратли давлат бўлган. 1005 йили Буюк Ляо Хитойни енгиб, ҳар йили ўлпон тўлашга мажбур қилган.

XI аср охиридан Буюк Ляо таназзулга учрай бошлаган ва 1125 йили чжурчженлар томонидан тутатилган. Қиданларнинг бир қисми Фарбий Туркистонга қорақиданлар (қорахитойлар) номи билан кўчиб ўтган. Уларнинг асосий қисми Талас ва Чу дарёлари ҳавзасида чорвачилик билан тириклик қилган.

Қиданларнинг 2 хил ёзуви бўлган. Аммо бу ёзув намуналари ҳозиргача ўқилмаган. Қиданлар номидан Хитойнинг русча атамаси (Китай) келиб чиққан бўлиб, у мўғул ва туркий халқлар орқали русларга ўтган.

Ҳозирги пайтда Татаристонда, Кама дарёси бўйида Елабуга деган шаҳар бор. Эҳтимол, бу ном Қиданлар давлати подшоси номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шаҳар яқинидаги қадимий харобалар ҳам шундан далолат беради.

ЭФТАЛИЙЛАР ДАВЛАТИ (Абдаллар, Оқ хунлар)

Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатларда милоднинг V асли ўртасида вужудга келган давлат. Унинг ҳудуди ҳозирги Афғонистоннинг катта қисми, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистоннинг шарқий ва жануби-шарқий вилоятларини ўз ичига

олган. Унинг асосий негизини Бақтрия–Тохаристон ҳудудлари ташкил этган.

Милоднинг VI асида яшаган Шарқий Рим тарихчиси Прокопий Орол денгизининг шарқида яшаган ҳунлар оқ юзли бўлғанлиги учун уларни “оқ ҳунлар” деб атаган. Эфталийлар – оқ ҳунларнинг ўзи дастлаб қўчманчи бўлиб, кейинчалик шаҳарларни босиб олишлари билан ўтроқ ҳаёт тарзига ўтганлар. Шу туфайли Византия тарихчилари (Менандр) эфталийларни шахар қабиласи сифатида таърифлайди. Эфталийлар жамиятида мулкий табақаланиш мавжуд эди. Эфталийлар кучли, асосан, отлиқлардан иборат қўшинга эга бўлган. Эфталийлар олов ва қуёшга сиғинишган, Ўрта Осиёдагилар эса буддавийлик, манихейлик, христианлик, зардуштийликка эътиқод қилишган.

Ўрта Осиёдаги Эфталийлар давлати бир қанча ярим мустақил мулкларнинг конфедерациясидан иборат бўлган. Бу ерда Ўиндинстондаги каби танга пуллар марказлашган тартибда зарб қилинмаган, аксинча деярли ҳамма мулк ўзининг кумуш ёки мис тангасини зарб қилган. Салтанатда бир неча турдаги ёзувлар (суѓ, бақтрий, брахми ва бошқалар) мавжуд бўлган, лекин бақтрий ёзуви давлат ёзуви ҳисобланган.

Арман манбаларида эфталийлар “хионлар”, Византия манбаларида “хионитлар” деб номланган. Демак, хионийлар ва эфталийлар бир хил ёки бир-бирига яқин туркий қабилалардан иборат бўлган.

Эфталийларнинг тобора кучайиб бораётган қудрати Сосонийлар Эронини чўчитиб қўйган. Натижада улар Эфталийлар устига бир неча бор кўшин тортганлар. Жанглардан бирида Сосонийлар шаҳаншоҳи Перўз енгилиб, асир тушади. Византия императорининг воситачилиги ҳамда катта ўлпон эвазига озод қилинган Перўз орадан кўп ўтмай яна Эфталийларга қарши қўшин тортади. Аммо бу сафар ҳам омад ундан юз ўгиради. Енгилиб, асир тушган Перўз 30 хачирга юкланган кумуш дирҳамлар билан ўлпон тўлаш ва ўғли Кубодни гаровга юбориш шарти билан озод қилинади. 484-йилда Эфталийларга қарши учинчи марта юришга чиққан Перўз жангда ҳалок бўлади. Эрон устига янада оғир ўлпон юкланади. Фақатгина Перўзниң ўғиллари Кубод (488-531) ва Анушервон (531-579) хукмронлик қилган йилларда ўзаро муносабатлар яхшиланган, ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Эфталийлар Ўиндинстонга бостириб кириши натижасида Шимолий Ўиндинстон, Покистон ва жануби-шарқий Афғонистон ҳудудида янги Эфталийлар давлати ташкил топган. Ўиндинстондаги Эфталийлар давлати милоднинг V асири охири ва VI асрнинг биринчи ярмида, Тўрамон ва унинг вориси Михиракула даврида куч-қудратга тўлиб, равнақ топган. VI асрнинг ўрталарига келиб таназзулга юз тутган.

Эфталийлар давлатининг муҳим саналари

- Мил. 410 йил –** Ўрта Осиё ҳудудида Эфталийлар давлатининг ташкил топиши
- 421-438 –** Эроннинг Ғарбда Византия билан, Шарқда Эфталийлар билан тўхтовсиз жанглари
- 450 –** Эфталийларнинг Ҳиндистонга бостириб кириши
- 455 –** Эфталийларнинг Ҳиндистон ва Эронга қарши қиданлар билан иттифоқи
- 490 –** Тўрамоннинг тахтга чиқиши
- 490-500 –** Эфталийлар томонидан Ҳиндистоннинг забт этилиши
- 494 –** Эфталийлар томонидан Эроннинг катта қисми эгалланиши
- 494-496 –** Жужанлар ва телеутларнинг эфталийлар томонидан тор-мор қилиниши
- 497-499 –** Эронда Қубоднинг таҳтдан туширилиши. Эфталийлар ёрдами билан таҳтни қайтариб олиши
- 515 –** Тўрамоннинг ўлеми. Михирақуланинг тахтга чиқиши
- 516-518 –** Эфталийларнинг жужанлар билан иттифоқи.
- 520 –** Эфталийларни Ҳиндистонда кўрган хитойлик сайёҳ Сунъ Юн уларни чодирларда яшовчи, саводи йўқ, чармдан кийим киядиган халқ сифатида таърифлайди.
- 555 –** Эфталийларнинг турклар билан илк тўқнашуви
- 562 –** Эфталийларга қарши туркларнинг Эрон билан иттифоқи
- 563 –** Эфталийларнинг Эрондан мағлуб бўлиши
- 565 –** Эфталийларнинг Насаф шаҳри яқинида Турк ҳоқонлигидан мағлуб бўлиши ва Эфталийлар давлатининг парчаланиши
- 571 –** Эфталийлар давлати ҳудудининг Эрон ва Турк ҳоқонлиги томонидан бўлиб олиниши. Чегаранинг Амударёдан белгиланиши .

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ (552-745)

Марказий Осиё минтақаси ва унга туташ ҳудудларни ўз ичига олган йирик салтанат (VI-VIII асрлар). Турк ҳоқонлигига доир маълумотлар Ўрхун-Енисей битиктошлари, Хитой йилномалари, юонон (Византия), арман, араб ва форс манбаларида сақланиб қолган.

VI асрнинг иккинчи ярмида Турк ҳоқонлиги вужудга келгунга қадар минтақада 2 йирик давлат: Эфталийлар ва Жужанлар давлати мавжуд эди. Турк ҳоқонлигининг асосчилари бўлмиш туркий Ашина қабиласи эса бу пайтда Олтой тоғларининг жанубий ён бағирларида истиқомат қиласи ва Жужанлар давлатига тобе эди. Жужанлар қўл

остидағи Ашина турклари кучайиб 545 йили теле қабилаларини, 551 йили эса жужанларни енгадилар. Шу тариқа оға-ини Бумин ва Истами 552 йили Турк ҳоқонлигига асос соладилар. Бумин ўзини ҳоқон деб эълон қиласы.

Тарихий манбаларда бу давлат аҳолисини “туркутлар” ҳам деб аташади. Қадимги Хитойнинг шимолида яшаган қиданлар ва мўғуллар тилида “ут” кўшимчаси кўпликни билдирган. Туркутларнинг тотеми (рамзи) бўри бўлиб, уларнинг таркибида ўндан ортиқ номдаги қабилалар бўлган. Ашина қабиласи вакиллари уларни бирлаштириб, кучли давлат тузганлар. Ҳоқонлар ҳам шу қабила аъзоларидан сайланган.

555 йилга келиб, Марказий Осиёнинг шимоли-шарқидаги қабилалар, Узоқ Шарқдаги қидан (қорахитой), татаби, шивей каби манчжур ва мўғул қабилалари, Енисей бўйидаги туркий қабилалар ҳам Турк ҳоқонлиги қўшинлари томонидан тобе этилиб, 555 йилдаёқ Шарқий Туркистоннинг катта қисми Турк ҳоқонлиги қўл остига ўтди. Турк ҳоқони Муқанхон (553-572) Хитойга 556-557 йилларда юришлар қилиб, бу ердаги Ғарбий Вей (Тоба) сулоласи ўрнини эгаллаган Ци (550-577) ва Чжоу (577-581) сулолаларини ўз таъсир доирасига олади.

565 йили Турк ҳоқонлиги қўшинлари Нахшаб шаҳри (ҳозирги Қарши ш.) атрофида эфталийларга оғир зарба беради. Натижада Чоч, Фарғона, Усрушона, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Кеш ва Насаф ҳоқонлик таркибиға киритилади. Айни пайтда ҳоқонликнинг эфталийларга қарши иттифоқчиси бўлган Сосонийлар Эрони хукмдори Хусрав 1 Ануширвон эса Эфталийлар давлати таркибида бўлган Тоҳаристон, Кобулистон, Зобулистон (Шимолий Афғонистон) вилоятларини эгаллайди. Сосонийлар билан бевосита қўшни бўлиб қолган ҳоқонликнинг Эронга юборилган элчилари ўлдирилиши ва суғдий Маниах бошчилигига ипак тижоратини йўлга қўйиш мақсадида йўлланган элчиларга Эрон шоҳининг қўпол муносабатда бўлиши, ҳатто улар келтирган ипак матоларни ёқишига буюриши Турк ҳоқонлиги билан Сосонийлар ўртасидаги иттифоқка рахна солади. Турк ҳоқонлиги Эрон билан орани узиб, Византия империясига яқинлашиш, у билан савдо-сотик, асосан, ипак тижоратини ривожлантириш учун унга 567 йили Маниах бошчилигидаги элчилик ҳайъатини юборади. Келаси йили Маниах Византия элчиси Земархос билан бирга қайтиб келади. Истами ҳоқон элчи орқали Византия императори Юстиниан II га мактуб ва совғасаломлар жўнатади. Шу пайтдан бошлаб икки давлат ўртасида иттифоқ вужудга келади.

571 йили Эрон билан Византия ўртасида жанг бошлангач, фарбга юришни давом эттираётган Истами шу йили Шимолий Кавказдаги Кубан дарёси ҳавзаси ва Озарбайжонни қўлга киритади. Бошқа тарафдан эса 567 йилданоқ Сосонийларга қарши Амударё йўналиши бўйлаб юриш уюштира бошлаган Истами бу жабҳада

катта мувафақиятлар қозониб, Тохаристонни эгаллади. Хитой сайёхи Сюань Цзянь 629-645 йилларда Тохаристонда 27 вилоят мавжудлиги ва улар турклар тасарруфида эканлигини ёзган. VI асрнинг сўнгги чорагида Кобулистон (Кобул), Зобулистон ва Хурросоннинг катта қисми ҳам ҳоқонлик таркибига ўтади.

Ўлкани ябғулар бошқарган. Бу Турк ҳоқонлигидаги энг юксак унвон эди. Бундан ташқари тегин, шад, элтабар, тудун, тархон, эркин каби лавозимлар бўлган.

576 йили Турк ҳоқонлиги билан Византия орасида ихтилоф пайдо бўлади ва ҳоқонлик шу йили Кримдаги Боспор (Керчъ)ни босиб олади, 581 йили Херсонесни қамал қиласи. Шарқий Европада ҳоқонлик ҳудуди бу пайтга келиб Қора денгиз соҳиллари, шарқда Корея бўғози, шимолда Урал тоғлари, Енисей ва Байкал атрофлари, жанубда Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларини ўз ичига олар эди.

580 йилга келиб ҳоқонликда ички низолар, тахт талашувлар авж олади. Бу ишга Хитойнинг Суй сулоласи ҳам аралашади. Шундан сўнг ҳоқонлик бир муддат Олтой тоғларининг шарқидан то Узоқ Шарқача бўлган ҳудудни, яъни Жанубий Сибирь, Ўрхун дарёси ҳавзалари (Мўғулистон), Шимолий Хитой ҳудудларини ўз ичига оловчи *Шарқий Турк ҳоқонлиги* ва Олтой тоғларининг ғарбидаги ҳудудларни ўз ичига оловчи маркази Еттисув бўлган *Ғарбий Турк ҳоқонлигига* бўлинниб кетади.

Ўз даврида “Ўн Ўқ ҳоқонлиги” деб юритилган Ғарбий Турк ҳоқонлиги ҳукмдори Истамининг ўғли Тарду ҳоқон (576-603) Сосонийлар Эронига қарши жанглар олиб бориб, ғарбда ўз ҳокимиятини кучайтиради. Унинг ўғли Шегуй ҳоқон (610-618) даврида унинг қўшинлари жануби-ғарбий ҳудудларда фаол ҳаракат юрита бошлайди. У Эроннинг шимоли-шарқий вилоятларига ҳужум уюштириб, Сосонийлар устидан йирик ғалабага эришади ва Исфаҳон, Рай каби шаҳарларни қўлга киритади. Унинг иниси Тун ябғу (Тун Шеху; 618-630) ҳоқонликнинг ғарбдаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. У ҳукмронлик қилган даврда Турк ҳоқонлигининг чегараси ғарб ва жануби-ғарбда Жануби-Шарқий Европа даштлари, Кавказ, Волгабўйи, Гургон, Марв, Ҳинд дарёсининг юқори ҳавзалари, Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистоннинг аксарият вилоятларини ўз ичига оларди. Унинг шад унвонли ўғли бошчилигидаги ҳоқонлик қўшинлари Византия императори Ираклий билан биргаликда 627-628 йилларда Жанубий Кавказга сафар уюштиради ва бу ердаги сосонийлар қўшинини енгиб, Тбилиси шаҳрини қўлга киритади. Тун ябғу ғарбий ҳудудларда ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида қароргоҳини Шош воҳасининг шимолидаги Мингбулоқ (хитойча Цянь-циаңь) мавзесига кўчиради ва бошқарувда ислоҳот ўтказиб, қарам ўлкаларга туркий тудун ва элтабар унвонли вакилларини жўнатади.

630-йилга келиб Ғарбий Турк ҳоқони бир муддат Хитойга қарам бўлиб қолади. Бироқ тез орада ўз қудратини тиклаб олади. Хитой манбаларида қайд этилишича, Эл-билга Ишбара ябғунинг қўл остида Шарқий Туркистондаги Куча, Шаншан, Черчен, Харашар (Қораشاҳар) ҳокимлари ва Ши (Шош), Шиъ (Кеш), Хе (Кушония-Каттакўрғон), Му (Марв), Кан (Суғд) ва Тохаристон ўлкалари бўлган. Ҳоқон Истамининг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Улуғ Ишбара ҳоқон Хитойга қарши бир неча йил муваффақиятли кураш олиб боради.

Олим Ш.Камолиддиннинг ёзишича, Марказий Осиёдаги кўпгина шаҳарлар милодий VI-VII асрларда, яъни Турк ҳоқонлиги даврида қурилган ёки қайта тикланган. Бу даврда Суғд, Тохаристон, Хоразм, Фарғона ва Шош аҳолисининг катта қисмини туркий қабила ва уруғлар ташкил этган. Давлатлараро ёзишмалар, тангалардаги ёзувлар турк ва суғд тилларида амалга оширилган. Турк ва суғд маданиятларининг ўзаро қўшилуви санъат ва маданиятда ажойиб самаралар берган.

630-йилдан 682-йилгача Шарқий Турк Ҳоқонлиги ҳам Хитойнинг Тан империясига қарам бўлиб яшади. Аммо қарамлик йилларида ҳам туркийларда уруғ-қабилачилик ва давлатнинг маъмурий қурилиши ўзгармади. Айрим турк саркардалари Хитой империясининг ҳарбий лавозимларига, аскарлари эса ҳарбий юришларга жалб этилди. Чунки турк жангчиларининг ҳарбий маҳорат сирлари империяга керак эди.

Орадан ярим аср ўтиб, Қутлуғ Элтариш (682-691) даврида ҳоқонлик яна ўз мустақиллигини тиклади. Унинг укаси Қапаған ҳоқон (691-716) даврида эса минтақадаги энг иирик давлатга айланди. У жиянлари Қутлуғ Элтариш ҳоқоннинг ўғиллари Билга ва Култегин ҳамда Тўнюқуқ билан биргаликда Хитойдаги Хуанхе дарёси ҳавзалари ҳамда Шаньдун ўлкасига юриш қилиб, 23 та шаҳарни қўлга киритди, 699 йилда жануби-ғарбга, собиқ Ғарбий Турк ҳоқони ҳокимиятини қўлга киритган тургашларга ва Тохаристон ўлкасига юриш қилди. Қапаған ҳоқон 700 йили Тангут ўлкасига, 701 йили Хитойнинг шимоли-ғарбидаги “Олту Чуб Суғдак” ўлкасига, 703 йили басмилларга, 705-706 йилларда байирқуларга, 709 йилда чиқ ва азларга, 710 йилда қирғизлар ва тургашларга қарши қўшин тортиб, уларни қайтадан ўз таркибига қўшиб олди. Турк ҳоқонлиги Мовароуннаҳрга бостириб кирган араб истилочиларига қарши 710 йилда қўшин юборди ва Суғд, Шош, Фарғона ҳокимларининг арабларга қарши курашида иштирок этди.

Билга ҳоқон (716-734) ҳукмронлиги даврида Турк ҳоқонлиги минтақанинг энг қудратли давлатларидан бирига айланди. 716 йилда Селенга дарёси ҳавзасида истиқомат қилувчи уйғурларга, 717 йилда ўғузларга, 718 йилда қарлукларга қарши жанг қилиб, уларни ҳоқонликка бўйсундиради. Бу даврда ҳоқонлик худудлари шарқда Сирдарёнинг шарқидан то ғарбда Хинган тоғлари ёнбағирлари

(Манжурия), Шаньдун ўлкасини (Хитойнинг шимоли-шарқи, Сариқ денгиздаги Бохай кўрфазигача бўлган ерлар), жанубда Тибетнинг шимоли, Шарқий Туркистон, Хитойнинг шимолий вилоятларидан то шимолда Енисей дарёси ва Байкалбўйини ўз ичига олганлиги маълум бўлади.

Қадимий манбаларда Турк ҳоқонлигини ташкил этган куйидаги қабила ва урувлар номи қайд этилган: ашин, арғу, аз, басмил, изгил, ўғуз, тўққиз ўғуз, уч ўғуз, ўн уйғур, ўтуз татар, қарлук, курданта, қипчоқ, қитан, қирқ аз, тардуш, татаби (тунгус), дулу, нушуб, тўқри (тохар), толис, тургаш, тупути, турк, уйғур, сир, қуриқан, дуба (туба). Бугунги кунда мазкур қабила ва уруғларнинг катта қисми барча туркий халқлар таркибида мавжуд.

740 йилга келиб Турк ҳоқонлиги ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятларга дуч келади. Билга ҳоқоннинг ўғиллари ҳукмронлиги даврида ҳоқонлик заифлашади. 742-744 йилларда уйғур, қарлук ва басмил қабилалари бирлашиб, ҳоқонликка хужум уюштиришади. 745 йилда иттифоқчилар Турк ҳоқонлигининг сўнгги ҳукмдори – Бўлмиш ҳоқонни ўлдиришади ва ҳоқонлик тахти уйғурлар қўлига ўтади.

Бумин (551-552)
Туманхон (552-553)
Қорахон (553)
Муқанхон (553-572)
Тавархон (572-581)
Саварлухон (581-587)
Чур Буғо Қоғон¹ (587-588)
Тўнга Турон Қоғон (588-600)
Кимин Тури Қоғон (600-603)

ШАРҚИЙ ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ҲУКМДОРЛАРИ

Кимин Тури Қоғон (603-609)
Сивар Қоғон (609-619)
Чулук Қоғон (619-621)
Қорахон (621-630)
Сирбо Қоғон (630-646)
Чиби Қоғон (646-647)
Эби Тулу Қоғон (647-653)
Чинжу Ёбғу Қоғон (653-659)
Осно Турчи Қоғон (659-676)
Тучи Қоғон (676-678)
Осно Низўқ Қоғон (679-680)
Осно Инан Қоғон (680-682)
Қутлуг Элтариш (682-691)
Бекчўр Қапаған (691-716)

¹ Илгари ҳоқон сўзи “қоғон” тарзida талаффуз этилган.

Билга Қоғон (716-734)
Ичан Қоғон (734-739)
Билга Қутлуг Қоғон (739-741)
Пон Құл Қоғон (741-742)
Сүйин Қоғон (742)
Үзмиш Қоғон (742-744)
Бўлмиш Қоғон (744-745)

ГАРБИЙ ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ҲУКМДОРЛАРИ

Истами Қоғон (552-576)
Билга Тарду Қоғон (576-603)
Опа Қоғон (шерик ҳоқон) (576-593)
Инол Қоғон (593-600)
Чулу Қоғон (600-610)
Шигуй Қоғон (610-618)
Тун Ябғу Қоғон (618-630)
Си Ябғу Қоғон (630-633)
Боғоша Тулис Қоғон (633-634)
Ишбара Тириш Тўнгга Қоғон (634-639)
Эпи Тулу Қоғон (639-651)
Осно Алп Қоғон (Улуг Ишбара) (651-658)
Осно Миш Қоғон (658-662)
Осно Буркин (662-666)
Осно Турчи (671-679)
Осно Низуқбек (679-680)
Осно Ёлчин (686-693)
Осно Хужилу (686-690)
Осно Қайду (699-704)
Осно Шон (704-711)
Ужили (700-710)
Суги (710-718)
Сулувхон (718-738)
Осно Ўн Ўқ Қоғон (738-742)

УЙҒУР ҲОҚОНЛИГИ

Уйғур давлати Шарқий турк ҳоқонлиги ҳудудида вужудга келган. Пойтахти - Қорақурум (Үрхун дарёсининг чап қирғоғида). Биринчи ҳоқони Қутлуг Билга ҳоқон (742-747, уйғурларнинг ёғлиқор уруғидан) даврида Уйғур ҳоқонлигига Олтойдан Манчжуриягача бўлган ҳудуд қараган. Ҳоқон Моюнчур (Қора ҳоқон) даврида (747-759) Уйғур ҳоқонлиги кучли давлатга айланган.

Шимолда қирғизлар, шарқда киданларни енгиб, уларнинг ерларини ўз давлатига қўшиб олган. VIII аср ўрталарида Уйғур ҳоқонига ғарбда Олтойдан шарқда Хинган тоғларигача, жанубда Гоби чўлидан шимолда Саян тоғларигача бўлган худуд кирган. Ҳоқон Элтекин даврида (759-779) Уйғур ҳоқонлиги қўшинлари Хитойдаги ўзаро урушлардан фойдаланиб, унга бостириб кирган.

Уйғур ҳоқонлигига тўққиз ўғуз, басмил, қарлук, уйғур қабилалари ҳукмрон мавқеда бўлганлар, буғу, хун, байирку, тўнгра, сиға каби қабилалар эса ҳарбий ва хўжалик ишларига жалб этилган.

VIII аср охираша маҳаллий бойларнинг ўзаро жанжаллари, тобе қабилаларининг уйғурлар ҳукмронлигига қарши кураши кучайиб, Уйғур ҳоқонлиги таназзулга учрай бошлади. IX аср бошларида бу кураш янада кучайди. 840 йили Уйғур ҳоқонлиги аҳолиси бир неча қисмга бўлинган. Бир қисми ўз жойларида қолган. Бир қисми эса Шарқий Туркистон ва Жунғорияга кўчиб ўтган. Буюк ипак йўли Уйғур ҳоқонлиги назоратида бўлиб, ташқи савдо кенг ривожланган. Аҳолиси асосан чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланган.

Уйғур ҳоқонлигига маҳобатли қурилишлар амалга оширилган. Шаҳарлар, қалъалар, ҳарбий қароргоҳлар бунёд этилган. Шаҳарларда аҳоли ҳунармандчилик билан шуғулланган. Шу даврда уйғур ёзуви пайдо бўлган. Ҳоқонликда монийлик ҳукмрон дин бўлган (VIII аср), кейинчалик буддизм тарқала бошлаган (IX асрдан).

Уйғур ҳоқонлиги даврида китобат санъати юксак даражада ривожланган. Китоблар аввалгидек териларга эмас, қофозларга босила бошлаган. Туркий қабилалар ичида дастлаб уйғурлар қофоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар. Театр ва мусиқа санъати ҳам кенг ривожланган. Қадимги уйғур шаҳарлари харобаларида сақланиб қолган будда ва монийликка оид рангли деворий суратлар турк тасвирий санъатининг ажойиб намуналариdir.

Уйғур ҳоқонлиги тахминан 100 йил ҳукм сурган ва 860-870 йилларда инқирозга учраган. Ҳукмрон мавқега эришган қирғизлар унинг ўрнида Қирғиз ҳоқонлигини тузганлар.

Уйғурларнинг бир қисми Шарқий Туркистон ва Гансу (Кенгсув)нинг ғарбий қисмига кўчиб ўтди ҳамда Турфон воҳасида (847-1369) ва Гансуда (847—1036) иккита мустақил давлатга асос солди.

Этмиш билга (Қутлуг Билга ҳоқон) (742-747)

Моюнчур ҳоқон (Қора ҳоқон) (747-759)

Эл Текин ҳоқон (759-779)

Тун Буғо (779-789)

Торос (789-790)

Ойчур (790-795)

- Құтлуг (795-805)**
Құтлуг Билга ҳоқон (805-808)
Алп Билга ҳоқон (808-821)
Құч Күчлук Билга ҳоқон (821-824)
Хазар Текин (824-832)
Ху Текин (832-839)
Кичик Текин (839-840)
Уги Текин (841-845)
Инан Текин (845-846)
-

ҚИРГИЗ ҲОҚОНЛИГИ

Қирғиз номи илк бор хитойча «Ханшү» («Хан сулоласи тарихи»; милоднинг I асри) йилномасида милоддан аввалги 203-йилги воқеалар баёнида тилга олинади. Қирғизларнинг илк этник тарихи қадимги қабила иттифоқлари (хунлар, динлинлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. Турк ҳоқонлиги ва күчманчи давлат уюшмалари даврида (VI-X асрлар), кейинчалик қирғизларнинг таркибига кирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шарқий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шаклланганлар. Қирғизларнинг бир қисми IX – XII асрларда, катта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, Иссиқкўл атрофлари, Еттисув ҳавзаси, Тяньшан (Тангритоғ) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари ва Даشتни Қипчоқ ўлкаларига бориб жойлашган.

840 йили қирғиз қабилалари Қорақурумни эгалладилар. Олтой ва Мўгулистан ҳудуди улар томонидан тобе этилди. Қипчоқ қабилалари улар билан иттифоқдош эди. X асрда ўғуз қабилалари қирғизлар таъқибидан қочиб, Еттисувдан Сирдарёning ғарбий қисмига кўчдилар.

Қирғиз ҳоқонлиги XII аср бошида қорахитойлар томонидан тутатилди. Кейинроқ қирғизлар мўғуллар таъсирига тушиб қолдилар. XVI-XVIII асрлар давомида қалмоқлар зулмидан қочиб, Тянь Шан, Олой ва Помир тоғлари этакларидан бошпана топдилар. Улар кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда дехқончилик билан шуғулланганлар.

Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиқкўл оралигини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Еттисув ва Мовароуннахрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, XVI – XVII асрларда эса келиб чиқиши қозоқ-нўғайлар билан боғлиқ қабилалар кирган. Қирғизларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек

уругига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этноними қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнотопоним сифатида сақланиб қолган.

ТУРКАШ ҲОҚОНЛИГИ (699-766)

Илк ўрта аср туркий давлатларидан бири. VII асрнинг охирида Фарбий Тяньшанда кўчиб юрган туркаш қабилаларининг бошлиғи Уч-элиг (699-706) Еттисувни Хитойнинг Тан империяси номидан бошқараётган Хусрав Буришодни қувиб юборди ва Чочдан Жунғориягача бўлган ҳудудда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Натижада янги туркий давлат ташкил топди.

Уч-элиг икки қароргоҳга асос солди. Бири Чу дарёси бўйидаги Навокат шахри, иккинчиси Или дарёси бўйида жойлашган Кунгут шахри эди. Давлат 20 туман - тутукликдан иборат эди. Ҳар бирини ҳоким – тутуқ бошқараарди. Уч-элиг ғарбий турклар хукмдорларининг собиқ “ўн ўқ эли ҳоқони” унвонини қабул қилди. Шу билан бирга у “туркаш ҳоқон” унвонини ҳам жорий этди. Туркаш ҳоқонлари ўз тангаларини зарб қилганлар.

711-715 йилларда Туркаш ҳоқонлиги Шарқий Турк ҳоқонлигига қарам бўлиб турди. 715 йили Сулук Чобиш-чурҳоқон (715- 737) давлат мустақиллигини қайтадан тиклади. У асосан, араб истилочилари билан урушлар олиб боришига мажбур бўлган. Унинг вафотидан кейин (737) Туркаш ҳоқонлигига “сарик” ва “қора” туркаш қабилалари ўртасида ўзаро урушлар бошланиб кетган ва 766 йили давлат қарлуқлар томонидан тутатилган.

Тарихий манбаларга кўра, туркаш халқи “тухси” ва “аз” қабилаларидан иборат бўлган. Кейинчалик уларнинг бир қисми қарлуқлар, колгани эса уйғурлар таркибиға сингиб кетган.

БУХОРХУДОТЛАР ДАВЛАТИ

VI-VIII асрларда Бухорода ҳукм сурган сулола. Пойтахти Бухоро шахри. Ўнуди Ҳозирги Бухоро вилоятининг Бухоро, Вобкент, Когон, Ромитан, Жондор ва Қоракўл туманлари ерларидан иборат бўлган. Араблар Бухорони фатҳ этгандан кейинги дастлабки йилларда ҳокимиятни буҳорхудотлар б-н биргаликда бошқарганлар. 715 й. Ҳуросон ноиби Қутайба ўлдирилгач, Бухорхудотлар давлатни бир йил давомида мустақил идора қилганлар. VIII асрнинг З-чорагида араблар бутун Мовароуннаҳри фатҳ этиб, бухорхудотларни расман ўз ўрниларида қолдирган бўлсалар-да, ҳокимиятни амалда тўлалигича ўзлари бошқарганлар. 782 й. сўнгги

Бухорхудот Бунёд Муқанна қўзғолонини қўллаб-қувватлагани учун араблар томонидан қатл этилган ва Бухорхудотлар ҳукмронлиги тугатилган.

Бухорхудотлар давлати ҳудуди археологик жиҳатдан мукаммал ўрганилмаган. Тарихий манбаларда келтириган маълумотларга қараганда, мазкур давлат ҳудудида бир қанча мустаҳкам қалъали шаҳарлар бўлган, уларда маданият, ҳунармандчилик, савдо-сотик тараққий этган. Бу даврда ҳукмдор тасвири ва унинг остига «Бухоро ҳокими» деган ёзув зарб қилинган кумуш тангалар (дирҳамлар) чиқарилган. Бундай тангалар археологик қазишмалар вақтида кўплаб топилган.

Бидун Бухорхудот (...-680)

Малика Бидун (680-695)

Тағшода (695-727)

Суқон (727-734)

Қутайба (735-741)

Бунёд(741-782)

“...Бухоро токи худо раҳмат қилгур амир И smoил Сомоний давригача Тағшоданинг фарзандлари, хизматчилари ва набиралари қўлида бўлди”. (Наршахий)

СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Марказий Осиёда вужудга келган йирик марказлашган давлат. Пойтахти Бухоро шаҳри бўлган. X асрнинг биринчи ярми бу давлатнинг гуллаган давридир.

Сомонийларнинг оиласи, яъни номи уларнинг аждоди бўлмиш Сомонхудот исми билан боғлиқ. Сомонхудотнинг келиб чиқиши ҳақида турли ҳил маълумот ва фикрлар мавжуд. Абу Бакр Наршахий (X аср) ва Ҳамза Исфаҳоний (X аср) келтирган маълумотларга қараганда, Сомонхудот Балх вилоятидаги Сомон қишлоғидан, ал-Муқаддасий (X аср) маълумотига кўра эса, у Самарқанд вилоятидаги Сомон номли қишлоқдан бўлган. “Саъдийа” номли асарда (XVII аср) келтирилган маълумотларга кўра, унинг асл исми Арқуқ бўлиб, у Фарғонадан Термизга кўчиб келган ва у ерда Сомон номли қишлоққа асос солган. Ўрта асрларда Бухоро, Фарғона, Тоҳаристон, Хутталон ва бошқа вилоятларда ҳам Сомон номли қишлоқлар бўлганлиги қайд этилган. Бу маълумотлар “Сомон” топоними ўрта асрларда ўрта Осиё ҳудудларида ва ундан ташқари ерларида ҳам кенг тарқалган жой номи бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёга араблар бостириб келганда, Сомонхудот, айрим маълумотларга кўра, Балх вилоятидан Марвга - Хурросон амири Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий (725/727 - 735/738 й.)нинг олдига келиб, ундан душманларига қарши қуролли ёрдам беришини сўрайди. Араблар ёрдамида душманларини енгач, Сомонхудот ислом динини қабул қиласи ва ўғлининг исмини амирнинг шарафига Асад қўяди. Асаднинг Нуҳ, Аҳмад, Яҳё ва Илёс исмли ўғиллари ал-Маъмуннинг Марвдаги саройида хизматда бўлган ва Рофи ибн Лайс қўзғолонини бостиришда фаол қатнашган. Бунинг эвазига ал-Маъмун уларни бир неча вилоятларга амир этиб тайинлади (819-820 й.). Хусусан, Нуҳ - Самарқанд амири, Аҳмад - Фарғона амири, Яҳё - Шош ва Уструшона амири, Илёс эса Ҳирот амири этиб тайинланади. Улар ҳарбий куч тўплаб, араб халифалигининг шарқий чегараларини қўриқлаб туришган, шунингдек, шимолдаги туркий қабилаларга қарши бир неча бор юришлар қилишган. Нуҳ ибн Асад 840 йили Исфижобни ўзига тобе қиласи. Ака-укаларнинг тўнғичи бўлган Нуҳ ибн Асад Самарқанд ва Суғднинг катта қисмини, шунингдек, Фарғона ва бошқа бир қанча шаҳарларни ўз ҳокимияти остида бирлаштиради. Нуҳнинг вафотидан кейин (842 йил) сулоладаги етакчилик унинг укаси Аҳмад ибн Асад оиласига ўтади. Унинг 7 та ўғли бўлиб, улар отасининг вафотидан кейин (866 йил) Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарларида ҳокимиятни эгаллайдилар. Фақат Бухоро шаҳри Хурросон амирлари бўлган Тоҳирийлар қўлида эди.

Тоҳирийлар ҳокимияти тугатилганидан кейин (873 й.) Исмоил ибн Аҳмад Бухорога ҳоким қилиб тайинланади. Деярли бутун Ўрта Осиё ҳудуди уларнинг қўл остига ўтгач, оила бошлиғи Наср халифа Ал-Муътамиддан Мовароуннаҳрни бошқаришга маҳсус ёрлик олади (875 й.). Орадан кўп ўтмай Исмоил акаси Насрга бўйсунишдан бош тортиб, унга қарши қўшин тортади. Ака-ука қўшинлари орасида бўлиб ўтган жангда Наср мағлубиятга учрайди ва бутун ҳокимият Исмоил ибн Аҳмад қўлига ўтади. Кейинги йилларда у ўз ҳудудларини кенгайтириб, Тароз шаҳри ва Уструшонани босиб олади.

Сомонийларнинг кучайиб бораётганидан чўчиган халифа Хурросон амири Амр ибн Лайс Саффорийни Бухорога жўнатиб, Исмоилни ҳокимиятдан четлатишни тайинлади. Аммо Исмоил бу қўшинга қарши чиқиб, бир неча жанглардан кейин уни мағлубиятга учратади ва Хурросонни ҳам ўз мулкларига қўшиб олади. Бу даврда Сомонийлар давлатига кирган вилоятлар қуидагилардан иборат эди: Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, Хоразм, Чагониён, Хутталон, Бадахшон, Уструшона, Фарғона, Шош, Исфижоб, Балх, Тоҳаристон, Гузгонон, Ғарҷистон, Марв, Ҳирот, Ғур, Нишопур ва Гўргон.

Сомонийлар даврида мамлакат маданий жиҳатдан юксалган. Кўпгина шаҳарларда мадрасалар қурилган. Илму фан, меъморчилик, нақошлик ва кулолчилик тараққий этган. Қишлоқ хўжалиги ривожланган. Бухорода амир саройида энг йирик кутубхона бўлган. Сомонийлар даврида Абу Наср Форобий (873-950 й.), Ибн Сино (980-1037 й.), Абу Райхон Беруний (973-1048 й.), Рудакий (860-941 й.) каби буюк олим ва шоирлар етишиб чиқкан.

Сомонийлар Ҳазар, Эрон, Булғор, Хитой, Рус билан кенг кўламда савдо-сотик қилган. Сомонийлар даврида Бухоро Шарқда Ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланган. Бу ерда кўплаб мадраса, масжид ва бошқа бинолар қурилган.

996 йили Сомонийларнинг Зарафшон ҳавзаси шимолидаги ерларининг ҳаммаси янги қудратли туркий сулола - Қораҳонийлар томонидан забт этилди, 999 йили Бухоро ҳам ишғол қилинди. Сулоланинг охирги вакили Исмоил ал-Мунтасир (1000-1005) Қораҳонийларга қарши кураш олиб бориб, Сомонийлар ҳокимиятини тиклашга уринди. Аммо жанглардан бирида ҳалок бўлгач, Сомонийлар хукмронлиги барҳам топди.

Нуҳ ибн Асад (819-842)
Аҳмад ибн Асад (842-864)
Наср ибн Аҳмад (864-892)
Исмоил ибн Аҳмад (892-907)
Аҳмад ибн Исмоил (907-914)
Иккинчи Наср ибн Аҳмад (914-943)
Нуҳ ибн Наср (943-954)
Абдулмалик ибн Нуҳ (954-961)
Мансур ибн Абдулмалик (961-976)
Иккинчи Нуҳ ибн Мансур (976-997)
Иккинчи Мансур ибн Нуҳ (997-999)
Абдулмалик ибн Мансур (999)

ҚОРАҲОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Шарқий Туркистон, Еттисув ва Жанубий Тангритоғ худудида ташкил топган туркий давлати. Бу давлатни барпо қилишда қатор туркий қабилалар иштирок этган, булардан қарлук, чигил ва яғмо қабилалари етакчи бўлган.

Тарихчи олимларнинг аниқлашича, қарлук ва чигил қабилаларининг тотеми, яъни рамзи арслон бўлса, яғмо қабиласининг рамзи буғро (қўш ўркачли тұя) бўлган. Бу қабилалар ислом динига ўтганидан кейин “Арслон” ва “Буғро” атамалари фахрий унвон сифатида ишлатила бошланган.

Тадқиқотчилар Қорахонийлар сулоласи тарихини тўрт даврга бўладилар:

I – сулоланинг шаклланиш даври (милодий 840-960 йиллар)

II – сулоланинг сиёсий жиҳатдан юксалиш даври (960-1041 йиллар)

III – сулоланинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг гуллаган даври (1041-1130 йиллар)

IV – сулоланинг сиёсий жиҳатдан таназзулга юз тутиш даври (1130-1141-1212 йиллар).

“Мусулмон сулолалари” китобининг муаллифи К.Э.Босворт Қорахонийлар тарихини ўрганишнинг қийин томонлари ҳақида шундай ёзади: “...уларнинг таркибидаги қарлуқлар асосан кўчманчи ҳаёт тарзини давом эттирас эдилар. Ҳукмрон уруғ хаддан ташқари парчаланиб кетган эди, чунки Қорахонийлар бошқа олтой халқларида ҳам кенг тарқалган тартибга асосан давлат ишларини юритар эдилар. Бу тартибга кўра ҳоқон билан бир пайтда бирга ҳукмронлик қилувчи шерик ҳоқон, улардан кейин эса “қуий ҳоқонлар” бўларди. Уруғ аъзолари доимий равишда мансаб зиналаридан юқорига кўтарилиб турганлари ва янгидан-янги унвонлар ва номлар олганлари туфайли Қорахонийлар шажараси ҳамда йилномасини аниқлаш ғоят қийин ишга айланган...”.

Биз мавжуд манбаларни қиёслаб, имкон қадар Қорахонийлар шажарасини аниқлаштиришга интилдик. Милодий 878 или яғмо қабиласи сардори Билга Кул Қодирхон Болосоғун шаҳрини ишғол қилиб, Қарлуқ хонлигини тутатган ва янги сулолага асос солган. У катта ўғли Базир тегинга “Арслонхон” деган ном бериб, Болосоғун шаҳрини бошқаришга, кичик ўғли Ўғулчоқ тегинга “Буғрахон” деган ном бериб, Талас шаҳрини бошқаришга қўйган. Билга Кул Қодирхон вафотидан кейин ҳокимиятни бошқарган Базир Арслонхон ва Ўғулчоқ тегин даврларида давлат ҳудуди анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Абдулкарим Сотук Бўғрахон ҳукмронлиги даври Қорахонийлар тарихида алоҳида ўрин тутади. У 24 ёшида тахтга ўтирган ва ислом динини ўз давлатининг расмий дини деб эълон қилган. Бунгача уйғур, ўғуз, қарлуқ, қипчоқларнинг турли қабилалари Кўк Тангрига эътиқод қиласар эди. X аср ўрталарида бу қабилаларнинг барчаси Ислом динига ўтган. У билан бир пайтда яна бир турк давлати - Волга ва Кама дарёлари бўйидаги Булғория ҳукмдори Олмишхон ҳам Ислом динини расмий дин деб эълон қилган.

Сотук Бўғрахон қудратли ҳукмдор сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлашга киришди. Ҳали Ислом динини қабул қилмаган турк қабилалари устига ҳамлалар уюштирди. X аср охирларида Сотук Бўғрахоннинг набираси Ҳорун ибн Мусо ибн Сотук бошчилигидаги қабилаларнинг Мовароуннаҳрга қарши

хужумлари натижасида сомонийлар сулоласи тугатилган. 992 йили Ҳорун Бухорони, 996—999 йиллари унинг вориси Наср I бутун Мовароуннахри босиб олди. Қораҳонийлар давлати пойтахти дастлаб Кошғар, сўнгра Боласоғун, Ўзган шаҳарлари бўлиб, кейинчалик яна Кошғарга кўчирилган.

XI аср бошларида Қораҳонийлар давлати икки қисмга бўлинib кетади. Шарқий қисмига Еттисув, Қашқар, Тароз, Исфижоб, Шош ва Шарқий Фарғона кирган. Пойтахти Боласоғун, маданий маркази Қашқар шаҳри эди. Ғарбий қисми Мовароуннахрдан то Фарғона водийсининг ғарбий чегарасигача бўлган ерларни ўз ичига олган ва пойтахти Самарқанд бўлган.

XI асрнинг 60-70 йиллари қораҳонийларнинг салжуқийлар билан бошлиган тўқнашувлари ҳамда қораҳонийлар ҳоқони Иброҳим ворислари ўртасида ўзаро таҳт учун курашлар натижасида қораҳонийлар давлати заифлашиб, салжуқийларга тобе бўлиб қолди, 1212 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ қораҳонийлар давлатини бутунлай тугатди.

Қораҳонийлар даврида барпо этилган марказлашган давлат санъат ва адабиёт ривожига катта имкон берди. Ўша даврда бунёд этилиб, ҳозиргача сақланган Работи Малиқ, Масжиди Калон, Минораи Калон, Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси, Мағоки аттори масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Хоразмда хомғишт ва пахсадан қурилган Бўронқалъя, Ноиб қалъя, Қубодқалъя харобалари, Фахруддин Розий мақбараси бу даврда меъморлик санъати юксак даражада бўлганлигини кўрсатади.

Қораҳонийлар даврида адабиёт ва санъат ҳам ривожланган. Қадимги туркий тилнинг бебаҳо обидалари бўлган Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асрлари ана шу даврда ижод этилган.

Шу ўринда Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ҳақидаги айrim маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Зеро, у Қораҳоний хукмдор Юсуф Қодирхоннинг (1026-1032) набираси, ўз замонасиининг билимдонларидан бири бўлган Ҳусайннинг ўғлидир. Унинг онаси Биби Робия ўз даврининг билимдон, олийжаноб аёлларидан бўлган ва ўғлининг билим эгаси ҳамда халқпарвар бўлиб камол топишига катта ҳисса кўшган.

М. Кошғарий болалигига ўша замоннинг етук олимлари қўлида таълим олган. Шу жараёнда ўз даврида мавжуд бўлган барча фанларни, жумладан табобат илмини олий даражада ўзлаштирган. Шу даврда чавандозлик, қиличбозлик, мерганлик ҳунарларини ҳам яхши ўрганганди. Аммо олимнинг етуклик даври Қораҳонийлар давлатида сиёсий кескинлик юз берган вақтга тўғри келган.

1056-1057 йилларда, яъни Маҳмуд Кошғарийнинг отаси таҳтга ўтқазилиши муносабати билан қораҳонийлар саройида ички курашлар авж олди. Айниқса, бундан норози бўлган таҳт даъвогарлари бу курашга жиддий аралашдилар. Натижада Маҳмуд

Кошғарийнинг отаси ўлдирилди. Шундан сўнг олим ўз ватанидан чиқиб кетиб, 15 йил давомида атрофдаги қардош қабилалар ва халқлар орасида юришга мажбур бўлди. Ана шу даврда у туркий халқларнинг тиллари, урф-одатлари, яшаган жойлари ва этник алоқаларини чуқур ўрганган ва кўп маълумотлар тўплаб олган. Шу билан бирга, бу маълумотларни келажак авлодларга қолдириш зарурлигини ҳам англаган. 1068 йили у вазият тақозоси билан ислом дунёси олимлари йигилган ва илм-фан марказига айланган Бағдод шаҳрига борган. Натижада бу ерга йигилган олимлар билан мулоқотда бўлган, илм-фан ютуқлари билан яқиндан танишган. Шу билан бирга у Бағдодда мавжуд бўлган илмий муҳитдан унумли фойдаланган. 1072-1074 йилларда у Бағдод шаҳрида машхур "Девони луғатит турк" ("Туркий тиллари луғати") асарини ёзиб битирган. Ҳаётининг сўнгти йилларида яна она шахри – Кошғарга қайтиб келган.

ЯГОНА ҲОҚОНЛИК

**(Шарқий Туркистон, пойтахти дастлаб Болосоғун, сўнгра
Қашқар)**

Базир Билге Кўл Қидирхон (Базирхон) (878-910)

Базир Арслонхон (910-914)

Ўғулчоқ Буграхон (915-932)

Абдулкарим Сотук Буғрохон (932-956)

Мусо бинни Сотук(Мусо Буғро Қарохон) (956-992)

Хорун ибн Сулаймон Буғрохон (993-998)

Аһмад Тўғонхон I (998-1018)

Мансур Арслонхон (1018-1024)

Аһмад Тўғонхон II (1024-1025)

Юсуф Қодирхон (1025-1032)

Сулаймон Арслонхон (1032-1056)

Муҳаммад ибн Юсуф (1056-1058)

Иброҳим ибн Муҳаммад (1058-1059)

Маҳмуд ибн Юсуф (1059-1074)

Ҳасан ибн Сулаймон (1074-1102)

Аҳмад ибн Ҳасан (1102-1128)

ГАРБИЙ ҲОҚОНЛИК

(Мовароуннаҳр, пойтахти дастлаб Бухоро, сўнгра Самарқанд)

Насрхон (992-1012)

Аҳмад Тўғонхон (1012-1018)

Али-тегин (1018-1034)

Юсуф-тегин (1034)

Арслон-тегин (1034-1042)
Муҳаммад I (1042-1052)
Иброҳим Тамғочхон
(Абу Исҳоқ Бўри Тигин) (1052-1068)

Салжуқийлар вассали(1074-1141)

Наср ибн Иброҳим(Шамс ул-мулк) (1068-1080)
Абу Шужоъ ал-Хидр ибн Иброҳим (1080-1089)
Ёқуб-тегин (1089)
Аҳмадхон ибн ал-Хидр (1089-1095)
Масъудхон (1095-1097)
Сулаймон Қодир Тамғочхон (1097)
Махмуд-тегин (1097-1099)
Ҳорун-тегин (1099)
Қодирхон Жаброил ибн Умар (1099-1102)
Муҳаммад Арслонхон ибн Сулаймон (1102-1129)
Наср II (1129)
Аҳмад II (1129-1130)
Иброҳимхон II (1130-1132)
Хасан-тегин (1132-1137)
Маҳмуд II (1137-1141)

Қорахитойлар вассали (1141-1212)

Иброҳимхон III (1141-1156)
Элхон ибн Ҳасан Ҷағрихон (1156-1160)
Масъудхон ибн Али(Қилич Тамғочхон) (1160-1168)
Наср ибн Ҳусайн (1168-1173)
Муҳаммад ибн Масъуд (1173-1178)
Иброҳим ибн Ҳусайн (1178-1204)
Усмон ибн Иброҳим Буғрохон (1204-1212)

Хоразмга тобелик даври (1212-1221)
Олтин Ўрдага тобелик даври(1221-1227)
Чагатой улусига тобелик даври(1227-1370)

ШАРҚИЙ ҲОҚОНЛИК
(Талас, Исфижоб, Шош, Еттисув, Қашқар ва
Фарғонанинг шарқий қисми)

Сулаймон Арслонхон (1040-1056)
Муҳаммад I Буғрохон (1056-1057)
Иброҳим I (1057-1058)
Муҳаммадхон (Тўғрил Қорахон) (1058-1074)

Умархон (Тўғрил Тегин) (1074)
Ҳорун Буғрохон II (1074-1103)
Аҳмадхон ибн Ҳорун (1103-1129)
Иброҳим II (1129-1159)
Муҳаммадхон II (1159-...)
Юсуфхон II (...-1205)
Муҳаммадхон III (1205-1211)

Ҳоқонлик ҳудуди найман қабиласи етакчиси Кучлукхон томонидан эгалланди.

ГАЗНАВИЙЛАР ДАВЛАТИ (962-1187)

962 йили сомонийлар лашкарбошиси Алптегин маркази Ғазна (Ғазни, Афғонистон) шаҳри бўлган янги давлатга ва янги сулолага асос солди. Бу давлат номи пойтахт шаҳар Ғазна номи билан боғлиқ. Алптегин эса туркий тилдаги “алп” – паҳлавон ва “тегин” – шаҳзода, аслзода сўзларидан ясалган.

Маълумки, Сомонийлар армияси ўзагини ва саркардаларини туркий қабилалар вакиллари ташкил этган. Улар ўз хизматлари эвазига Хуросон ва Афғонистоннинг турли вилоятларини бошқариш хуқуқини олганлар. Алптегин ҳам улардан бири эди.

Ғанавийлар давлатининг энг кучайган даври Сабуктегин (977-997) ва унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) ҳукмронлигига тўғри келади. 1030 йилга келиб бу давлатга ҳозирги Афғонистон, Эрон ва Марказий Осиёнинг бир неча вилоятлари, Ҳиндистоннинг шимолий ва шимоли-ғарбий вилоятлари кирган. Бу давлат равнақ топган даврда саройда ва шаҳарларда буюк олимлар яшаб, ижод этганлар (Беруний, Утбий, Абулфазл Байҳақий, Гардизий, Фирдавсий ва бошқалар).

Сомонийлар сулоласи барҳам топгач, Маҳмуд Ғазнавий уларнинг Хуросондаги бутун ҳудудини, кейинчалик Ҳоразм давлатини (1017) ҳам ўз салтанати таркибига қўшиб олган. Бироқ Жанубий Тоҳаристон (ҳозирги Сурхондарё вилояти ва жанубий Тожикистон) ҳудудини ҳам эгаллаш учун кураш бошлаганларида қораҳонийлар билан уларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашди. Кескин курашлар натижасида Чағониён ва Термиз Ғазнавийларга бўйсундирилган. Ғазнавийлар билан Қораҳонийлар давлати ўртасидаги чегара Амударё деб эътироф қилинган.

1024-25 йилларда Маҳмуд Ғазнавий Термиз яқинида Амударёни кечиб ўтиб, Темир дарвоза (Темир қопқа) орқали Суғдга ҳужум қилган ва Самарқандгacha борган. Бу ҳарбий юришлар натижасида Омул (Чоржўй)гача бўлган вилоятлар Қораҳонийлар ҳукмронлигидан чиқиб, Ғазнавийлар таъсирига ўтган. Бу даврда Ғазнавийлар давлати Шарқдаги йирик мусулмон давлатига айланган

эди. Аммо Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли ва валиаҳди Масъуд Ғазнавий хукмронлиги даврида (1030-41) бу давлат ўз қўл остидаги худудларни бирин-кетин қўлдан чиқариб, аста-секин таназзулга юз тута бошлади.

Ғазнавийлар давлати таркибидан дастлаб Хоразм ажралиб чиқди. Ғазнавийларнинг Хоразмдаги ноиби Олтинтош вафот этгач (1032), унинг ўғли Ҳорун ғазнавийларга қарши исён қўтарди (1034). У салжуқийлар ва қорахонийлар билан дўстона алоқа ўрнатиб. Хоразмни мустақил деб эълон қилди. Бу пайтда Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасида Чагониён, Хутталон вилоятлари ва Термизни эгаллаш учун яна кескин кураш бошланган эди. Марв яқинидаги Данданакон жангидаги (1040 йил май) Масъуд Ғазнавий қўшини Салжуқийлардан енгилгач, Ғазнавийлар Хурросонни бутунлай қўлдан чиқаришди. Мағлубиятга учраган султон Масъуд Ғазнавий Ғазнага қочди ва кейинчалик фитначилар томонидан ўлдирилди (1041). Тахтга Масъуднинг укаси Муҳаммад ўтириди. Лекин Масъуднинг ўғли Мавдуд (1041-1048) амакиси Муҳаммаднинг қўшинини енгиб, уни ўлдириди ва тахтга ўтириди. Аммо султон Мавдуднинг Амударё юқори қисмидаги вилоятларни қайтариб олиш учун кураши натижасиз тугади. Султон Фаррухзоднинг (1053-1059) ҳаракатлари бир мунча самарали бўлиб, у кетма-кет икки жангда Салжуқийлар қўшинини мағлубиятга учратди. Лекин кейинчалик Алп Арслон Ғазнавийларни енгишга муваффақ бўлди. Икки ўртада тузилган битимга (1059) мувофиқ, Ғазнавийлар Мовароуннаҳр ва Тоҳаристонга бўлган ҳар кандай ҳукуқларини йўқотдилар. Уларнинг худуди Ғазна вилояти ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми билан чекланиб қолди. Бу худуд ҳам 12 аср бошларидан бошлаб аста-скин қисқаривор борди. 12 асрнинг 60-йилларида Ғурийлар давлати Ғазнавийларни Шимолий Ҳиндистонга бутунлай сиқиб чиқардилар, пойтакт ғазнадан Лаҳорга қўчирилди (1161). Ғурийлар давлати ҳукмдори Фиёсиддин Муҳаммад қўшини Лаҳорни босиб олгач, Ғазнавийлар давлати бутунлай тугатилди (1186).

Ғазнавийлар давлатида илм-фан ва маданият, хусусан, адабиёт ривожланган. Маҳмуд Ғазнавий она тилиси туркийдан ташқари форс, араб, ҳатто паҳлавий тилларини ҳам мукаммал билган ва ўзи шеърлар битган. Унинг саройида 400 дан ортиқ олим, шоир ва санъаткорлар тўпланиб, фаол ижод билан шуғулланишган. Абу Райхон Беруний ҳамда Фаррухий, Унсурий, Манучехрий, Носир Ҳусрав, Утбий, Гардизий, Байҳақий сингари олим ва шоирлар Ғазнада яшаб ижод қилишган. Беруний ўзининг “Қонуни Масъудий” ва Байҳақий ўзининг “Таърихи Масъудий” асарларини Масъуд Ғазнавийга бағишлишган. Фирдавсий машҳур “Шоҳнома” достонини Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этган.

Ғазнавийлар даврида қурилиш ва меъморчиликка ҳам катта эътибор қаратилган. Ғазна, Балх, Нишопур, Лоҳур ва бошқа шаҳарларда кўплаб мадрасалар, масжидлар, хонақолар, саройлар ва

боғлар қурилган, кутубхоналар фаолият кўрсатган. Хусусан, пойтахт Фазна шаҳри гуллаб яшнаган.

Алптегин (961-963)
Абу Исҳоқ Иброҳим (963-966)
Билга-тегин (966-974)
Пири-тегин (974-977)
Сабуктегин (977-997)
Исмоил (997-999)
Маҳмуд Газнавий (999-1030)
Муҳаммад (1030-1031)
Масъуд (1031-1041)
Муҳаммад(иккинчи марта) (1041)
Мавдуд (1041-1050)
Масъуд II (1050)
Али (1050)
Абдуррашид (1050-1053)
Тўғрил (1053)
Фарруҳзод (1053-1059)
Иброҳим (1059-1099)
Масъуд III (1099-1115)
Шерзод (1115)
Арслоншоҳ (1115-1118)
Баҳромшоҳ (1118-1152)
Хусравшоҳ (1152-1160)
Хусрав Малик(1160-1186)

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

Хоразмда Исломдан олдин ва кейин тўртта хоразмшоҳлар сулоласи ҳукмронлик қилганлиги тарихий манбаларда ёзилган. Булар Афригийлар (305—992), Маъмунийлар (992—1017), Олтинош сулоласи (1017—1041), Ануштегинийлар сулоласидир (1077— 1231). Афригийлар сулоласи ҳақида юқорида маълумот берган эдик. Қуйида кейинги уч сулола ҳукмронлиги даври ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

995 йилгача Хоразм икки қисмга — Шимолий Хоразм (пойтахти Урганч ёки Гурганч) ва Жанубий Хоразм (пойтахти Кос)га бўлинган эди. 995 йили Маъмун ибн Муҳаммад ҳар иккала Хоразмни бирлаштириб, хоразмшоҳ унвони билан идора эта бошлади. Гурганж (Кўҳна Урганч) йирик маданий марказга айланди. Хоразмшоҳ Абул-Ҳасан Али ибн Маъмун (997-1009) ташаббуси билан ўз даврининг машҳур алломалари Абу Наср ибн Ироқ ва Беруний Нишопур, Балх, Бухоро, Бағдод сингари

шашарлардан таниқли олимларни Гурганж (хозирги күхна Урганч) шаҳрига таклиф қилдилар. Уларнинг илмий изланишлари учун бу ерда барча шароитлар яратиб берилди. “Дор ул-ҳикма ва маориф” (“Билим ва маориф уйи”) номи билан машҳур бўлган бу ўзига хос академияда фаннинг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб борилди. Ҳинд, юон, араб олимларининг асарлари ўрганилди, улардан нусхалар кўчирилди ва таржима қилинди. Натижада, бой кутубхона вужудга келди. Мадраса ва хаттотлик мактабларида юзлаб шогирдлар илм ва ҳунар сирларини ўргандилар.

Астрономия соҳасидаги асарлари билан танилган Абу Наср ибн Ироқ, мантиқ, фалсафа ва табобат илмида ном қозонган Абулхайр ибн Хаммор, машҳур табиб Абу Саҳл ал-Масиҳий, кўпқиррали илм соҳиблари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино Академия номини оламга таратдилар. Абу Бакр ал-Хоразмий ва Абул Фараж ибн Ҳинду эса араб тилидаги шеъриятни янги поғонага кўтарганлар. Академияда жами 100 дан ортиқ машҳур алломалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Гурганждаги илмий изланишлар Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун даврида ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Тиббиёт, кимё, минералогия, астрономия, тарих, адабиёт соҳаларида кўплаб илмий асарлар яратилди.

Аммо 1017 йили уюштирилган сиқасд туфайли Маъмун ибн Маъмун ўлдирилди. Кўшни Ғазнавийлар давлати асосчиси Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга бостириб кириб, бу ердаги олимларнинг кўпчилигини ўз пойтахти – Ғазна шаҳрига олиб кетди. Шу тариқа Академиянинг фаолияти барҳам топди.

Маҳмуд Ғазнавий ўзининг бош ҳожиби Олтинтошни хоразмшоҳ унвони билан Хоразм ҳокими этиб тайинлади.

1043 йили Хоразм салжуқийлар давлатига қўшиб олинди. Салжуқийларнинг Хоразмдаги ноиби хоразмшоҳ Отсиз салжуқийлар заифлигидан фойдаланиб, мустақил сиёsat юргиза бошлади ва Хоразмда янги сулолага асос солди. Хоразмшоҳ Отсизнинг набираси Такаш 1187 йили Нишопурни, 1192 йили Райни, 1193 йили Марвни босиб олди, 1194 йили салжуқийлар сultonи Тўгрул II ни енгди. Хоразмшоҳ Такаш даврида (1172—1200) Эроннинг Шарқий қисми Хоразмга қўшиб олинди. Унинг ўғли Хоразмшоҳ Муҳаммад даврида Хоразм Яқин Шарқда энг қудратли давлатга айланди. Хоразмга Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан Форс қўлтиғигача, Кавказдан Ҳиндукуш тоғларигача бўлган ҳудуд қаради. Хоразм Хитой, Мўғулистон. Тибет, Ҳиндистон, Яқин Шарқдаги мамлакатлар, Рус ва Волга бўйидаги шаҳарлар билан савдо-сотиқ қиласиди.

1220 йили Чингизхон қўшини Хоразмга бостириб кирди. Хўжанд ҳокими Темур Малик, Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди бошчилигидаги кучлар мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. 1221 йили мўғуллар Урганчни эгаллаб, уни вайрон

қилдилар. Дехқон ва хунармандларнинг кўп қисми қириб ташланди ёки Мўғалистонга олиб кетилди. Савдогар ва руҳонийлар мусулмон давлатларига қочиб кетдилар. Хоразм Жўжи улусига, кейинчалик Олтин Ўрда таркибиға киритилди.

Жалолиддин Мангуберди Эроннинг шимолида пойтахти Табриз бўлган янги давлатга асос солди. Аммо 1331 йили Жалолиддин фожиали ҳалок бўлгач, бу давлат ҳам мўғуллар томонидан тугатилди.

1388 йили Хоразм темурийлар давлатига қўшиб олинди. 1413 йилдан Хоразмни Шоҳрухнинг ноиблари идора этдилар. 1505 йили Хоразм Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар томонидан эгалланди. Аммо у 1510 йили Эрон ҳукмдори Исмоил Сафавий қўшинлари билан жангда ҳалок бўлгач, Хоразм ҳам Эрон қўл остига ўтди. Икки йилга яқин бу истилога қарши кураш олиб борган хоразмликлар 1511 йили эронийларни қувиб юбордилар ва Хоразм тахтига шайбонийлардан Элбарсхонни ўтқаздилар (Хива хонлиги бўлимига қаранг).

МАЪМУНИЙЛАР СУЛОЛАСИ

Абу Али Маъмун ибн Муҳаммад (992-997)

Абул-Ҳасан Али ибн Маъмун (997-1009)

Абул-Аббос Маъмун ибн Али (1009-1017)

Абул-Хорис Мухаммад (1017)

ОЛТИНТОШ СУЛОЛАСИ

Олтинтош (1017-1032)

Ҳорун ибн Олтинтош (1032-1034)

Исмоил ибн Олтинтош (1034-1041)

АНУШТЕГИНИЙЛАР СУЛОЛАСИ

Ануштегин (1077-1097)

Қутбuddин Муҳаммад (1097-1127)

Алоуддин Отсиз(1127-1156)

Эл-Арслон (1156-1172)

Султоншоҳ Махмуд (Хуросонда - 1172- 1193)

Алоуддин Такаш (1172-1200)

Алоуддин Муҳаммад (1200-1220)

Жалолуддин Мангуберди (Табризда - 1220-1231)

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ

Салжуқийлар давлати номи кўчманчи турк-ўғуз қабиласи бошлиғи Салжуқ номидан олинган. Салжуқий турклар XI асрнинг 30-йилларида ҳарбий хизматлари эвазига Хурсонда ғазнавийлардан мулклар олдилар. 1038 йили улар Нишопурни эгаллаб, ўз раҳбарлари Тўғрулбекни султон деб эълон қилдилар. Салжуқийлар секин-аста бутун Хурсонни (1038—1044), Хоразмни (1043) бўйсундириб, Ғарбий Эрон (1042 ва 1051 йиллар), Озарбайжон (1054) ва Ироқни (1055) босиб олдилар. Аббосийлар халифаси ал-Қоим (1031-1075) Тўғрулбекни Султон ҳамда «Шарқ ва Ғарб подшоҳи» деб тан олишга мажбур бўлди ҳамда ўзига куёв қилди. Тўғрулбек Рай шаҳрини, унинг укаси Чағрибек Довуд (990-1060) Марвни ўзларига пойтахт қилдилар. 1050 йилда Тўғрулбек пойтахтни Райдан Исфаҳонга кўчирди.

Алп Арслон (1063-1072) ва Маликшоҳ I (1072-1092) даврида Салжуқийлар Арманистонни эгалладилар, Византияни енгиб (1071), бутун Кичик Осиёни (1071—1081), кейинчалик Сурия ва Фаластинни босиб олдилар. Улар Грузия ва Ширвонни ўзларига бўйсундириб, у ерлардаги ҳукмдорларни ўз вассалларига айлантиридилар. Салжуқийлар қўшинлари Арабистон яриморолидаги Яман ва Баҳрайн ерларини ҳам ўз тасарруфларига киритдилар. 1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Фарғонани ишғол этдилар. Маликшоҳ I ҳукмронлиги даврида Салжуқийлар ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ниҳоятда кучли эдилар.

XI аср охиридан бошлаб, Салжуқийлар давлати таназзулга учрай бошлади. Чунки биринчи салб юришлари натижасида Салжуқийлар Ширвон ва Кичик Осиёнинг қирғоқ бўйи худудларидан, Сурия ва Фаластиннинг бир қисмидан ажралди. Тўғрулбек авлодларининг баъзилари мустақил султонликлар тузиб олдилар: Кермон султонлиги (1041—1187), Сурия султонлиги (1074—1117), Кўня (Рум) султонлиги (Туркия, 1077—1307).

XI аср охирида Салжуқийлар давлати Шарқий Туркистондан Ўрта ер ва Мармар денгизларигача бўлган катта худудни ўз ичига олган. Бу давлат Хитой билан Византия ўртасида жойлашган. Салибчиларнинг Шарққа юришларини тўхтатишда Салжуқийлар давлати катта роль ўйнаган.

Маликшоҳ вафотидан кейин унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш авж олди. Натижада Салжуқийлар давлати иккига бўлинди: Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118—1194) номи билан Маҳмуд бошқарди. Ҳамадонни пойтахт қилди. Хурсон, Сейистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда Маликшоҳнинг ўғли Султон Санжар (1118—1157) ҳукмронлик қилди. Пойтахти Марв шаҳри эди.

Бироқ Шарқдан Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши, Самарқанд яқинида бўлган Қатвон жангига (1141 йил 9 сентябрь) уларнинг қарлуқлар билан биргаликда Салжуқийлар ва Қорахонийларнинг бирлашган қўшинини тор-мор қилиши

натижасида Санжарнинг қудрати заифлаша бошлади. У дастлаб Мовароуннаҳр, кейинчалик Хурросоннинг асосий қисмидан ажралди. Ануштегиний Қутбиддин Муҳаммад ва Отсиз даврларида Хоразм ҳам ўз мустақиллигини тиклади. Отсиз Салжуқийларнинг пойтахти Марвни эгаллаб, Нишопурни қамал қилди (1141-1142).

Санжар вафотидан сўнг (1157) Салжуқийларнинг Хурросондаги хукмронлиги тугади. Хурросон ўғузлар томонидан эгалланди. 1194 йили Хоразмшоҳ Такаш Ироқ султонлигини тор-мор қилиб, ўз давлатига қўшиб олди (1194). Факат Кўня султонлиги XIV аср бошларигача хукм сурди.

Салжуқийлар далатида илм-фан ва маданият ривожланган. Айниқса, Эрон, Ироқ ва Мовароуннаҳрда маданий юксалиш юқори бўлган. Нишопур, Исфаҳон, Басра, Ҳирот, Марв, Бухоро, Самарқандда мадрасалар бунёд қилинган. Ҳусусан, буюк вазир Низомулмулк қурдирган Бағдоддаги Низомия мадрасаси (1067) бутун жаҳонга машҳур бўлган. Низомулмулк давлатни бошқариш асослари ҳақида “Сиёсатнома” асарини яратган. Мунажжим ва риёзиётчи олим Умар Хайём лойиҳасига кўра, Исфаҳонда расадхона қурилган. У Маликшоҳ топшириғига кўра, расадхонада кузатув ишларини олиб борган ва сосонийларнинг шамсий тақвимини ислоҳ этиб, янги тақвим (“Маликшоҳ тақвими” ёхуд “Жалол эраси”)ни тузган (1079). Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Умар Хайём форс шеъриятининг сўнмас дурданаларини яратишган. Муҳаммад Ғаззолий, Фаридуддин Аттор, Ҳожа Юсуф Ҳамадоний каби ислом уламолари ва сўфийлар ижод қилишган.

Салжуқийлар давлатида риёзиёт ва илм нужум (Баҳовуддин Абубакр Марвазий, Шарафиддин Тусий, Абулҳасан Али Марвазий, Абулҳотам Музаффар Исфизорий, Заҳириддин Ғазнавий), тиббиёт ва кимё (Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий), тарих (Заҳириддин Нишопурний, Садриддин Ҳусайнний, Ануширвон Кошоний, Абу Бакр Равондий), адабиёт (адиб Собир Термизий, Носир Ҳусрав, Анварий, Асириддин Ахсикатий, Рафъий Марвазий ва бошқа) соҳаларига оид кўплаб бебаҳо асарлар яратилган. Бу даврда Нишопур, Марв, Исфаҳон, Рай, Ҳамадон каби пойтахт шаҳарлар, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Термизда кўплаб меъморий ёдгорликлар қурилган. Марв гуллаб яшнаган, у “Марви Шоҳижаҳон” - “Шаҳарлар шоҳи” деб улуғланган. Тарихчи ва сайёҳ Ёқут Ҳамавий Марвда бўлганида бу ерда 10 та йирик кутубхона борлигини кўрган ва улардан фойдаланган. Термиз яқинидаги Пайғамбар оролида Зулкифл мажмуаси (11-12-асрлар), Султон Саодат меъморий мажмуи (11-18-асрлар), Жарқўргон минораси (1109), Марвда Султон Санжар мақбараси (12-асрлар) ва бошқа меъморий обидалар қурилган.

Салжуқийларнинг Кўния султонлигига ҳам маданият тараққий этган. Кичик Осиёнинг исломлашиш жараёни кучайиб,

тасаввуфнинг мавлавийлик, бектошия каби тариқатлари шаклланган, ахийлик (жавонмардлик) ва қаландарлик кучайган. Жалолиддин Румий, Юнус Эмро (1240-1320), Хожа Бектош Вали (1248-1338), Садриддин Кўнёвий, Шаҳобиддин Суҳравардий сингари машҳур мутасавифлар етишиб чиқкан. Кўния (Иконий), Сивас, Қайсария, Никея шаҳарлари йирик маданий марказлар хисобланган. Бу пайтда “Ўғузнома” достонининг ёзма варианти шаклланган, латифада Хўжа Насриддин (Афанди) образи яратилган.

Тўғрулбек (1038-1063)

Алп Арслон (1063-1072)

Маликшоҳ (1072-1092)

Маҳмуд (1092-1094)

Берқиёруқ (1094-1104)

Иккинчи Маликшоҳ, Муҳаммад (1105-1118)

Султон Санжар (1118-1157)

ҚОРАХИТОЙЛАР ДАВЛАТИ

Ўрта асрларда Шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси, Еттисув ва Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлат (таксминан 1140-1213 йиллар). Пойтахти - Чу дарёси бўйида жойлашган Хуси-орда (Баласофун). Асосчиси - Елюй Даши.

1125 йили Қиданлар салтанати чжурчженлар томонидан тор-мор этилгач, Қиданлар хони Елюй Даши (1130-1142) бир гуруҳ тарафдорлари билан Шимолга қочади. Сўнгра турли қабила жангчилари билан ўз қўшинини тўлдириб, Фарбга йўл олади ва илгари бу ўлкаларга келиб жойлашган қиданлар (тарихий манбаларда 16 минг оила) ёрдамида бутун Туркистонни босиб олади (1141). XII аср ўрталаридан XIII аср бошларигача 18 ёшга тўлган барча қорахитойлар Гурхонлар қўшинида хизмат қилиши мажбурий бўлган. Бу армия ёрдамида Қорахитойлар давлати Амударё ва Балхаш кўлидан Кунълун ва Бейшан тоғларига қадар худудни эгаллаган. Елюй Даши ўзини ғуюрхон – гурхон, яъни қабилалар бирлашмасининг хони деб эълон қилди. Шу тариқа Қорахитойлар салтанати вужудга келди.

Гурхонлар қиданларга тақлидан тангалар зарб этдирганлар, лекин тобе юртларнинг иқтисодиёти ва ички ишларига кам аралашганлар, улар фақат вассалларидан (Балх, Хоразм, Хўтан, Гаочан ва бошқалар) солиқ олиш билан кифояланганлар.

Чингизхон томонидан Шарқий Туркистоннинг босиб олиниши туфайли найманлар 1208 йили қорахитойлар худудига қочиб ўтдилар ва 1211 йили Гурхонни асир олдилар (у 2 йилдан сўнг вафот этган). 1218 йили Чингизхон томонидан найманларнинг тор-мор қилиниши билан Қорахитойлар давлати батамом тугатилган.

Асрлар ўтиши билан қорахитойлар туркий халқлар таркибиға сингиб кетдилар. Ҳозирги пайтда қирғиз, қозоқ ва қорақалпок халқлари таркибида қорахитой уруғи бор. Ўзбекистонда улар Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари худудида яшаганлар. Масалан, XIX асрнинг 70-йилларида Самарқанд вилоятида қорахитойлар 45 минг кишидан иборат бўлган. Ҳозир бу атама жой номлари сифатида сакланиб қолган.

МЎГУЛЛАР ДАВЛАТИ

XIII асрнинг биринчи ярмида Чингизхон ва унинг ворисларининг истилочилик урушлари натижасида барпо этилган давлат. 1206 йил баҳорда Мўгулистандаги турк ва мўғул қабилалари сардорларининг қурултойида Темучин хон этиб сайланган ва унга “Чингизхон” (“Улуг хон”) деб ном берилган, ташкил этилган давлат “Якка монгол улус” деб аталган.

Чингизхон ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида бир қанча ислоҳотлар ўтказган. Жумладан, минг оилани бир маъмурий бирликка бўлишга асосланган ва ҳарбий тус берилган янги маъмурий тузум жорий этган. Унга кўра, Чингизхонга тобе бўлганлар жами 95 та “минг оила” бирлигига бўлиб чиқилган ва буларнинг ҳар бирига уруш даврида Чингизхонга садоқат билан хизмат кўрсатган кишилар бошлиқ қилиб тайинланган. Лекин амалда айрим мингликлар бир неча минг оиладан иборат ҳам бўлган. Мингликларни ташкил этишда имкон борича бир тоифадаги қардош авлодларни ва қабилаларни бир-биридан ажратмасликка эътибор берилган. Мазкур “минг оила”лар, ўз навбатида, ғарбий “ўнг қанот” ва шарқий “сўл қанот”, марказий ва тоғликлар каби 4 қисмга бўлинган. Ҳар бир минг оила юзликка ва ўнликка бўлинган. Аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилган. 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркаклар ҳарбий хизматга яроқли деб топилган. Қўшинда қаттиқ тартиб ўрнатилган, қонунбузарлар учун қаттиқ жазо, қонун устуворлигини ҳимоя қилганларга эса ҳурмат билдирилиб, мукофот белгиланган. Савдо йўллари, авваламбор Буюк ипак йўлининг хавфсизлигини таъминлаб, ундан тўла фойдаланишга эътибор берилган. Бу тадбирлар Чингизхон ҳокимиятини мустаҳкамлашда ижобий самара берган.

Чингизхон Қорақурум қалъасини ўз империясининг пойтахтига айлантиради. Мёнке вафотидан кейин пойтахт Хонбалиқ (Пекин) шаҳрига кўчирилди. Хат-саводли одамлари кам бўлган мўғуллар давлат бошқарув ишларида уйғурлардан ҳамда мусулмон

савдогарларидан фойдаландилар. Чингизхон ва нуёнларининг маслаҳатчилари, мирзолари ва баъзи бир мулк маъмурлари, асосан, уйғурлардан бўлган. Масалан, Шарқий уйғурлар хони Идиқут (Саодатбек) хоннинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси эди. Ташатун исмли уйғур эса давлат муҳрдори лавозимини ҳамда шаҳзодаларни хат-саводга ўргатувчи устод вазифасини бажарган. Чингизхон тарқоқ жангари мўғул уруғларини бирлаштиргач, тажовузкорлик сиёсатини юргизди..

1207-1211 йилларда Сибирь ва Шарқий Туркистон халқлари (бурят, ёкут, ойрот, қирғиз ва уйғурлар) бўйсундирилди. Тангут давлатига қарши бир қанча юришлар қилинди (1227 йили тамомила босиб олинди). 1211 йили Шимолий Хитойга ҳужум бошланди. 90 га яқин шаҳар вайрон қилиниб, 1215 йили Пекин шаҳри ҳам босиб олинди. 1217 йилда Хуанхэ дарёсининг шимолидаги ерлар тамоман мўғуллар кўлига ўтди. 1219-1220 йилларда Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги остидаги Марказий Осиё ҳудуди тўла забт этилди.

Забт этилган ўлка ва вилоятларни Чингизхон 1224 йилда ўғиллари ва набираларига тақсимлаб берди. Жанубий Сибирь, Даشت Қипчоқ, Волга бўйи, Хоразм ва Дарбандгача бўлган ўлка Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжига (унинг вафотидан кейин эса, набираси Ботуга мерос бўлган) топширилди, Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳрга унинг иккинчи ўғли Чағатой эга бўлди. Чингизхон ўз ватани Мўғулистанни, шунингдек, Хитойни учинчи ўғли ва вориси Ўқтойга берди. Кенжа ўғли Тўлуйга эса Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тегди.

Мўғулистан ва Шимолий Хитойда яшаган қабилалар дастлаб шаманизмга эътиқод қилган бўлсалар, кейинчалик буддизмнинг Тибетдаги ламаистик шаклига ўтдилар. Кўпгина хонларнинг исми буддизм дини билан боғлиқ эканлиги ҳам шундан.

Чингизхоннинг набираси Мунке ҳукмронлиги даврида (1251-60) Мўғуллар давлати таркибига Мўғулистан, Шимолий Хитой, Корея, тангутларнинг Си-Ся подшолиги, Марказий ва Ўрта Осиё, Кавказорти, Эрон, Афғонистон ва Русь ерларининг аксарияти кирган. Мунке ўлимидан сўнг Мўғуллар давлати парчаланиб кета бошлади. Ундан дастлаб Боту (1236-55 йиллар ҳукмронлик қилган) ва Ҳулоку (1256-65 йиллар ҳукмронлик қилган) улуслари ажралиб чиқиб, мўғуллар сулоласи ҳукмронлиги остида мустақил давлатлар туздилар (Олтин Ўрда, Ҳулокуийлар давлати).

Мункенинг ўрнига таҳтга чиқсан укаси Хубилай (1260-94 йиллар ҳукмронлик қилган) даврида мўғуллар Хитойнинг бутун ҳудудини босиб олишди. Хубилай ва унинг ворислари салтанати Юань деб атала бошлади. 1368 йилда Хитойдаги халқ қўзғолони натижасида мўғуллар у ердан қувилдилар. Куликово жангидан сўнг мўғулларнинг Русдаги ҳукмронлигига ҳам дарз кетди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Эрон, Кавказорти ва Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилди.

XIV асрнинг сўнгти чорагида Мўғуллар давлатини тиклашга ҳаракат қилинди. Аммо бу ҳаракатлар натижа бермади. Даянхоннинг ўлимидан кейин мамлакат Жанубий Мўғулистон ва Шимолий Мўғулистонга бўлиниб кетди. Шимолий Мўғулистон ҳам ўз навбатида ғарбий ва шарқий қисмларга ажралди. XVI асрда Мўғулистон худудида жами 200 ҳокимлик мавжуд эди.

Чингизхон (1206-1227)
Угедей (1227-1241)
Тўрагене (васий сифатида) (1241-1246)
Гуюкхон (1246-1249)
Ўғул-Ғаймиш (васий сифатида) (1249-1251)
Мунке (Мангу) (1251-1260)
Хубилай (1260-1294)
Темур Улжайту (1294-1307)
Қайшан Гулюк (1307-1311)
Айурпарибхадра Буянту (1311-1320)
Суддхиپала Геген (1320-1323)
Эсан Темур (1323-1328)
Аригаба (1328)
Жижжағату Тўқтемур (1328-1329)
Кушила Қутуқту (1329-1332)
Ринчендпал (Иринжипал) (1332)
Тўған Темур (1332-1370)

Чингизхоннинг ўғли Тўлуй авлодлари ҳукмонлиги Мўғулистонда XVII асргача давом этди, Хитойдаги мўғул хонлари ўрнига 1368 йили Мин суоласи вакиллари келди.

ОЛТИН ЎРДА ДАВЛАТИ

XIII асрнинг 40-йиллари бошида Жўжихоннинг ўғли Ботухон (1238-1255) томонидан асос солинган давлат. 1224 йилда Жўжи улуси Хоразм ва Шимолий Кавказдан иборат эди. 1236-40 йилларда Ботухоннинг юришлари натижасида Волга булғорлари юрти, Дашиб Қипчоқ, Крим, Ғарбий Сибирь Олтин Ўрдага қўшиб олинди. Рус княzlари Олтин Ўрдага қарам бўлиб, хирож тўлаб турганлар.

Сирдарёнинг юқори оқими ва Тяньшаннинг ғарбий ён бағридан Днепр дарёсининг қўйи оқимига қадар ёйилган даштлар XI-XV асрларда “Дашиб Қипчоқ”, яъни Қипчоқ дашиб деб аталган. Бу даврда қипчоқлар Иртиш дарёси соҳилларидан ғарбга томон кўчиб (1030 й.) Хоразмга кўшни бўлишган, Қозогистон худуди, шунингдек, жанубий рус даштларини эгаллашган. Дашиб Қипчоқ аҳолиси шарқ манбаларида - половецлар, Византия солнномаларида - куманлар, венгер манбаларида кунлар деб аталган. Дашиб Қипчоқ

Шарқий ва Ғарбий қисмдан иборат бўлиб, Ёйик (Урал) дарёси уларни ажратиб турган. Ғарбий қисм Ёйик ва Итил (Волга) дарёсидан то Днепргача бўлган худуддан иборат бўлган. XIII асрда Дашти Қипчоқни мўғуллар босиб олиб, тарихда Жўжи улуси номи билан машҳур бўлган Олтин Ўрда давлатини барпо этганлар.

XIV аср бошларида ўзаро таҳт талашишлар туфайли Жўжи улуси икки қисмга бўлиниб кетган. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида Оқ Ўрда ташкил топган. XIV асрнинг 60-йилларида шарқий Дашти Қипчоқ “Ўзбеклар мамлакати”, унинг аҳолиси эса “ўзбеклар” деб атала бошланди. XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб шарқий Дашти Қипчоқда Абулхайрхон ва унинг қариндош-уруғлари ҳукмронлик қилган. Дашти Қипчоқнинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим ўтроқ бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё ва қўл ёқаларида яшаган аҳоли дехқончилик, шаҳарлари (Сарой Боту, Сарой Берка, Ўрда Бозор, Сифноқ, Арқуқ)даги аҳоли эса ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Бу даврда халқ оғзаки ижоди, мусика, санъат ва меъморчилик ривожланган.

Олтин Ўрда пойтахти Ботухон даврида Этил (Волга) дарёсининг қуи қисмидаги Сарой Боту шахри эди. Беркахон (1255-66) даврида пойтахт соҳил бўйлаб юқорига - Сарой Беркага кўчирилди. Олтин Ўрда мўғул хонига қарам бўлиб, Ботунинг иниси Берка даврида мустақилликка эришди. Сарой Боту, Сарой Берка, Урганч, Судак, Кофа (Феодосия), Азоқ савдо марказлари эди. Олтин Ўрдани хон бошқарган. Зарурат туғилганда қурултой чақирилган. Давлат ишлари билан бекларбеги, девон ишлари билан вазир шуғулланган. Солик йиғиш доруға ихтиёрида бўлган. Қўшинларга туманбеги, нўён (амир), юзбошилар кўмондонлик қилганлар.

Олтин Ўрда Жўжининг 14 нафар ўғлининг 13 улусидан иборат эди. Улар ўз улусларини мустақил бошқаришга интилганлар. Мустақиллик харакати Мангубек Темур (1266-82) вафотидан кейин кучайди. Тўда Мангубек (1282-87), Тўла Буға (1287-91) хонликлари даврида туманбеги Нўғайнинг нуфузи кўтарилилди. 5 йил орадан ўтгач, яна исён кўтарилилди. Унга Ўзбекхон (1312-42) барҳам берди. У ва вориси Жонибек (1342-57) даврлари Олтин Ўрда ҳарбий салоҳиятининг энг кучайган даври бўлди. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда қуролли кучлари 300 мингга етган. Улуслар вилоятларга айлантирилиб, улар амирлар томонидан бошқарилган, қурултойлар чақирилмай қўйган.

Ўзбекхон Сарой Беркада ва Кримда масжидлар, мадрасалар, саройлар, мақбаралар қурдирган. Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги китобида Дашти Қипчоқни шундай таърифлайди: “Бу ерлар ёлғиз тоторларники бўлиб, турли-туман чорвалари кўп ва турк қабилалари билан тўлиқ; унинг чегаралари муҳофаза этилган, ён томонлари маъмур, теварак-атрофлари бепоён, сув ва ҳавоси соф. Даштнинг халқи довюрак, қўшинлари - мерган ёйчилар, (бошқа) туркларга нисбатан уларнинг лаҗжалари тўғрироқ ва улардан кўра

қалблари софрок, юзлари ҳуснлироқ, чиройлари баркамолрок. Аёллари қуёш, эркаклари тўлин ой мисоли... Баракаҳон ҳузурида, ундан кейин Ўзбек ва Жонибекхон ҳузурида Мавлоно Қутбуддин аллома ар-Розий, шунингдек, Шайх Саъдуддин Тафтазоний ва “Хожибия”нинг шарҳловчиси Сайид Жалолуддин ва улардан бошқа ҳанафийлар ва шофеийларнинг фозил кишилари бор эди. Сўнгра, улардан кейин Мавлоно Ҳофизуддин ал-Баззозий ва Мавлоно Аҳмад ал-Хўжандий бор эдилар. Ушбу саййидларнинг воситаси билан Сарой илму фаннинг маркази, бахту саодат манбаи бўлиб қолди ва қисқа муддатда у ерда олимлар, фозиллар, адиблар, зарифлар, етук кишилар ва фазилат соҳиблари, ажойиб ва гўзал хислатли кишилардан шунчалик (кўп) даражада йиғилдики, у ердан бошқа ҳеч бир жойда, ҳатто Мисрнинг(Қохиранинг) жомеъ масжиди ва унинг шаҳарларида ҳам шунчалик йиғилмаганди.”

Лекин ички зиддиятлар 1357 йили Жонибекнинг ўлдирилиши билан яна юзага чиқди. 1380 йилгача 25 марта хон алмашди. XIV асрнинг 60-йилларида Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди. Польша ва Литва давлати Днепр дарёси ҳавзасини босиб олди. Ҳожитархон (Астрахань) хонлиги ташкил топди. Фақат Тўхтамиш даврига (1380-95) келиб исёнлар тўхтади. 1382 йили у Москвани эгаллаб, ўт қўйди. Ботухон авлодлари бошқариб келган Оқ Ўрдани ва Ўрда авлодлари қўл остидаги Кўк Ўрдани бирлаштириди. Мовароуннаҳр худудига бир неча бор бостириб кирди. Бунга жавобан Амир Темурнинг 1389, 1391, 1395-96 йилларда Тўхтамишга қарши юришлари натижасида Олтин Ўрдага жиддий зарбалар берилди.

Тўхтамиш вафотидан кейин Олтин Ўрдада ҳокимият амалда ғайратли “сарой бошқарувчиси” Эдигей қўлига ўтди. Аммо 1419 йили Эдигей вафот этгач, ўзаро таҳт талашишлар туфайли бу давлат аста-секин парчаланиб кетди. XV асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, 40-йилда Нўғай Ўрда, 1438 йили Қозон хонлиги ташкил топди. 1480 йили Аҳмад Русни бўйсундиришга уринди, аммо бунга эришолмади. 1502 йили Қrim хони Менгли Гирей Олтин Ўрдани батамом тор-мор қилди.

Кўпгина тарихий манбаларда Олтин Ўрда мўғул давлати дейилган. Аслида эса бу давлат бошқаруви ва армиясининг ўзагини қарлук, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларида сўзлашувчи туркий қабилалар ташкил этган. Айниқса, хоразмликлар саройдаги турли вазифаларда ва вилоятлар бошқарувида фаол иштирок этганлар. Бу даврда адабий тил туркий тилнинг Чағатой лаҗжаси эди. Расмий ёзишмаларнинг катта қисми ана шу тилда уйғур ҳарфлари билан битилган. Олтин Ўрда хонлари ҳам асосан шу тилда сўзлашганлар. Машхур араб сайёхи Ибн Баттута ўз хотираларида Ўзбекхон (1290-1312) ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Тармасирин (1326-1334) туркий тилда сўзлаганларини ёзиб қолдирган. У Азақ (Азов) шаҳри ҳокими, амир Муҳаммад Ҳожи Ал-Хоразмий билан ҳам учрашган.

Олтин Ўрда аҳолисининг Ислом динини қабул қилишида Ўрта Осиёлик тасаввуф шайхлари ва сайёр дарвешларнинг роли катта бўлган. Машхур тасаввуф шайхи Занги Ота ўзининг шогирди Саид Отани шу мақсадда Олтин Ўрдага жўнатган. Ўзбекхон унинг ташвиқи билан Ислом динини қабул қилган ва бу дин асосларини қаттиқўллик билан жорий этган. Бунга қаршилик қилган шаҳзода ва беклар қатл қилинган.

Мирзо Улугбекнинг “Тарихи арбаъ улус”(Тўрт улус тарихи) номли китобида қўйидагиларни ўқиймиз: “Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзининг эл-улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайд Отанинг файб ишорати ва Оллоҳнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Сайд Отага (унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) кулоқ солишдан бўйин товлаганлар бу саодатдан бебаҳра ҳолда у ерда (Дашти Қипчоқда) қолдилар ва “қалмоқ” деган номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси “қолган” демакдир. Ҳазрати Сайд Ота (унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароуннаҳрга келган кишилардан : “Бу келган ким?” деб сўрардилар. Уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун уларни “ўзбек” деб атадилар. Шу сабабдан ўша замондан бошлаб Мовароуннаҳрга келган кишилар “ўзбек” деб атала бошланди. Дашти Қипчоқда қолиб кетган кишилар эса “қалмоқ” бўлдилар”.

Бу даврда Марказий Осиёда яшаган аҳоли қабилалар номи билан ёки умумий “турк” деган ном билан аталган. XVI аср бошларида Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан маҳаллий аҳоли таркибида “ўзбек”ларнинг нуфузи ортган ва аста-секин бу ном туркий аҳолининг умумий номига айланган.

Таниқли рус олими, туркий халқлар тарихи бўйича йирик мутахассис Лев Гумилёв шундай ёзади: “Олтин Ўрдада ҳам этногенез жараёнлари бораради. Жўчи улусининг 20 минг мўғул аҳолиси уч Ўрдага ёйилиб кетди: Ботухон авлодлари томонидан бошқарилаётган Волга бўйидаги Катта, ёки Олтин Ўрдага; Ботухоннинг акаси Ўрда Иченга берилган Иртиш дарёси бўйидаги Оқ Ўрдага; Орол денгизидан Тюменга қадар ҳудудда кўчиб юрган Шейбанхоннинг Кўк Ўрдасига. Бундай тарқоқликдан кейин тез орада дезинтеграция ҳолати рўй берди. XIV аср бошларига келиб мўғуллар қипчоқлар билан шу даражада аралашиб кетдиларки, улардан фарқланмай қолдилар”.

Аслида бу жараён анча илгари бошланган эди. X-XII асрларда Мўғулистон пасттекислигига яшаган аҳолининг тўртдан уч қисмини туркий қабилалар ташкил этган. Қиёт, қўнғирот, найман, барлос, мангит сингари уруғлар катта нуфузга эга бўлган. Қозоқ олимларининг фикрича, Чингизхон ҳам туркийлашган мўғул эди. У ҳам, ўғиллари ҳам асосан туркий тилда сўзлаганлар. Чингизхоннинг

онаси ва катта хотини қўнғирот уруғидан бўлган. Анъанага кўра, ўғилларининг ҳам катта бекалари шу уруғдан танланган.

Ботухон юришидан кейин у билан бирга борган туркий қабилалар Дасти Қипчоқдаги яйловлардан макон топдилар ва маҳаллий қипчоқ қабилалари билан қўшилиб кетдилар. Саройдаги иш юритувчилар, мирзалар, лашкарбошиларнинг асосий қисми туркийлардан бўлган. Бу эса туркий тилни кенг муомала тилига айлантирган.

Таникли рус тарихчиси А.П.Григорьев бу хақда шундай ёзади: “Ўша пайтда(ХIII-XIV а.) Олтин Ўрдада сўзлашув ва ёзув тили бўлган қипчоқ, яъни туркий тилни католик миссионер монахлар яхши билишарди... Маълумки, 1221 йилдаёқ доминикан монахлари Дасти Қипчоқда фаол иш олиб борарадилар, 1228 йилда эса бу ерда ўзларининг епископликларини курган эдилар. Маҳаллий туркий тилли аҳоли билан бевосита муомала монах-миссионерлардан туркий тилни билишни тақозо этарди. Олтин Ўрдада католик миссионер монахлар томонидан машҳур “Кодекс куманикус” – лотин-форс-қипчоқ тиллари луғати тузилган эди. 1303 йилда битилган бу асар кейинроқ Венецияда топилди”.

Бу фикрга бироз аниқлик киритиш лозим бўлади. Гарчи ўша пайтда сўзлашувда қипчоқ лаҳжаси қўлланган бўлса-да, расмий ёзишмалар ва адабий матнларда Чагатой лаҳжаси, яъни эски ўзбек тили қўлланган. Бунга талайгина мисоллар бор. Олтин Ўрдада яшаб, ижод этган Қутб Хоразмий Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини форс тилидан таржима қилиб, Ўзбекхоннинг ўғли Тинибекка бағишлийди. Бошқа бир Хоразмийнинг “Мұхаббатнома” достони эса Олтин Ўрда хони Жонибекнинг яқин одамларидан Мұхаммад Хўжабекнинг таклифи билан 1353 йили ёзилган. Достонда айтилишича, у “туркий тилда бир китоб ёзиг беришни” илтимос қилган. Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий” (1391) асари ҳам шу даврда яратилган. У маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагонлар илтимосига қўра Саъдийнинг “Гулистон” асарини шу ном билан туркий тилга таржима қилган. Сарой шахрида, бир муддат Мисрда ҳам яшаган Сайфи Саройи 1394 йили “Сухайл ва Гулдурсун” номли достон ҳам ёзган.

Ўша даврда Олтин Ўрда ва Миср давлати ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Қора денгиз ва қуруқлик орқали савдо-сотиқ ва борди-келдилар йўлга қўйилган. Чунки Миср ҳукмдорлари бўлган Баҳрийлар сулоласи (1250-1390) вакиллари Дасти Қипчоқдан чиққан туркийлардан бўлиб, Миср сultonи Малик ан Носир Олтин Ўрда маликаларидан бирига уйланган эди. Миср сultonининг Ўзбекхон саройидаги элчиси Аловиддин Ойтужди ал-Хоразмий икки давлат муносабатларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган. 1398 йили Абдул ибн Қодир исмли шахс Олтин Ўрдалик бир гурӯҳ туркийзабон шоирларнинг шеърларини Мисрда

китобат қилган. Бу воқеа Мисрдаги сарой доираларида ҳам туркий тилли адабиёт муҳлислари бўлғанлигидан далолат беради.

Олтин Ўрдада вужудга келган адабий анъаналар то XX асрнинг бошларига қадар давом этган. Таниқли рус тилшунос олим Олег Мудрак бу ҳақда шундай деб ёзди: “Волгабўйи худудида XX асрнинг 20-йилларига қадар Чагатой лаҳжаси асосида шаклланган адабий тил – “Волгабўйи туркийси” амалда эди. Чагатой тили - Чагатой улуси, яъни ҳозирги Ўрта Осиёнинг тилидир. Бу туркий халқнинг, унинг авлоди бўлған ўзбек халқининг тилидир”.

Таниқли турк адабиётшунос олим Аҳмад Бижан Эржиласун туркий тилларнинг кейинги ривожини шундай тавсифлайди: “Турк тили XIII асрдан кейин икки ёзув тили сифатида давом этди. Бири Шимоли-шарқда, бугунги Туркистон ва Эдил-Урал худудида Чагатой туркчаси сифатида ҳамда Анатолия ва Озарбайжонда Фарб туркчаси сифатида XIX асргача келди. Аммо биздаги турклар Навоийни ўқидилар ва тушундилар. Навоийни тўлароқ тушуниш учун “Абушқа” деган лугат туздилар. Ҳатто Навоийга Чагатой туркчасида назиралар ёздилар. Анадолу шоирларининг асарларини эса улар ўқидилар. Бизнинг катта шаҳарларимизда, хусусан Истанбулда Навоийнинг бир олам қўлёзмалари бор”.

Хулоса қилиб айтганда, Олтин Ўрданинг расмий ва адабий тили турк тилининг Чагатой лаҳжаси бўлған. Чагатой лаҳжаси заминида эса ҳозирги ўзбек тили шаклланган. Қолаверса, Даشتி Қипчоқ билан Марказий Осиё туркий халқлар яшайдиган худуд сифатида асрлар давомида узвий алоқада бўлиб келган, ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар узлуксиз давом этган.

Олтин Ўрда хонлари

Ботухон (1238-1255)

Сартак (1255)

Улоқчи (1255)

Барака (Берке) (1255-1266)

Мангу (Монгке) Темур (1266-1282)

Тўда Мангу (1282-1287)

Тўла Буға (1287-1291)

Гиёсиддин Тўхта (1290-1312)

Гиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхон (1312-1342)

Танибек (1342)

Жонибек (1342-1357)

Муҳаммад Бердивек(1357-1359)

Кулпа(1359)

Муҳаммад Наврўзбек(1359-1360)

Келдивек (1360-1362)

Хизирхон (1360)

Мурид (1360-1363)

Ўрду Малик (1361)
Темур Хўжа (1361)
Азиз Шайх (1364-1367)
Алибек (1374-1375)
Ғиёсиддин Қоғонбек (1375)
Арабшоҳ (1374-1378)
Мамай (Бекларбеги) (1361-1380)
Абдуллоҳ (1361-1370)
Муҳаммад Булоқ (1370-1377)
Тулак (1377-1380)
Гиёсиддин Тўхтамиш (1375-1378, 1380-1395)
Эдигей(Бекларбеги) (1376-1389, 1391-1409)
Темур Қутлуғ (1395-1399)
Шодибек (1399-1407)
Пўлат (1407-1410)
Темур (1410-1412)
Жалолиддин (1412-1413)
Каримберди (1413-1414)
Жабборберди (1414-1418)
Қодирберди (1418-1421)
Улуг Муҳаммад (1419-1420, 1421-1423, 1426-1437))
Давлатберди (1420-1421)
Ғиёсуддин (1421-1423)
Барак (1423-1426)
Кичик Муҳаммад (1428-1459)
Махмуд (1459-1465)
Аҳмад (1465-1481)
Муртазо (1481-1485, 1487-1491))
Сайд Аҳмад (1485-1487)
Шайх Аҳмад (1491-1502)
Ҳожи Муҳаммад (1514-1516)

ЧАҒАТОЙЛАР ДАВЛАТИ
(Мовароуннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистон)
(1227-1370)

Тарихчи Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Чингизхон ўз ўлимидан бироз олдин, яъни 1226 йилнинг баҳорида босиб олган мамлакатларини ўғиллари ўртасида тақсимлади. Шунга кўра, ўғли Чағатойга Тянь-Шан тоғининг ҳар икки томонига ёйилган ҳудуд – Еттисув, Кошғар, Мовароуннаҳр ва Хурсон улус қилиб берилди. 1227 йили Чингизхон вафот этганида унинг авлодлари ичida тирик фарзандларидан энг каттаси бўлган Чагатойнинг обрўйи ниҳоятда баланд эди. У Ислом динига қарши ашаддий курашчи ва мўфул

Ясаларининг(қонунлари) йирик билимдони эди. Аммо қаттиққўллиги ва бераҳмлиги туфайли Чингизхон уни эмас, балки Угедейни ўзига ворис қилиб тайинлади.

Чағатой улуси давлат сифатида кейинроқ шаклланди. Чунки Чағатой ҳаётлик вақтида улус таркибидаги мўғул хонликлари орасида аниқ белгиланган чегаралар йўқ эди. Мовароуннахр Чағатойга берилган бўлса-да, амалда Угедей бу ҳудудни бошқаришни хўжандлик бой савдогар, Чингизхондан Хоразмга элчи бўлиб келган Маҳмуд Ялавочга топширганди. Саройни бошқариш вазифаси эса барлос уруғининг каттаси Қорачор нўёнга (Амир Темурнинг катта бобосига) юкланди. Чунки у Чағатойхоннинг қизига уйланган эди.

Чағатой улусининг пойтахти Шарқий Туркистондаги Олмалиқ ва Гулжа шаҳарлари яқинидаги Қуёш шаҳарчаси эди. Чағатой 1243 йили вафот этганидан кейин авлодлари ўртасида ҳокимият учун кураш авж олди. Ўзаро қирғинларга қарамасдан унинг авлодлари хукмронлиги 260 йилдан ортиқроқ давом этди. Тарих сахнасига Соҳибқирон Амир Темур чиқиши билан Мовароуннахр ўз мустақиллигини қўлга киритди ва Чағатой улуси 1508 йилгача факат Еттисув ва Кошғар ҳудудидан иборат бўлиб қолди.

Чағатой хонларидан Муборакшоҳ(1266) ва Бароқхон(1266-1271) қўл остидаги қабилалар билан Еттисувдан Мовароуннахрга кўчиб келадилар. Муборакшоҳ Оҳангарон воҳасига, Бароқхон эса Чағониён ва Қашқадарё воҳасига келиб ўрнашди. Бу ҳол Чағатой улусининг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Шу вақтдан бошлаб, улуснинг шарқий ва шимолий-шарқий қисмида қолган турк ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса Мўғулистон деб атай бошладилар. Мовароуннахрга кўчиб кетган қабилалар эса чағатоийлар номи билан машҳур бўлди.

Аслида, Сурхондарё ва Қашқадарё соҳилларидағи кўм-кўк водийлар, атрофдаги чексиз адир ва чўллар катта қўшинни жойлаштириш ћамда Хуросон ва Эронга ўтадиган йўлни назорат қилиш жиҳатидан қулайлиги туфайли Чингизхонга ҳам маъқул келган эди. Шу сабабли у 1220 йил ёзини Насафда ўтказганди.

Бу анъана кейинги йилларда ћам давом эттирилди. Чағатоийлардан Кебекхон (1318-1326) ва Қозонхон (1347 йили ўлдирилган) Насафни пойтахт шаҳарга айлантирилар. Бу ерда ўзлари учун саройлар қурдилар. Шаҳардан 2 фарсах нарида ќурилган Кебекхон саройидан шаһарнинг ћозирги номи пайдо бўлган (Қарши – турк ва мўғул тилларида “сарой”, “ўрда” демакдир). Тарихчиларнинг ёзишича, Қозонхон саройи шаҳардан ғарбга томон икки манзиллик йўлда тикланган бўлиб, Занжирсарой деб аталган. У 1387 йили Тўхтамиш аскарлари томонидан ёқиб юборилган.

Кебекхон ўзи амалга оширган ислоҳотлари билан тарихда қолган. У Чағатой улусини ҳарбий-маъмурий округларга бўлиб

чиқди. Бу округлар Мовароуннахорда “туман”, Кошғарда “орчин” деб аталган. Туманларга турк-мұғул аслзодалари раҳбар қилиб тайинланған. Натижада марказлашған давлат вужудға келған. Савдосотиқни ривожлантириш учун Кебекхон янги тангалар – динор ва дирҳамларни муомалага чиқарған. Халқ тилида улар “кебеки” деб аталған. Қашқадарёда ҳозиргача пулни “капаки” деб аташади.

Мұғуллар Мовароуннахрга күчиб кетған қабилаларни қораунас (дурагай), улар эса мұғулларни жете (қароқчи, талончи) деб атардилар. 1348 йилда Җағатай наслидан бўлған Туғлуқ Темур хон қилиб кўтарилди. Туғлуқ Темур вафотидан (1363) сўнг, Амир Қамариддин ҳокимиятни қўлга олди. Қамариддиннинг ҳукмронлик йилларида Амир Темур Мўғулистанга 7 марта қўшин тортган. Қамариддин Темур қўшинларининг таъқиби остида бир қисм навкари билан шимолга қочиб кетди. Тахтга Хизрхўжа ўтирган. Хизрхўжа Темурнинг Эрон ва Ироқ юришларида банд бўлганлигидан фойдаланиб, Мўғулистанда тартиб ўрнатиш ва марказий ҳукуматни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди, кейинчалик (1397) у билан қариндош бўлиб (Темурга қизи - Туман оғани берган), ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Хизрхўжа вафотидан сўнг унинг ўғли Шаъми Жаҳон ҳокимиятини қўлга олди (1399). 1408 йили Шаъми Жаҳон вафот этгач, тахтга ўтирган укаси Муҳаммадхон даврида Мовароуннахр қўшинлари Қашқарни эгаллаганлар (1416). Муҳаммадхондан кейин тахтга ўтирган Шаъми Жаҳоннинг ўғли Нақши Жаҳон Хитой ва Темурийлар салтанати ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш йўли билан ҳокимиятини сақлаб қолмоқчи бўлди. Лекин, у 1418 йилнинг бошларида Шералининг ўғли Вайсхон томонидан ўлдирилди.

Вайсхон ҳукмронлик йилларида мулқдорлар орасида кураш янада кучайди. Мулқдорларнинг бир гурухи Вайсхон, яна бир гурухи Муҳаммадхоннинг ўғли Шермуҳаммадхон атрофида уюшган эди. Бу курашда Вайсхон ва унинг тарафдорлари қўли баланд келди. Шермуҳаммадхон Самарқандга қочиб кетди ва 1421 йили Улуғбекнинг ёрдами билан ҳокимиятни Вайсхондан тортиб олди. Лекин орадан 3-4 йил ўтгач, у Улуғбек ҳукуматига бўйсунмай қўйди. Натижада 1425 йили Улуғбек катта қўшин билан Мўғулистанга юриш қилиб, ҳокимиятни Вайсхонга топширди. Ана шу йили Қашқар Мўғулистандан ажратилиб, Самарқандга бўйсундирилди.

Вайсхон вафотидан сўнг унинг икки ўғли ўртасида тахт талашиш бошланди. Юнусхон ва Эсанбуқа ўртасидаги ўзаро курашда Эсанбуқа ғолиб чиқди. Вайсхоннинг катта ўғли Юнусхон эса 1434 йили ўз тарафдорлари билан Улуғбек хузурига бошпана сўраб келди. Улуғбек Юнусхонни кўп ўтмай Йиротга, отаси Шоҳруҳ Мирзо Ҳузурига жўнатди. Шоҳруҳ эса хонзодани Шарафиддин Али Яздий тарбиясига берди. Юнусхон 12 йил давомида бу закий инсондан чуқур ва ҳар томонлама билим олди. Яздий вафот этгач,

Ироқ ва Форс ўлкаларида турли касб ва хунар сирларини ўрганди, сўнгра Шерозда яшаб, ижод ва илм аҳли мажлисларида қатнашди.

Абулқосим Бобур вафотидан (1457) сўнг Султон Абу Саид ибн Мироншоҳ Хурросон ва Эронни ўз тасарруфига киритди. У Юнусхонни асл ватани бўлган Мўғалистонга хон қилиб жўнатди. Бу пайтда у 40 ёшда эди. Юнусхон бу яхшиликни умрбод унутмади ва Султон Абу Саид билан қариндошлик ришталарини боғлашга интилди. Шу ниятда у уч қизини Абу Саиднинг уч ўғлига – Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва Умаршайхга(Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси) турмушга берди. 1468 йили Абу Саид вафот этгач, Султон Аҳмад Самарқандда, Умаршайх Фарғонада, Султон Маҳмуд эса Ўисор, Қундуз ва Бадахшонда ћукмдорлик қилдилар.

Юнусхон ҳаётининг сўнгги йилларида Мўғалистондаги ўзаро таҳт талашишлардан безиб, Ўрта Осиёга қайтиб келган. У 1485-1487 йиллари Тошкент шаҳри ва вилоятига ҳокимлик қилган ҳамда бир қатор иншоотларнинг қурилишида бош-қош бўлган. У Шайх Хованд Тоҳур қабристонига дафн этилган.

Юнусхон вафотидан сўнг хон қилиб қўтарилган султон Махмудхон фақат номигагина Мўғалистон хукмдори ҳисобланарди. Аслида эса бу мамлакат майда-майда қисмларга бўлинниб кетган эди.

- Чағатой (1227-1243)**
- Қара Хулагу (1243-1247)**
- Есю Мунгке (1247-1252)**
- Қара Хулагу, 2-марта (1252)**
- Ўркина хотун (1252-1261)**
- Алугу (1261-1266)**
- Муборакшоҳ (1266)**
- Бароқхон (1266-1271)**
- Негубей (Никпай) (1271-1272)**
- Тўқа Темур (1272-1291)**
- Дува (1291-1306)**
- Кунчек (1306-1308)**
- Талиқу (1308-1309)**
- Кебекхон (Кўпекхон) (1309)**
- Эсен Буқа (1309-1318)**
- Кебекхон(Кўпекхон), 2-марта (1318-1326)**
- Элжигидей (1326)**
- Дува Темур(1326)**
- Алоуддин Тармаширин (1326-1334)**
- Чангши (1334)**
- Бузан (1334-1338)**
- Эсан Темур (1338-1342)**
- Муҳаммад (1342-1343)**
- Қозонхон (1343-1347)**

Донишмандчи (1347-1348)
Баёнқули (1348-1359)
Шоҳтемур (1359)
Туғлуқ Темур (1359-1363)
Илёс Хўжа (1363-1368)
Қамариддин (1368-1390)
Хизр Хўжа (1390-1399)
Шамси Жаҳон (1399-1408)
Муҳаммадхон (1408-1415)
Нақши Жаҳон (1415-1418)
Увайсхон (1418-1421)
Шер-Муҳаммад (1421-1428)
Увайсхон (1425-1429)
Эсанбуқа (1429-1462)
Юнусхон (1462-1485)
Махмудхон (1485-1508)

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ (1370-1506)

Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) асос солган йирик ва қудратли салтанат. Дастреб Мовароуннаҳр ва Хоразмда вужудга келган давлат унинг 1380-1402 йиллардаги ҳарбий юришлари натижасида Эрон, Ироқ, Олтин Ўрда, Туркия, Озарбайжон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмигача ёйилди. У барча туркий қавмларни ягона салтанатга бирлаштиришни орзу қилган эди.

Амир Темур Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида (ҳозир Яққабоғ тумани худудида) таваллуд топган. Унинг онаси бухоролик Такина хотун, отаси эса барлос уруғининг ва Ҷағатой улусининг эътиборли бекларидан бири бўлган Амир Тарағай баҳодир эди. Унинг ота-боболари Кеш вилоятида ҳокимлик қилиб келишган.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари XIV асрнинг 60-йилларидан бошланди. Бу пайтда мамлакатда парокандалик бошланган, у ўнга яқин мустақил бекликларга бўлинниб кетган эди. Ҷағатой улусининг шарқий қисми – Еттисув ва Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилаётган мўғул хонлари Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, бу

ерда ўз ҳокимиятларини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Аммо Амир Темурнинг саркардалик қобилияти ва қийин вазиятларда тўғри йўлни топа билиши ўз самарасини берди. Ҳокимиятпаст чингизий бекларга қарши жанглар якунида – 1370 йилнинг 11 апрелида у Мовароуннаҳр амири бўлди. Гарчи анъанага қўра чингизийлардан Суорғатмишон мамлакат хукмдори деб эълон қилинган бўлса-да, амалда бутун ҳокимият Амир Темур қўлида эди. У катта ғайрат билан мамлакат иқтисодий ва ҳарбий қудратини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширди. Бу эса Темурийлар салтанатини дунёдаги энг кучли давлатлардан бирига айлантириди.

Амир Темур хукмронлик қилган йиллари унинг давлатига қарашли ўлкалар тўрт қисмга бўлинган: Хурросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон (маркази Ҳирот) — Шоҳрухга, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (Маркази Табриз) — Мироншоҳга, Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) — Умаршайхга, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Ғазна, кейинчалик Балх) — Пирмуҳаммадга суорғол қилиб берилган эди.

Амир Темур Хитой устига ҳарбий юриш пайтида 1405 йил 18 февраль куни Ўтрор шаҳрида вафот этди. Унинг вафотидан кейин ворислар ўртасида ҳокимият учун ўзаро курашлар бошланди. 1405-1408 йилларда Балх, Хурросон, Сейистон, Кермон ва Озарбайжонда темурий шаҳзода ва амирларнинг бир қатор исёнлари рўй берди. 1407 йил 22 февралда Амир Темур томонидан тайинланган валиаҳд Пирмуҳаммад ана шундай ғалаёнлардан бирининг қурбони бўлди. 1408 йил 22 апрель куни қорақўюнли туркманлари етакчisi Қора Юсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлди. Натижада Озарбайжон ва Ироқ ҳудуди темурийлар қўлидан кетди.

XV асрнинг 20-йилларида бу улкан мамлакат 2 давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жанубда жойлашган бўлиб, уни Шоҳруҳ бошқарган (маркази Ҳирот). Иккинчиси эса, Амударёдан шимолда - Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келиб (пойтахти Самарқанд), уни Улуғбек идора этган.

Улуғбек отаси Шоҳруҳнинг кўмаги билан аввал (1413) Хоразмни, сўнгра (1415) Фарғона ва Қашғарни ўз тасарруфига олиб, давлатининг ғарбий ва шарқий чегаралари хавфсизлигини таъминлаган бўлса-да, аммо унинг шимоли ва шимоли-шарқий томонлари хавотирили эди. Шу боисдан XV асрнинг 30-40 йиллари у отаси Шоҳруҳ билан бирга Дашиби Қипчоқда Абулхайрхонга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлади. Чунки кўчманчи чорвадорлар Мовароуннаҳр вилоятларига муттасил бостириб киар ва ўтрок аҳолини ғорат қиласи эди. Улуғбек Мовароуннаҳрни идора этиш, ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани ҳал этишда отаси

билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг рози-ризолиги билан ҳал этарди.

Шоҳруҳ 1447 йил 12 март куни невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳ вафотидан сўнг Хурросон ва Мовароуннахрда темурий шахзодалар ўртасидаги низолар яна авж олади. Бу кураш оқибатида замонасининг машҳур олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали суратда ҳалок бўлади. Улуғбек Мовароуннахрни 40 йил (1409-49) идора этган эди.

Улуғбек фожиасидан сўнг таҳтга чиққан Абдуллатиф ўлдирилгач, Самарқандда Улуғбекнинг куёви Абдуллоҳ Мирзо, Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Султон Абу Саидлар подшоҳ қилиб кўтарилади. Абдуллоҳ Мирзо мамлакат барқарорлигини тиклаш учун барча чораларни кўради, аммо Темурийлар таҳтида узоқ вақт ўтира олмайди. Аввал у амакивачаси Абу Саид билан курашади. Ўзаро жангларнинг бирида Абдуллоҳ Мирзо ҳалок бўлади. Абу Саид Абулхайрон ёрдамида Самарқандни эгаллаб, Мовароуннахрга ҳоким бўлиб қолади.

Темурийлар мулкининг Хурросон қисми бу даврда Шоҳруҳнинг набираси Абулқосим Бобур тасарруфида эди. 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этгач, Абу Саид Ҳирот шаҳрини эгаллаб, салтанатнинг ҳар 2 қисмини бирлаштиради. Бу даврда Султон Ҳусайн Бойқаро (Умаршайх мирзонинг чевараси) Хоразмни эгаллаб олади.

1469 йил баҳорида Абу Саид Озарбайжонда Узун Ҳасан билан жангда ҳалок бўлгач, Абу Саиднинг ворислари Султон Ҳусайн билан тўқнашмай Мовароуннахрга қайтадилар. 1469 йилнинг 24 марта Султон Ҳусайн Хурросон ҳокими сифатида Ҳирот таҳтини эгаллайди. Натижада Темурийлар давлати яна 2 мустақил қисмга бўлинib кетади.

Мовароуннахрда Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо ва Умаршайх Мирзо ҳокимлик қиласидилар.

Султон Ҳусайн Бойқаро идора қилган давлат эса Шарқий ва Шимолий Эрон вилоятлари ҳамда Хоразмни бирлаштирган бўлиб, темурийларнинг қарийб 40 йил хукм сурган сўнгги йирик салтанати эди. Хурросонда бетўхтов давом этган ўзаро урушларга, шахзода ва амирларнинг турмуш тарзи ва маданий ҳаёти Мовароуннахрга нисбатан юксакроқ эди. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби шоирлар, мусаввир Беҳзод ижоди шу даврда камол топди.

Амир Темур ва темурийлар салтанати Ўрта Осиё давлатчилиги тарихининг энг порлоқ давридир. Бу даврда

яратилган моддий ва маънавий ёдгорликлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарлари, “Темур тузуклари”, Соҳибқироннинг ўз қўли билан битилган “Темур қиссаси” замондошларимиз томонидан севиб мутолаа қилинмоқда.

Соҳибқироннинг набираси Муҳаммад Тарагай Улуғбек (1394-1449) жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган сиймолардан биридир. Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқандда 2 та кўркам мадраса қурилди. Уларда диний илмлар қатори дунёвий фанлардан ҳам сабоқ берилган. Бошқа машхур олимлар қатори унинг ўзи ҳам ҳафтада бир маротаба бу мадрасаларда ёшларга дарс берар эди. Кейинчалик Бухоро ва Фиждувонда ҳам мадрасалар қурилди, Самарқанддаги Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда ва Регистон мажмуалари қурилиши поёнига етказилди. Бошқа шаҳарларда ҳам карvonсаройлар, тим, чорсу, ҳаммом ва бошқа иншоотлар барпо этилди.

Улуғбек кўп қиррали истеъод соҳиби эди. У айниқса адабиёт, тарих, математика, астрономия соҳаларига қизиқкан. Унинг энг буюк ишларидан бири - Самарқанд шаҳрида ўзига хос Академия ташкил этганидир. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олим Улуғбек раҳбарлигига фаннинг турли соҳалари бўйича изланишлар олиб борган. Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад), Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Кушчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий), Низомиддин Абдул Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биржандий, Мавлоно Ҳавофий каби олимларнинг аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва илмий хуносалари салмоқли бўлган. Улар Хоразм Маъмун академияси анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Темурийлар давлати Ўрта Осиё тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган. Бу даврда ички ва ташқи савдо, Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан дипломатик алоқалар кенг йўлга қўйилган. Кўплаб масжид, мадраса ва мақбаралар бунёд этилган, каналлар қазилиб, суформа дехқончилик ривож топган. Соҳибқирон Амир Темурнинг авлодлари бир неча юз йил давомида саркарда, давлат ва жамоат арбоби, шоир ва олим сифатида мамлакат равнақига катта улуш қўшдилар.

Аммо мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кучайиб бораётган кескинлик, Дасти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннахрга тўхтовсиз ҳамлалари темурийлар сулоласининг инқирозини тезлаштириди.

Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар 1500 йили Мовароуннахрни, 1507 йили эса Хурсонни эгалладилар.

Темурийлар салтанати ҳукмдорлари (Мовароуннахр ва Хурсонда)

**Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1370-1405)
Шоҳруҳ ибн Темур (1409-1447)
Улуғбек ибн Шоҳруҳ (1447-1449)
Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1458-1469)**

*Мовароуннахрда
(пойтахти Самарқанд)*

**Халил Султон (1405-1409)
Улуғбек ибн Шоҳруҳ (1409-1449)
Абдуллатиф (1449-1450)
Абдуллоҳ Мирзо (1450-1451)
Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451-1469)
Султон Аҳмад ибн Абу Саид (1469-1494)
Султон Маҳмуд ибн Абу Саид (1494-1498)
Султон Али Мирзо(1498-1500)**

*Хурросонда
(пойтахти Ҳирот)*

**Шоҳруҳ ибн Амир Темур (1396-1447)
Улугбек ибн Шоҳруҳ (1447-1449)
Абулқосим Бобур (1449-1457)
Шоҳ Маҳмуд Мирзо (1457-1458)
Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1458-1469)
Ёдгор Муҳаммад (1470)
Ҳусайн Бойқаро (1469-1506)
Бадиуззамон ибн Султон Ҳусайн (1506-1507)
Музаффар Мирзо (1506-1507)**

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ (1526-1858)

Соҳибқирон Амир Темурнинг эвараси, Фарғона вилоятининг ҳокими Умаршайх Мирзонинг ўғли Захириддин Муҳаммад Бобур Шайбонийлар таъқибидан Афғонистонга қочиб бориб, 1504 йили уни забт қилди ва мустақил давлат тузди. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним Мўғулистон² хони, кейинчалик Тошкент ҳокими бўлган Юнусхоннинг қизи эди.

² Ҳозирги Мўғулистондан фарқли ўлароқ, Еттисув ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган бу давлат ахолисини асосан туркий қабила ва уруғлар ташкил этган.

1517 йилдан бошлаб Дехли султонлигига ички низолар авж олиб, султонлик инқирозга юз тутди, маҳаллий ҳокимлар марказий хукуматга бўйсунмай қўйди. Лоҳурда Давлатхон, Дехлида Иброҳим Лўдий, Меварда Рано Санго мустақиллик эълон қилдилар. Бобур бундан фойдаланиб, 1519 ва 1524 йиллари Кобулдан Панжобга юриш қилди ва катта ўлжалар олиб қайтди. 1525 йил Рано Санго ўз рақиби Иброҳим Лўдийни енгиш ва шу тариқа Шимолий Ҳиндистонни қўлга киритиш мақсадида Бобур билан иттифоқ тузди. Бобур яна Ҳиндистонга юриб, 1525 йил кеч кузида Панжобни бўйсундирди. 1526 йилнинг апрель ойида эса Панипат ёнида бўлган жангда Иброҳим Лўдийни енгиб, Агра ва Дехлини эгаллади. Бобур илгариги фотихлар сингари Ҳиндистонни ташлаб чиқмай, шу ерда қолишга қарор қилди. У 1527 йилнинг март ойида Сикри ёнида бўлган жангда Рано Сангони ҳам енгиб, бутун Шимолий Ҳиндистонни бўйсундирди.

Бобур 1530 йил декабр ойида 47 ёшида вафот этди. У вафотидан олдин эгаллаган ҳудудларини ўғилларига тақсимлаб берди. Ҳиндистон тўнғич ўғли Ҳумоюнга, Панжоб Комрон Мирзога, Кобул ва Қандаҳор Аскарий Мирзога, Бадаҳшон Ҳиндол Мирзога берилди.

Ҳумоюн ўз мулкини кенгайтириш мақсадида 1534 йили Гужарот ва Бихарга юриш қилди. Аммо афғон сур қабиласининг нуфузли етакчиларидан Шерхон билан бўлган жангларда мағлубиятга учраб, дастлаб Синд ва Қандаҳорга, у ердан эса Эрон шоҳи Таҳмасп ҳузурига қочди. Шундай қилиб, Шимолий Ҳиндистон 1555 йилгача Шерхон ва унинг авлодлари тасарруфида қолди. 1555 йили Ҳумоюн чигатой, афғон, эрон, туркман ва кўчманчи ўзбек қабилаларидан катта қўшин тўплаб, Ҳиндистонга юриш қилди, ўша йилнинг июнь ойида Скандаршоҳ Сурни енгиб, Дехлини эгаллади. Лекин орадан бир йил ўтгач, сарой кутубхонаси зинапоясидан йиқилиб, фожиали ҳалок бўлди.

1556 йили таҳтга унинг 14 ёшли ўғли Акбар ўтқазилди. Акбар Бобурийлар давлати хукмронлигига қарши бош кўтарган Хему ва Скандар Сур устидан ғалаба қозонди, кейинчалик Бобурийлар давлатини бирмунча кенгайтиришга муваффақ бўлди. Акбар даврида Ҳиндукушдан жанубдаги Годавари дарёсигача бўлган ерлар Бобурийлар давлати тасарруfiga ўтди. Акбар марказий давлат аппаратини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча ислоҳотлар ўтказди. Ер солиги, давлатни бошқариш тартиби хусусидаги қонунларни ишлаб чиқди. Халқдан олинадиган бир қанча солик ва жарималарни бекор қилди. Акбар замонида ички ва ташқи савдо ривожланди.

Акбар XVI асрнинг 60-70-йилларида бир қатор ислоҳотлар ўтказди. Подшоҳ ҳокими мутлақ ҳисобланиб, унинг ҳузурида маҳсус вакиллик маҳкамаси ташкил этилди. Бу ислоҳот мамлакатни бирлаштириш ва давлатни марказлаштиришда муҳим роль ўйнади.

Акбарнинг ўғли Жаҳонгиршоҳ отаси даврида жорий этилган феодал тартибларни мустаҳкамлади, Бобурийлар давлатини кенгайтириш сиёсатини давом эттирди. Жаҳонгир 1614 йил Меварни, 1615 йил Ассомни ва 1621 йил Кашмирдаги кичик Киштвора навоблигини эгаллади. Бантола вилоятидаги афғон қабилаларининг ғалаёнларини бартараф этиб, уларни бўйсундирди. 1624 йилдан бошлаб ҳокимият унинг ўқимишли ва тадбиркор хотини Нур Жаҳон қўлига ўтди. Худди шу йиллардан бошлаб мамлакатда ички кураш янада кучайиб кетди. Бу курашни унинг ўғиллари Хуррам (Шоҳ Жаҳон) ва Хисрав Мирзо бошладилар. 1622 йили Хуррам отасига қарши қўзғолон кўтариб, охири таслим бўлди. У фақат отасининг вафотидан (1627) кейингина Шоҳ Жаҳон номи билан таҳтга ўтирди. Шоҳ Жаҳон айрим маҳаллий мулқдорларнинг қаршилигига дуч келди ва уларнинг исёnlарини бостирди, 1638 йили Қандаҳорни эгаллади.

Бобурийлар давлатининг энг машҳур ҳукмдорларидан яна бири Аврангзеб Оламгирdir. У Декан ва Бижапурни бўйсундирди. Акбар, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Бобурийлар давлати тараққий этди. Мамлакат бирмунча марказлашди, иқтисод ва маданий ҳаёт ўси. Аврангзеб ҳукмронлигининг охирги йилларида Деканда маратҳалар, шимолда афғон қабилалари, Панжобда сикҳлар, Мевар ва Марварда ражпутлар қўзғолонлари туфайли Бобурийлар давлати оғир аҳволга тушиб қолди. Аврангзеб вафотидан сўнг ички курашлар кучайди. Ундан ташқари, европаликлар (Португалия, Дания, Голландия ва Англия)нинг босқинчилик сиёсати бошланди. Натижада мамлакат майда-майда давлатларга бўлинib кетди. Бобурийлар давлати 1858 йили инглиз мустамлакачилари томонидан бутунлай тугатилди. Бобурийлар Ҳиндистонда жами 332 йил ҳукмронлик қилдилар.

Бобурийлар давлати маҳаллий халқлар маданияти тарихида прогрессив роль ўйнаган; бу ерда ободончилик ва маданий турмушга катта эътибор берилган; кўплаб суғориш иншоотлари қурилган, янги ерлар ўзлаштирилган, боғ-роғлар бунёд этилган, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик (қоғоз ишлаб чиқариш, заргарлик, кулолчилик, темирчилик, қандолатпазлик, тўқувчилик ва бошқалар) тараққий этган. Тарихий ҳужжатларда газламанинг 100 га яқин номи келтирилганлиги мамлакатда тўқувчилик кенг кўламда тараққий этганлигини кўрсатади. Бобурийлар маҳаллий халқ билан тобора яқинлашиш сиёсатини олиб борганлар, идора қилишда маҳаллий урф-одатларга риоя этганлар. Акбар мусулмон бўлмаган халқлардан олинадиган жизя солигини бекор қилган, турли-туман динларга эътиқод қилувчи қабила ҳамда халқларни келиштириш мақсадида турли динлар ақидалари мажмуидан иборат умумий «Дини илоҳий»ни жорий этишга ҳаракат қилган.

Бобурийлар давлати билан Мовароуннахрдаги давлатлар ўртасида дастлабки расмий маданий алоқалар XVI асрнинг 30-

йилларидан бошланган бўлса-да, Бобур Ҳиндистонни забт этган вақтдаёқ кўплаб шоир, созанда, бастакор, хонанда, миниатюрачи рассомларни олиб кетган эди. XVI асрнинг 2-ярмида шайбонийлардан Абдуллахон II Акбар саройига бир қанча миниатюрачи рассомларни, 1585 йили ўз элчиларини юборган. 1613 йили Бухоро хони Имомқулихон Жаҳонгиршоҳ ҳузурига, Жаҳонгиршоҳ ҳам ўз навбатида Бухорога ўз элчиларини йўллаган. 1660 йили Бобурийлар давлатига аштархонийлардан Абдулазизхоннинг, 1685 йили Бухорога Аврангзебнинг элчилари борган. Мовароуннахрдан турли сабаблар билан Бобурийлар давлатига келиб яшаб қолган шоирлар, меъмор ва миниатюра усталари кўп бўлган. Бобурийлар давлатида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маданий алоқаларнинг кенгайиши натижасида илм-фан, адабиёт, санъат, меъморлик тараққий этган, астрономия юксалган. Дехли, Жайпур ва бошқа шаҳарларда расадхоналар қурилган. Шимолий Ҳиндистонда форсий ва туркий тилларда, Марказий Ҳиндистон (Декан) да урду тилида сарой поэзияси тараққий этган, қатор насрий ва назмий асарлар (Бобур, Байрамхон, Омулий, Соиб Табризий, Зебуннисо, Бедил, Мирзо Фолиб ва бошқаларнинг асарлари) яратилган. Ижодда «ҳинд-мусулмон услуби» (шоирлар ўз асарларида Ҳиндистон табиат манзараларини, воқеа-ходисаларини тасвирласаларда, форс-тоҷик шеъриятининг анъанавий шакл ва образларидан фойдаланганлар) вужудга келди. Ҳинд, араб ва туркий халқлар бадиий ва илмий адабиёти нодир ёдгорликлари таржимасига ҳам катта эътибор берилди.

Жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорликлардан бири, ўзбек адабиётидаги дастлабки насрий мемуар ва тарихий-илмий асар Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сидир. Эски ўзбек (чағатой) тилида ёзилган (тахм. 1518/19—1530) «Бобурнома»да 1494—1529 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеалар ўта аниқлик билан баён қилинган.

XVI-XVIII асрлар мобайнида Бобурийлар томонидан бунёд этилган қатор монументал иншоотлар, асосан Мовароуннахр ва Ҳиндистон меъморлик услубларининг уйғунлашуви — янги «ҳинд-мусулмон услуби» бўйича қурилган. Қурилиш материали сифатида оқ ва қора мармардан унумли фойдаланилган. Бинолар девори қимматбаҳо, рангли тошлар — ҳақиқ, марварид, садаф, каҳрабо, зумрад, ёқут ҳамда фил суюги билан безатилган. Қурилишга Мовароуннахр, Ҳиндистон, Эрон ва Туркия меъморлари бошчилик қилган. Бу давр меъморий ёдгорликларидан Ҳумоюн мақбараси (1565), Баланд дарвоза (1576), Тожмаҳал (1632—50), Олтин ибодатхона (1764—66) жаҳон аҳамиятига молик. Фотихпур Сикри шаҳар қалъаси, Ажмир ва Оллоҳободдаги қалъалар, Матхурадаги Говиндадева ибодатхонаси, Скандардаги Акбар ва Эътимодуддавла

мақбаралари, Аградаги Лаъл қалъа, Моти масжид ва Аврангободдаги Бибика мақбараси ва бошқалар Бобурийлар давлатининг йирик меъморлик обидаларидан ҳисобланади.

Бобурийлар давлатида миниатюра санъати кенг тараққий этган. Бобурийлар миниатюра мактабига Камолиддин Беҳзоднинг шогирдлари — термизлик Мирсаййид Али ва Хўжа Абдусамад Шерозийлар асос солган. Бу мактаб вакиллари дастлаб тарихий рисолаларга миниатюралар чизиш билан шуғулланганлар. Кейинчалик тасвирий санъатда портрет ва анималистика жанрлари ҳам кенг тарқалган. Мирсаййид Али бошчилигидаги мусулмон ва ҳинд миниатюрачилари нарса, воқеа ва ҳодисалар манзарасини ҳаққоний ифодалашга харакат қилганлар. Бобурийлар давлати миниатюра мактабига унинг сўнгги йилларида Ўрта осиёлик мусавирлардан Фаррухбек, Мухаммад Мурод Самарқандий, Мухаммад Нодир Самарқандий, Оқо Ризо ибн Абулҳасан Бухорийлар раҳбарлик қилганлар. Улар «Бобурнома», «Акбарнома», «Зафарнома», «Жоме ат-таворих» каби асарларга нафис миниатюралар ишлаганлар. Мухаммад Мурод ва Мухаммад Нодир Самарқандийлар томонидан ишланган портретлар (Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон, Шермуҳаммад Навоб, Шива Парвати ва б.), Мирсаййид Али мўйқаламига мансуб 80 дан ортиқ миниатюра лавҳалари Вена ва Лондон музейларида, Мухаммад Муроднинг «Шоҳнома» қўлёзмасига ишлаган 115 та миниатюраси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Бобурийлар давлатида мусиқа санъати ҳам юксак даражада тараққий этган. Бу даврда маҳаллий ҳинд мусиқаси Мовароуннаҳр ва Эрон мусиқа санъати анъаналари таъсирида янада бойиган. Тарихчи Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарида айтилишича, бу ерда Мовароуннаҳр мусиқий асбобларидан торли-камонли созлар кўпроқ тарқалган.

Чет элларда, ҳатто Ҳиндистанда ҳам Бобурни ва унинг авлодларини «буюк мўғуллар» деб аташ одат бўлиб қолган. Атоқли олим В. В. Бартольд дунёда тарқалган «буюк мўғуллар» иборасининг хато эканлигини кўрсатиб, «Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғуллардан тарқалган деб ҳисоблаб, (Бобур) салтанати учун «буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар», деб ёзади. Бу ибора эса Европадан Ҳиндистанга «кўчиб» келиб, ҳиндлар орасига инглизча китоблар воситаси билан тарқалгандир. Сўнгги йилларда «буюк мўғуллар» деган хато ибора ўрнига «бобурийлар» ибораси қўлланила бошлидики, бу ибора тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради.

**Захириддин Мухаммад Бобур (1526-1530)
Ҷумоюн(1530-1539,1555-1556)**

Ақбар (1556-1605)
Жаһонгир (1605 - 1627)
Шоһ Жаһон (1627- 1658)
Аврангзеб (1658-1707)
Баҳодиршоҳ (1707-1712)
Жаһондоршоҳ (1712-1713)
Фарруҳсияр (1713-1719)
Муҳаммадшоҳ (1719-1748)
Аҳмадшоҳ (1748- 1754)
Иккинчи Оламгир (1754-1759)
Шоҳи Олам (1759-1806)
Иккинчи Ақбар (1806-1837)
Иккинчи Баҳодиршоҳ (1837-1858)

Хиндистон инглизлар томонидан босиб олинди.

Мовароуннахрда уч хонлик даври

БУХОРО ХОНЛИГИ (АМИРЛИГИ) (1500-1920)

Шайбонийлар сулоласи (1500-1601)

Тўхтамиш Оқ Ўрда билан Кўк Ўрдани бирлаштириб, Волга дарёси бўйидаги Олтин Ўрда давлати ҳукмронлигини қўлга олгач, Фарбий Сибир Жўчининг кичик ўғли Шибан авлодлари ихтиёрида қолди. Улар тарихда Шайбонийлар номи билан танилди. Шайбонийларнинг бир тармоғи – Тюмень хонлари XVII асртагача Сибирда ҳукм сурдилар. Аммо Шайбонийлар Ўрдасининг катта қисми Ўрта Осиёга кўчди ва маҳаллий туркий халқлар билан кўшилиб, ўзбек халқининг шаклланишига асос бўлди. Чунки бу Ўрда аҳолиси “ўзбеклар” деб ном олган эди.

Абулхайрхон 1431 ва 1435 йилларда икки марта қўшин тортиб, Хоразмни эгаллаган бўлса, унинг невараси Муҳаммад Шайбонийхон(1451-1510) Марказий Осиёни забт этди. 1533 йилга қадар мамлакат пойтахти Самарқанд бўлган. Убайдуллохон даврида (1533-1539) пойтахт Бухорога кўчирилди ва хонлик Бухоро хонлиги номини олди.

Ўша вақтда хонликка ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг катта қисми, Балх ва Бадахшон вилоятлари кирап эди. Убайдуллохон вафотидан кейин Бухоро хонлиги майда бўлакларга бўлинib кетди. Бухорода Убайдуллохоннинг ўғли

Абдулазизхон, Самарқандда Кўчкунчихоннинг ўғли Абдуллатиф мустақиллик эълон қилди. Балх ва Бадахшонда шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон мустақил таҳт сўради, Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон), Кармана ва Миёнқолда Искандархонлар ҳукмронлик қилдилар. 1551—1556 йиллар Мовароуннаҳр учун шайбонийлар ўртасидаги курашда Искандар сultonнинг ўғли Абдуллоҳон енгиб чиқиб, Бухоро хонлигига ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1557 йилдан бошлаб Бухоро узил-кесил хонлик пойтахтига айланди.

Бухорода Искандархон ва унинг ўғли Абдуллоҳон II (1557—1598) даврида хонлик ҳудуди бир мунча кенгайди. У Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бадахшон, Кўлоб, Хурасон, Хоразм устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Бухоро хонлиги марказлашган улкан давлатга айланди, шарқда Қашғар, ғарбда Орол ва Каспий денгиз соҳилларигача бориб етди. Шимолий томони Туркистон ва Сайрамгача етиб, жанубда Хурасоннинг шарқий қисмини ичига олди.

Шайбонийлар даврида, айниқса улардан Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳукмронлик қилган йилларда Бухоро хонлиги иқтисодий ва маданий ҳаётида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Ҳунармандчилик тараққий этди. Адабиёт, тарих, таржимонлик, луғатчилик, меъморлик, наққошлиқ, тасвирий санъат ва бошқалар равнақ топди. Нисорий, Мутрибий, Муҳаммад Солих, Зайнiddин Восифий, Камолиддин Биноий, Абдураҳмон Мушфиқий сингари шоир ва муаррихлар йирик адабий ҳамда тарихий асарлар яратдилар («Музаккир ал-аҳбоб», «Тазкират аш-шуаро», «Тарихи гузида», «Шайбонийнома», «Зубдат ал-асрор» каби). Рашидуддин Фазлуллоҳ («Жомеъ ат-таворих») ва Шарафиддин Али Яздий («Зафарнома»)нинг тарихий асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Мусиқа, хаттотлиқ (Кавқабий Нажмиддин Бухорий, Мир Али Ҳиравий, Аҳмад Ҳусайний, Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний, Султон Али Машҳадий, Дўстмуҳаммад Бухорий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шиҳобий ва б.) юқори даражада ривожланди. Тасвирий санъат юксалиб, Бухоро миниатюра мактаби вужудга келди. Кутубхоначилик (Абдулазизхон, Абдуллахон II кутубхоналари ва б.), китоб безаш ва муқовачилик ривожланди. Тиббиёт илми тараққий этди (Муҳаммад Ҳусайн ибн ал-Мироқий Самарқандий, Шоҳ Али ибн Сулаймон, Султон Али ва б.), йирик шаҳарларда шифохона (дор уш-шифо)лар ташкил қилинди.

Шайбонийлар даврида мамлакатда илгари қурилган бинолар тикланди, янги савдо расталари, карvonсаройлар, мақбаралар, мадрасалар, масжидлар қурилди, ариқ ва каналлар қазилди. Карвон йўллари бўйлаб сардобалар бунёд этилди, дарёларга кўприклар қурилди. Шайбонийхон мадрасаси, Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси, Масжиди калон, Говкушон мажмуаси, карвонсаройлар, Тими калон ва бошқа расталар, Абдуллахон

банди, Зарафшон сув айиргичи, кўприк ва сув омборлари қурилди, ариқ, каналлар қазилди, сардоба ва ҳаммомлар солинди, Бухоро шаҳри янги мудофаа девори билан ўралди. Қабр тоши (Шайбонийхон, Абусаидхон қабр тошлари ва б.) ясаш бадиий даражага етди. Таълим-тарбияга эътибор қучайди, ҳар бир маҳаллада мактаб очилди, баъзи хонадонларда уй таълими жорий этилди. Болалар олти ёшдан ўқишига қабул қилинадиган бўлди. Мадрасаларда илоҳиётдан ташқари риёзиёт, фароиз, ҳандаса, фикҳ, шеър санъати, мантиқ, мусиқа, хаттотлик ва бошқа фанлар ўқитилди.

Шайбонийлар даврида Бухорода дехқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди, маданий ҳаёт юксалди. Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланди. Бухоро, айниқса равнак топиб, у ерда кўплаб мадрасалар, хонақоҳ ва карвон саройлар, янги расталар барпо қилинди. Шайбонийлар замонида Бухоро хонлиги Ҳиндистон, Туркия, Россия билан савдо муносабатларини ривожлантириди.

Абдуллохон даврида бошланган ички сиёсий низолар натижасида 1598 йили Абдуллохоннинг ўзи, орадан кўп ўтмай ўғли Абдулмўмин ўлдирилди. Иккинчи Пирмуҳаммадхоннинг таҳтдан ағдарилиши билан Шайбонийлар сулоласи тугатилиб, Бухоро таҳтига аштархонийлар сулоласи вакиллари ўтириди.

Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510)

Кўчкинчихон (1510 – 1530)

Абу Саидхон (1530-1533)

Убайдуллахон (1533- 1539)

Абдуллахон (1539-1540)

Абдуллазизхон (Самарқандда)(1540-1550)

Абдуллатифхон (Бухорода) (1540-1551)

Наврӯз Аҳмад (Бароқхон) (1551-1556)

Пирмуҳаммадхон (1556-1561)

Искандархон (1561-1583)

Иккинчи Абдуллахон (1583-1598)

Абдулмўминхон (1598)

Иккинчи Пирмуҳаммадхон (1598-1601)

Аштархонийлар сулоласи (1601-1757)

Шайбонийлардан сўнг давлатни идора қилган сулола аштархонийлар Жўжихон наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Хожи Тархон) ва унинг атрофидаги ерлардаги ҳалқлар устидан ҳукмронлик қилган. 1556 йили Астрахани Россия босиб олганидан кейин, аштархонийлардан

Ёрмуҳаммад болалари ва қариндошлари билан Искандархон хукмронлиги даврида Бухорога келди. Искандархон уни яхши кутиб олиб, қизи Зухрохонимни унинг ўғли Жонибек султонга берган. Зухрохонимдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) туғилган.

Шайбоний Иккинчи Пирмуҳаммадхон тахтдан ағдарилгач, аштархонийлардан Динмуҳаммад хонликка кўтарилиди. Лекин у Бухорога бора туриб, йўлда ҳалок бўлди. Ундан кейин укалари тахтга ўтириди. Шу тариқа Бухоро хонлиги яна бир ўзбек сулоласи - аштархонийлар қўлига ўтди.

Аштархонийлар давридаги муттасил уруш ҳаракатлари маданий ҳаёт тараққиётига катта тўсиқ бўлди. Лекин шунга қарамай адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда бир қанча истеъодли олимлар (мусиқада Дарвишали Чангий ва б.) етишиб чиқди. Адабий, тарихий асарлар — «Хайвоннома» (Сайд Насафий), «Баҳр ул-асрор» (Махмуд ибн Вали), «Убайдулланома» (Муҳаммад Амин Бухорий), «Тарихи Абулфайзхон» (Абдураҳмон Толеъ), «Муҳит ут-таворих» (Муҳаммадамин ибн Муҳаммадзамон Бухорий), «Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия» (Турди) сингари адабий ва тарихий асарлар яратилди. Тиббиёт ва меъморлик бир оз тараққий этди: аштархонийлардан Субҳонқулихон Бухорода маҳсус шифохона ҳамда тиббиёт қутубхонаси қурдирди. Ҳашаматли бинолар (Шердор мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Нодир девонбеги мадрасаси, Болоҳовуз масжиди ва б.) бунёд этилди. Мактаб ва мадрасаларда асосан диний фанлар, қисман адабиёт (Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Бедил ва б.) ўқитилди.

1740 йили Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Балхни эгаллади ва катта қўшин билан Амударёдан ўтиб, Бухорога қараб юрди. Абулфайзхон (1711-1747) Нодиршоҳга таслим бўлди. Нодиршоҳ манғит қабиласидан бўлган Муҳаммад Ҳаким Оталиқни ишончли вакили сифатида тахтга ўтқизди. Бухоро етти йил, яъни Нодиршоҳ ўлимигача (1747) Эронга қарам бўлди.

Динмуҳаммад (1601)

Боқи Муҳаммад (1601-1605)

Вали Муҳаммад (1605-1611)

Имомқулихон (1611-1642)

Надр Муҳаммад (1642-1645)

Абдуллазизхон (1645-1681)

Субҳонқулихон (1681-1702)

Иккинчи Убайдуллахон (1702-1711)

Абулфайзхон (1711- 1747)

Абдулмўмин (1747-1751)

Учинчи Убайдуллахон (1751-1754)

Шерғози (1754-1757)

Манғитлар сулоласи (1756-1920)

1747 йили отаси ўрнига Оталиқ тайинланган Мұхаммад Раҳим бошчилигидаги фитначилар Абулфайзхонни ўлдирдилар. Мұхаммад Раҳим құлмишларидан норизо бўлган вилоят ҳокимлари унга қарши исён кўтардилар. У исёнларни шафқатсиз равишда бостириди. Кўлидаги ҳокимиятдан фойдаланиб, 1747-1756 йилларда тахтга аштархонийлардан қўғирчоқ хонларни ўтқазди. 1756 йили эса тахтни эгаллаб, ўзини Бухоро амири деб эълон қилди. Шу тариқа ҳокимият Манғитлар сулоласи қўлига ўтди.

Кейинги амир Дониёлбий (1758-1785) кўпгина солиқлар таъсис этди. Унинг ўғли амир Шоҳмурод (1785-1800) ҳокимиятни бирмунча мустаҳкамлади, отаси таъсис этган солиқларни бекор қилди, ўз сиёсатида мусулмон руҳонийларига суюнди, уларнинг мавқеини оширди.

XIX аср ўрталаригача Бухоро амирлари Хива, Қўқон хонликларига ва Шахрисабз бекларига қарши тинимсиз урушлар олиб борди. Амир Насруллоҳ (1826-1860) ҳокимият нуфузини оширишга ва худудини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Манғитлар сулоласи қўлида дастлаб Зарафшон водийсидан Амударёгача, жануби-шарқда Сурхонгача бўлган ерлар, Марв ва Балх бор эди. Фарғонанинг серунум ерлари Қўқон хонлари қўлида эди. Насруллоҳ бу ерлар учун уруш олиб бориб, 1842 йили қисқа мuddат Қўқон хонлигини забт этди.

1866 йили Чор Россияси қўшинлари Бухоро амирлиги чегараларига бостириб кирди ва Ҳўжанд, Ўратепа, Жizzах шаҳарларини ишғол этди. Истило этилган ерларни бошқариш учун Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди. 1868 йил 2 май куни генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари Самарқандни ишғол қилди. Июнь ойида Бухоро амири Музaffer қўшинларига Зирабулоқ яқинида қатъий зарба берилди. Амир генерал-губернаторга мурожаат қилиб, сулҳ тузишни сўради. 1868 йил 23 июнда икки ўртада шартнома имзоланди. Рус қўшинлари босиб олган ерлар Чор Россияси ихтиёрига ўтди. Бухоро амирлиги мустақил ташқи сиёsat юргизишдан маҳрум бўлди, рус подшоҳига 500 минг олтин сўм товон тўлади. Амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Русиясига ўтди. Ҳўжанд, Ўратепа, Панжикент, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидан тортиб Зирабулоққача бўлган ерлар, Шарқий Бухорода эса Шуғнон, Воҳон, Рӯшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши амирлиқдаги халқларни асосий ҳаёт манбаи бўлган сувдан маҳрум этди, бу ҳол Бухоро амирлигининг Русияга иқтисодий жиҳатдан қарамлигини янада оширди.

Бухоро амири ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳукмрон саналса ҳам, ҳақиқатдан рус подшоҳига қарам эди. Амир Абдулаҳад рус подшоҳининг генерал адъютанти бўлган.

Амирлик ерларидан ўтган темирйўл бўйларига рус аҳолиси келтириб жойлаштирилди. Бухоро-Афғонистон чегараси муҳофазаси билан ҳам рус қўшинлари шуғулланган. Бухоро амирлигининг Чор Россиясига тобелиги амир Олимхон (1910—1920) замонида янада ортди. Амирликда еттита рус хусусий банки шуъбаси иш олиб борди. 1912—1915 йиллар давомида 300 минг десятина серунум ерлар рус маъмурларига ижарага берилди.

Бухоро хонлиги Марказий Осиёда ҳар жиҳатдан энг катта ва кучли давлат ҳисобланиб, Ҳиндистондаги бобурийлар давлати, Русия ва Эрон давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлган. Бухоро хон ва амирлари Марказий Осиёдаги уч хонликни бирлаштиришга уринган бўлсалар ҳам, бу ишнинг уддасидан чиқа олмадилар.

Бухоро касб-ҳунар, савдо-сотиқ ва илм-фан маркази сифатида бошқа хонлик ва ўлкалардан устун эди. У шарқда Ислом динининг йирик маркази эди. Хонликлар даврида бу ерда юзлаб ажойиб архитектура ёдгорликлари — масжид, мадраса ва бошқа иншоотлар бунёд этилди.

Мангитлар ҳукмронлиги даврида маданий ҳаёт бир қадар пасайди, бадиий ижодда мадҳиябозлик ва таркидунёчилик мавзуи кучайди. XVIII асрнинг 2-ярми ва XIX аср бошларида «Туҳфаи хоний» (Мухаммад Вафо Карминагий), «Тож ут-таворих» (Мухаммад Шариф), «Фатҳномаи султоний» (Мухаммад Миролим Бухорий), «Мангит хонлари тарихи» (Мирзо Абдулазим Сомий), «Наводир ул-вақоэъ», «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» (Аҳмад Дониш) каби тарихий-бадиий асарлар яратилди. «Тўтинома», «Чор дарвеш», «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зухра», «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад», «Гўрўғли» туркумидаги достонлар халқ орасида кенг тарқалди. Халқ санъати турлари — қизиқчилик, фонус хаёл, дорбозлик ва бошқалар тараққий этди, мусиқа оммавий санъатга айланди, тасвирий санъат ривожланди (Абдулхолиқ Махдум ва б.). Йирик иншоотлар — Шайх Жалол дарвозаси ва хонақоҳи (XVIII асрнинг 2-ярми), Домулло Турсунжон мадрасаси (1796—97), Халифа Худойдод ансамбли (1777—1855), Чорминор (1807), Амир мадрасаси (20-а. бошлари), Ситораи Моҳи Хоса (XIX - XX аср бошлари) курилди.

Бухоро хонлиги Россия вассалига айлантирилгач, қулчилик тугатилди, касалхона, дорихоналар, янги усулдаги рус-тузем мактаблари очилди, Каттакўргондан Бухорога телеграф ўtkазилди, Бухоро темир йўли ва Амударёга темир кўприк қурилди. Меъморликда миллий ва европача услублар уйғунлашган ҳолда 1888 йили Янги Бухородаги (ҳоз. Когон) савдо ва банк муассасаларининг

бинолари, амирнинг янги саройи, Бухородаги темир йўл вокзали ва бошқалар қурилди.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро шаҳри Қизил аскарлар томонидан эгалланди. 1920 йил 6-8 октябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-қурултойида Бухоро Халқ Шўролар Жумхурияти тузилганлиги эълон қилинди.

Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758)

Фозилтўра (амалда Дониёлбий оталик) (1758-1785)

Шоҳмурод (1785-1800)

Амир Ҷайдар Тўра (1800-1826)

Амир Насрулло (1826 - 1860)

Амир Музаффар (1860-1885)

Амир Абдулаҳад (1885-1910)

Амир Олимхон (1910-1920)

ХИВА ХОНЛИГИ (1511- 1920)

1505 йили Темурийлар тасарруфига бўлган Хоразм ҳудудини Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар эгаллади. Шайбонийхон вафотидан кейин (1510) Хоразм Эрон сафавийлари томонидан забт этилди. Аммо уларга қарши кўтарилиган халқ кўзғолони ниҳоясида сафавийлар мамлакатдан қувиб чиқарилди. Хоразмликлар таклифи билан чақирилган шайбонийлар етакчиси Элбарсхон 1511 йили Хоразм ҳукмдори деб тан олинди. Элбарсхон билан бирга Дашиб Қипчоқдан келган кўчманчи аҳоли ҳам Хоразмда ўтроқлашган.

Хива хонлигига Хоразм, шунингдек Манқишлоқ, Дехистон, Узбой бўйидаги туркманлар кўчиб юрувчи ҳудудлар ва Хурросоннинг шимолий қисми кирган. Пойтахти дастлаб Вазир, кейинчалик Урганч ва Хива шаҳарлари бўлган. Элбарсхон тобе ҳудудларни ўғиллари ва қариндошлирига бўлиб берган. Бу эса унинг вафотидан кейин ўзаро тахт учун курашни кучайтириб юборган. Натижада хонлар тез-тез алмашиб турган.

Ўзаро урушлардан фойдаланган Бухоро хони Абдуллохон II 1593 йили Хива хонлигини босиб олди. Кўп ўтмай хонлик яна мустақилликка эришди.

XVII аср бошларига келиб Хоразм тахти учун бўлган сулолавий курашлардан сўнг ҳокимиятни эгаллаган Араб Муҳаммадхон даврида Хива хонлигига парокандалик янада кучайган. Рус казаклари, қозоқлар ва қалмоқларнинг талончилик юришлари, Араб Муҳаммадхоннинг ўғиллари Ҳабаш ва

Элбарсларнинг оталариға қарши чиқишлири ҳокимиятни кучсизлантирган. Бу кураш натижасида Араб Мұхаммадхон ҳалок бўлади. Падаркуш фарзандлар эса орадан кўп ўтмай акалари Асфандиёр томонидан тахтдан туширилиб, қатл қилинади.

Эрон шоҳи Аббос I ҳомийлигига тахтга чиққан Асфандиёрхон даврида мамлакат ҳаётидаги кескинлик сақланиб қолди. Орол бўйидаги ўзбек қўнғиротлари Асфандиёрга бўйсунмай қўйишиди. Мамлакатда тарқоқлик ва зулм кучайди. Бундан фойдаланган йирик мулқорлар Абулғозий Баҳодирхонни хон қилиб кўтаришиди. Мамлакатда бир қадар барқарорлик тикланди. Маданият ва санъат ривожланди.

Хива хонлиги Эрон ва Бухоро хонлигининг тўхтовсиз ҳамлаларини қайтаришга мажбур бўлган. Элбарсхон даврида (1728—1740) Эрон шоҳи Нодиршоҳ Хива хонлигига хужум қилиб, уни ўзига бўйсундирди (1740). Нодиршоҳ вафотидан сўнг (1747) хонлик яна мустақил бўлиб олди.

1804 йилдан бошлаб Хива хонлигига тахтни қўнғирот ўзбеклари сулоласи расмий равишда эгаллади. Мұхаммад Раҳимхон даврида (1806—1828) қўшни майда бекликлар, Орол атрофидаги қабилалар Хива хонлиги таркибиға қўшиб олинди. Хонлик шаҳарлари - Хива, Янги Урганч, Ҳазорасп, Хўжайли, Тошховуз, Гурлан, Хонқа ва бошқаларда хунармандчилик ривожланди, улар савдо марказларига айлантирилди.

XVI-XIX асрлар давомида Хива хонлиги ҳудудлари доимо ўзгариб турган. Дастраси худуди Ҳоразм воҳасидагина жойлашган бўлса, кейинчалик унинг чегараси жанубда Эрон ва Марвгача, шимолда Урал дарёсигача бўлган ерларга чўзилган, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда эса Каспий денгизи қирғоқларигача етган. Чор Россияси истилосидан кейин Амударёнинг чап қирғоғида 62237,2 кв. км. ер майдонига эга кичик вассал давлатга айланиб қолган. Аҳолисининг сони ҳам доимо ўзгариб турган. Ўртacha 1 млн. киши атрофида аҳоли яшаган. Унинг кўпчилигини ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, кам сонли форслар, араблар, руслар ва бошқалар ташкил қилган.

Хонликда давлат тили ўзбек тили бўлиб, Бухоро ва Кўқондан фарқли ўлароқ барча фармонлар, давлат хужжатлари фақат ўзбек тилида ёзилган.

XIX асрда Ҳоразм ҳудудида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 103 мадраса мавжуд бўлган. Хива шаҳрининг ўзида 22 та мадраса бўлган. Адабиёт, тарихнавислик, хаттотлик, мусиқа санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар кўлга киритилган.

Мунис, Оғаҳий, Феруз, Комил Ҳоразмий, Камрон, Баёний, Хисравий, Муродий, Рожий, Мутриб Ҳонахаробий, Лаффасий сингари шоир ва адиллар ижоди ўзбек адабиёти ривожида ўзига

хос ўринга эга. Танбур чизиги нотасини яратган Комил Хоразмий “Мақоми феруз Шоҳий” асари ва “Панжгоҳ” мақоми билан ўзбек миллати санъатига катта ҳисса қўшган. Абулғозийхон “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабига асос солган бўлса, Мунис ва Оғаҳийлар “Фирдавс ул-иқбол”, “Зубдат ут-таворих”, “Фиёс уд-давлат”, “Жоме ул-воқеоти султоний”, “Шоҳид ул-иқбол” асарлари билан тарих соҳасини янада ривожлантирилар. Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий”, “Хоразм тарихи” асарлари Ўзбекистон тарихини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади.

Хива шаҳрида сақланиб қолган қадимий меъморлик иншоотлари, асосан, хонликлар даврида қурилган. Буларга Анушаҳон ҳаммоми, Шерғозихон мадрасаси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Кўхна Арк, Тошховли, Карвонсарой, Исломхўжа минораси, Қалъа девори, Нуриллабой саройи ва бошқалар киради.

1830-1840 йилларда Оренбург ҳарбий губернатори В.А.Перовскийнинг Хивага юриши муваффақиятсиз тугади. 1842 йили Хива хонлиги билан Россия ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида битим тузилди. Аммо 1873 йили Фон Кауфман бошлилигидаги рус қўшинлари уч томондан хужум қилиб, Хивани эгаллади. Хива Россиянинг вассалига айланди.

Бу оғир шароитда мамлакатни бошқарган Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) маданият ва санъат раҳнамоси сифатида тарихда қолди. Унинг ўзи ва саройда тўпланган Оғаҳий, Комил, Табибий сингари шоирлар ўзбек адабиёти ривожига муносиб улуш қўшдилар. Унинг даврида Хивада босмахона ташкил этилди. Бу матбаада Алишер Навоий ва бошқа шоирларнинг девонлари, таржима асарлар чоп этилди. Муҳаммад Раҳимхонга Оренбург казак қўшинларининг генерал-лейтенанти унвони берилган эди. Россия ҳукумати ўз тўқимачилик саноатини хомашё билан таъминлаш учун Хива хонлигига пахта етиширишни кучайтириди. 1890 йил 200 минг пуд, 1900 йил 400 минг пуд пахта олинди.

1917 йилги Октябрь тўнтаришидан сўнг Хива хонлигига сиёсий кураш авж олиб кетди. 1920 йил 2 февраляда Қизил Армия ёрдамида хон таҳтдан туширилди ва Хива хонлиги ҳудуди 1920 йил 26 апрелда Хоразм Шўролар Жумҳурияти деб эълон қилинди.

Элбарсхон (1511-1524)
Султон Ҳожихон (1524)
Ҳусайнқулихон (1524)
Суфёнхон (1524--1536)
Ҳасанқулихон (1536-1539)
Ақатойхон (1539-1556)
Юнусхон (1556-1557)
Дўстхон (1557-1561)
Ҳожи Муҳаммадхон (1561-1602)

Бухоро хонлиги вассали (1593-1598)

Араб Муҳаммадхон (1602- 1622)
Элбарс Султон ва Ҳабаш Султон (1622-1623)
Асфандиёрхон (1623-1642)

Бухоро хонлиги вассали (1642-1645)

Абулғози Баҳодирхон (1645-1663)
Анушаҳон (1663-1687)
Худойдодхон (1687-1689)
Эрнак Муҳаммадхон (1689-1694)
Жўжи Султон (1694-1696)
Валихон (1696-1698)
Шоҳниёзхон (1698-1702)
2-Араб Муҳаммадхон (1702-1704)
Сайид Алихон (1704-1706)
Мусаҳон (1706-1708)
Ёдгорхон (1708-1714)
Эшим Султон (1714-1715)
Шерғозихон (1715 -1728)
Элбарсхон (1728-1740)

Эрон шоҳлари вассали (1740-1747)

Тоҳирхон (1740-1741)
Нуралихон (1741-1742)
2- Абулғозихон (1742-1746)
Гойибхон (1746-1756)
Қорабойхон (1756-1757)
Темурғозихон (1757-1763)
Тавқаҳон (1763-1764)
Шоҳ Ғозихон (1764-1767)
Абулғозихон (1767)
Нуралихон (1767-1768)
Булакайхон (1768-1769)
Жаҳонгирхон (1769-1770)
Муҳаммад Амин Иноқ (1770-1790)
Авазмуҳаммад Иноқ (1790- 1802)
Абулғозихон Ёдгорхон ўғли (1802-1804)
Элтузархон (1804-1806)
Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825)
Оллоқулихон (1825-1842)
Раҳимқулихон (1842-1846)
Муҳаммад Аминхон (1846-1855)

Абдуллахон (1855)

Қутлуғмуродхон (1855-1856)

Саид Муҳаммадхон (1856-1864)

2- Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) (1864-1910)

Асфандиёрхон (1910-1918)

Саид Абдуллахон (1918-1920, амалда Жунаидхон)

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ (1709-1876)

Қўқон шаҳри Фарғона водийсидаги энг қадимий аҳоли масканларидан бири. У ҳақдаги дастлабки ёзма маълумотлар X аср манбаларида учрайди. Истахрий ва Ибн Хавкал асарларида у “Ҳавоканд”, яъни ёқимли ҳаволи, шамоллар шаҳри сифатида тилга олинган.

Қўқоннинг Хитой ва Ҳиндистонга борадиган қадимги карвон йўлида жойлашганлиги унинг тез ривожланишига сабаб бўлган. Аммо XIII асрда мўғуллар босқини пайтида тамомила вайрон қилинган. То XVIII асргача кичик шаҳарча сифатида мавжуд бўлган. 1709 йили Минг қабиласидан чиқсан Шоҳруҳбий Қўқон хонлигини ташкил қилди ва янги сулолага асос солди. Янгидан истеҳком ва қалъя барпо этилди. Абдураҳимбий даврида (1732) шаҳардаги курилишлар давом эттирилди ва у хонлик пойтахтига айланирildi.

Бу даврда Қўқон хонлиги билан Бухоро хонлигига ярим мустақил бўлган Шаҳрисабз беклиги ўртасида яқин иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўрнатилган. Абдураҳимбий Шаҳрисабз беги, кенагас уруғига мансуб Ҳаким Бухорийнинг қизи Ойчучукка уйланган. У Фарғонада “Кенагас ойим” номи билан машҳур бўлган. Қўқон шаҳри яқинидаги Кенагас қишлоғи тарихи ҳам шу воқеа билан боғлиқ бўлса керак.

Қўқон Норбўтабий даврида айниқса равнақ топди, водийнинг чинакам маданий ва иқтисодий марказига айланди. Хоннинг оқилона сиёсати туфайли ўзаро урушлар камайди, халқнинг турмуш даражаси юксалди.

Унинг ўрнига келган Олимхон 1800-1810 йиллари Тошкент, Чимкент ва Сайрамни босиб олди. У марказлашган кучли давлат тузишга ҳаракат қилди. Аммо укаси Умархон (1810-1822) бошчилигидаги фитначилар томонидан ўлдирилди. Умархон Туркистон шаҳри ва қозоқ хонликларининг талайгина қисмини хонликка кўшиб олди. Тошкент, Бухоро ва Ҳивадан Оренбургга борадиган карвон йўли туташган жойда Оқмачит қалъасини қурдирди.

Умархон вафотидан сўнг унинг 12 ёшли ўғли Муҳаммад Алихон тахтга ўтирди. Давлатни асосан онаси – таниқли шоира Нодирабегим бошқарди. Муҳаммад Алихон хонлик ҳудудини кенгайтиришга интилиб, Қоратегин, Дарвоз, Шугнон, Рўшон, Воҳон бекликларини бўйсундирди. Бу эса Бухоро хонлиги билан манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлди. 1840 йили бўлган урушда Муҳаммад Алихон енгилиб, Хўжандни Бухоро амири Насруллога топширишга ва ўзини унинг ноibi деб тан олишга мажбур бўлди.

Аммо бу билан кифояланмаган Бухоро амири Насрулло 1842 йили Кўқонни эгаллаб, Умархоннинг ўғли Муҳаммад Алихонни (1822-1841), унинг укаси Султон Маҳмудхон (1841-1842), онаси Нодира ва яқин қариндошларини қатл этди. Амир фармони билан Кўқон хонлиги Бухоро ноibi томонидан бошқарила бошланди. Аммо 1842 йили қўзғолон кўтарган кўқонликлар амир Насруллонинг вакилларини ўлдириб, Норбўтабийнинг жияни Шералихонни тахтга ўтқаздилар.

Кўқон хонлиги аҳолисининг сони 3 миллионга яқин эди. Чоризм қўшинлари унинг шимолий-ғарбий вилоятларини босиб олгач, хонлик ҳудуди анча қисқариб, асосан, Фарғона водийси билан чекланади ва аҳоли сони тахминан 2 миллионга тушиб қолади. Кўқон хонлигининг аҳолиси, асосан, ўзбеклар, тоҷиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди.

Кўқон хонлигига кўплаб пахта ва полиз экинлари етиширилган, боғдорчилик ҳамда пиллачилик тараққий этган. Ҳунарманд-косибчиликнинг мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, ҳарбий қурол ишлаб чиқариш, сопол ва кўзагарлик, қоғозгарлик, бадиий тўқимачилик, дўпчичилик, каштачилик, кўприксозлик, темирчилик каби турлари кенг ривожланган. Айниқса, Кўқон қофози Ўрта Осиёдаги энг сифатли қофоз сифатида машҳур бўлган.

XIX аср бошларида шаклланган Кўқон адабий муҳити ҳам хонликнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Кўқон ҳукмдорларининг қатор намояндалари темурийлар анъанасини давом эттириб, ўзлари ҳам илм-маърифат билан шуғулланиб, бу соҳани равнақ топдиришга катта саъй-ҳаракат қилганлар. Айниқса, бунда Кўқон хонларидан Умархон (1810-22) ва Муҳаммад Алихон (1822-41) даврлари яққол ажралиб туради. Ҳусусан, Акмал (Махмурнинг отаси), Амирий (Кўқон хони Умархон), Боқихонтўра, Муҳаммад Шариф, Гулханий, Махмур (Маҳмуд), Мунтазир, Низомий Хўқандий (асл номи Низомиддин Муҳаммадаминхўжа ўғли), Нодир, Нозил Муҳаммад Аваз, Авазмуҳаммад Ёрмуҳаммад ўғли Писандий, Фазлий Намангоний, Гозий сингари шоирлар халқ ичida машҳур эдилар.

Кўқон адабий мұхитининг яна бир мұхим характерли жиҳати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс-тожик тилида баббаравар қалам тебратган бир қатор таниқли ва машхур ўзбек шоиralари истеъоди кенг ривож топди. Масалан, Дилшод отин, Зебунисо, Зиннат, Моҳзода Бегим, Маҳзуна, Муштарий, Нодира, Нозук Хоним, Увайсийларнинг ижоди айрича аҳамиятга моликдир. Кўқон адабий мұхитининг самарали таъсири ўлароқ бу юртдан кейинчалик Муқими, Фурқат, Завқий ва бошқа етук бадиий сўз санъаткорлари етишиб чиқдилар ва ўз халқининг эрки, хурлиги ва озодлиги учун хизмат қилдилар.

1865 йил май ойида Чор Русияси қўшинлари Кўқон хонлигига қарашли Тошкент ва Хўжандни босиб олди. Чор қўшинлари муваффақиятларидан ва хонлиқдаги бекарорликдан қўрқкан Худоёрхон (1845-1875) Фон Кауфман таклиф қилган шартномани тасдиқлади. Шартномага мувофиқ рус савдогарларига Кўқон хонлигининг ҳамма ерларида савдо қилиш, карvonсаройлар қуриш, рус молларини хонлик ҳудуди орқали бошқа мамлакатларга бемалол олиб ўтиш хуқуқи берилди.

1876 йили Чор ҳукумати Кўқонда юз берган қўзғолонни бостириди ва қулай имкониятдан фойдаланиб, Кўқон хонлиги ҳудудини Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб юборди. Худоёрхон Оренбург шаҳрига сургунга жўнатилди. Орадан маълум муддат ўтгач, у яширинча Маккага ҳажга жўнаб кетди ва қайтишда Афғонистон ҳудудида вафот этди.

Минглар сулоласи

- Шоҳруҳбий(1709-1721)**
- Абдураҳимбий(1721-1740)**
- Абдулкаримбий (1740-1760)**
- Эрдонабий (1760-1764)**
- Сулаймонбек(1764)**
- Норбўтабий (1764-1800)**
- Олимхон (1800-1810)**
- Умархон (1810-1822)**
- Муҳаммад Алихон (1822-1841)**
- Султон Маҳмудхон (1841-1842)**
- Шералихон (1842-1845)**
- Муродхон (1845)**
- Худоёрхон (1845-1858)**
- Маллахон (1858-1862)**
- Шоҳмуродхон (1862-1863)**
- Худоёрхон (иккинчи марта) (1863)**
- Султон Саидхон (1863-1865)**
- Худойқулбек ибни Мақсадбек (1865)**

Худоёрхон (учинчи марта) (1865-1875)

Насридинбек (1875)

Пўлатхон (1875-1876)

МУНДАРИЖА

Ушбу китобнинг ёзилиши сабаби.....
Қадимги Хоразм давлати.....
Суғд (Суғдиёна) давлати
Қанғ давлати (Қанҳҳа, Кангюй).....
Усунлар(уйшунлар) давлати.....
Осиё Ҳун салтанати.....
Фарғона (Даван, Дайюань) давлати.....
Салавкийлар давлати
Парфия (Парфиёна).....
Юнон-Бақтрия подшолиги
Кушон подшолиги
Хионийлар давлати.....
Қиданлар давлати
Эфталийлар давлати (Абдаллар,Оқ хунлар).....
Турк ҳоқонлиги
Уйғур ҳоқонлиги
Қирғиз ҳоқонлиги.....
Туркаш ҳоқонлиги
Бухорхудотлар давлати.....
Сомонийлар давлати.....
Қораҳонийлар давлати.....
Газнавийлар давлати
Хоразмшоҳлар давлати.....
Салжуқийлар давлати.....
Қораҳитойлар давлати
Мўғуллар давлати.....
Олтин Ўрда давлати.....
Чагатоийлар давлати
Темурийлар давлати
Бобурийлар давлати
Бухоро хонлиги (Амирлиги)
Хива хонлиги
Қўқон хонлиги

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Каримов И.А.*, Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008.
2. Абу Ҳафс Насафий. “Қандия”. Тошкент, 2005.
3. Абу Мансур ас-Саолибий. Китоб латоиф ал-маориф, Тошкент, 1987.
4. *Абулғозий Баҳодирхон*. Шажарайи турк. Тошкент, 1992.
5. *Абу Райҳон Беруний*, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Тошкент, 1968.
6. Абдухолиқ Абдурасул Ўғли, Чин ва Мочин, Тошкент, 2006.
7. Абдухолиқ Абдурасул Ўғли, Қадимги Фарғона тарихидан. Тошкент, 2002.
8. Али Заде А., Хроника мусульманских государств, Москва, 2007.
9. Амир Темур Кўрагон, “Темур қиссаси” Тошкент, 2004.
10. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент, 1992.
11. Байтур А. Қыргыз тарыхы. Бишкек, 2003.
12. Бобобеков Ҳ.Н., Қўқон тарихи. Тошкент, 1996.
13. Бобобеков Ҳ., Краткая история Коқандского ханства. Тошкент, 2008.
14. Бобобеков Ҳ., Каримов Ш., Содиков М., Усмонов Қ., Холбоев С., Шоймардонов И., Ўзбекистон тарихи, қисқача маълумотнома. Тошкент, 2007.
15. Бобоев Ҳ., Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1-китоб, Тошкент, 2004.
16. Бобоев Ҳ., Хидиров З., Шодиев Ж., Аҳмедова М. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 2-китоб, Тошкент, 2009.
17. Бобур, “Бобурнома”. Тошкент, 1989.
18. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Москва, Наука, 1971 (Бу китобнинг Ўзбек тилига Ўгирилгани цам бўлиб, «Мусулмон сулолалари» деб аталади (Фан, 2006).
19. Бухара и Афганистан в начале 80-х годов XIX века. Москва, 1974.
20. Гумилев Л., Древняя Русь и Великая степь. Москва, 2007.
21. Гумилев Л., А.Панченко. “Чтобы свеча не погасла”. Ленинград 1990.
22. Deliorman A., Genel turk tarihi. Istanbul, 1995.
23. Deliorman A. Tarih, II. Istanbul. 1995.
24. Divanu lug’ati – t turk. 3-baski, Ankara, 1991.
25. Закиев М. Происхождение тюрков и татар. Москва, 2002.
26. “Историография и источниковедение истории стран Азии и Африки”. №13, Ленинград, 1990.
27. Ismail Aka. “Timur ve devleti”. Ankara, 1991.
28. Камолиддин Ш.С. “Древнетюрская топонимия Средней Азии”. Тошкент, 2006.
29. Камолиддин Ш.С. “Заметки по древней и средневековой истории Чача”. Тошкент, 2009.

30. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. 1-китоб, Тошкент, 1997.
31. Лайпанов К.Т. “О происхождении тюркских народов”. Черкесск, 1993.
32. Маҳмудов Қ. Туркий хоқонликлар. “Турон тарихи” мажмуаси, 1992.
33. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. Тошкент, 2007.
34. Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент 2003.
35. Мирзо Улугбек. “Тўрт улус тарихи”. Тошкент, 1994.
36. Мирза Мухаммад Ҳайдар. “Тарихи Рашидий”. Тошкент, 1996.
37. Мулло Олим Маҳдум. “Тарихи Туркистан”. Қарши, 1992.
38. Мухаммадкаrimov A. “Тошкентнома”. Тошкент, 2004.
39. Мухаммад Али Балжувоний. “Тарихи Нафоий”. Тошкент, 2001.
40. Мухаммад Юсуф Баёний. “Шажарайи Ҳоразмшоҳий”. Тошкент, 1994.
41. Набиев Р. “Из истории Кокандского ханства”. Ташкент, 1973.
42. Нажмиддин ан-Насафий. “Самарқандия”. Тошкент, 2001.
43. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. Тошкент, 1996.
44. “Посланник Петра Первого на Востоке”. Москва, 1986.
45. “Путешествие Абу Хамида ал-Гарнати в Восточную и Центральную Европу (1131-1153)”. Москва, 1971.
46. Равшанов П. “Турон VII-IX асрларда”. Қарши”, 2003.
47. Рахманалиев Р. “Империя тюроков”. Москва, 2002.
48. Раҳмон Н. “Турк Ҳоқонлиги”. Тошкент, 1983.
49. Ртвеладзе Э. “Великий шелковый путь”. Ташкент, 1999.
50. Ртвеладзе Э. “Ўзбекистоннинг тарихий Ўтмиши”. Тошкент, 2009.
51. Сагдуллаев А. “Поход Александра Македонского в Согдиану”. Ташкент, 2007.
52. “Самария”, “Бухоро тарихи”, “Шажараи Ҳоразмшоҳий”, “Фарғона тарихи”. Тошкент, 1991.
53. Сатторий Ҳ. “Ҳазрат Сошибқирон”. Тошкент, 2005.
54. Султанов Т. “Золотая Орда”. Алматы, 2004.
55. “Tarih boyunca turk dili”. Karaman(Turkiya), 1997.
56. “Тамерлан” (сборник статей), Москва, 1992.
57. Зиётов З. “Турон қавмлари”. Тошкент, 2008.
58. “Турон Тарихи” журнали. Тошкент, 1992-1994, 2002-2009.
58. Турғун Олмос. “Уйғурлар”. Шинжонг ёшлар-Ўсмирлар нашриёти. Урумчи, 1989.
59. Умаров. Э.А. “Новые данные об орхонских надписях”. Ташкент, 2006.
60. Уолкер С.С. “Чингизхан”, Ростов на Дону, 1998.

61. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S., Ozbekiston tarixi, darslik, Toshkent, 2006
62. Файзиев Т. “Темурийлар шажараси”. Тошкент, Фан, 1995.
63. Холбоев С. “Бухоро амирлигининг олтин хазинаси”. Тошкент, 2008.
64. Холиқов Э., Лафасов М., Рустамов М. “Меросимиз илдизлари”. Тошкент, 2008.
65. Хўжаев А. “Буюк ипак йўли”. Тошкент, 2007.
66. Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. Тошкент.1998.
67. Шарафуддин Роқимий. “Тарихи томм”. Тошкент, 1998.
68. Шомий Н. “Зафарнома”. Тошкент, 1996.
69. Шониёзов К. “Қанғ давлати ва қанғлилар”. Тошкент, 1990.
70. Шониёзов К. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Тошкент, 2001.
71. “Ўзбегим”. Тошкент, 1992.
72. “Ўзбекистон Ўрта асрларда: тарих ва маданият (мақолалар тўплами)”. Тошкент, 2003.
73. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 1-11 жиллар, Тошкент, 2000-2005.
74. “Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда” (мақолалар тўплами), Тошкент, 2009.
75. “Ўзбекистон тарихи атласи”. Тошкент, 1999.
76. “Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари”. Тошкент, 2006.
77. “Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар (мақолалар тўплами)”. Тошкент, 1998.
78. “Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида”. Тошкент, 2008.
79. Якубов Б. “Шаҳрисабз ва Китоб тарихидан”. Қарши, 1996.
80. Yunus Oguz. “Turkun tarixina yeni bir baxish”. Baki, 2007.